Лойиҳани давлат ташкилотларида жорий этиш бўйича халқаро тендер жараёнлари ўтказилди. Жараёнда “White and Case” (АҚШ), “KPMG” (Италия) ва бошқа ушбу соҳада катта тажрибага эга халқаро компаниялар қатнашди. Бунда тендер натижалари бўйича ғолиб деб топилган халқаро аудиторлик компанияси КРМГ экспертлари билан ҳамкорликда “Ўзбекнефтгаз” ва “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида (шу жумладан, вазирлик марказий аппарати, Самарқанд вилоят адлия бошқармаси, Жомбой тумани адлия бўлими, Давлат хизматлари агентлиги марказий аппарати, агентликнинг Тошкент шаҳар бошқармаси, Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази, Интеллектуал мулк агентлиги марказий аппарати) [10] тажриба лойиҳа тариқасида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, жорий йилдан бошлаб мазкур тажрибаларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан БМТ Тараққиёт дастурининг кўмагида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Мирзо Улуғбек тумани ва Бўка тумани ҳокимликлари каби давлат ташкилотларида, уларнинг фаолиятлари жамият билан бевосита боғлиқлиги каби ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини тажриба тариқасида жорий этиш ишлари ташкил этилмоқда.

Ўз навбатида комплаенс назоратнинг коррупцияга қарши курашишда самарали ва таъсирчанлиги каби жиҳатларидан келиб чиқиб, мазкур тадбирларнинг давомий ижроси сифатида 2020 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекнефтгаз” АЖ Раиси билан ҳамкорликда “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда “Коррупцияга қарши курашиш менежменти” ISO-37001 тизимлари тажрибасини жорий этиб бориш ўзаро вазифалар белгиланиб олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси каби 9 давлат идоралари билан ҳамкорликда мазкур соҳалардаги фаолиятнинг ўзига хос

хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши кўрашишни янада такомиллаштириш мақсадида босқичма-босқич комплаенс назорат тизимини ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда ва кўрсатилган ҳар бир давлат идораси билан “Коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди [11].

Фикрмизча, бугунги кунда комплаенс назорат тизимини босқичма-босқич давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда оммавий тарзда жорий этилиши ушбу соҳанинг ҳар жиҳатдан долзарблигини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши курашишда ички назорат назорат тизими (комплаенс назорат) жорий этилиши қатор

самарали омилларга хизмат қилади.

Жумладан, мазкур тизим коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага туширишга хизмат қилади.

Давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш, ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини жорий этиш ва бошқа устувор натижалар ҳисобланади.



1. “Corruption is costing the global economy \$3.6 trillion dollars every year” 2018. [Электрон манба]. URL: <https://www.weforum.org/agenda/2018/12/the-global-economy-loses-3-6-trillion-to-corruption-each-year>.
2. M. Johnston “Syndromes of compliance”, Colgate University, New York. Publisher: Cambridge University Press; Online publication date: September 2009. [Электрон манба]. URL: <https://www.cambridge.org>.
3. Martin Kling “History of Compliance Part one, from Adam to Sarbanes Oxley”, 2017 P. 54. // [Электрон манба]. URL: <https://www.ariscommunity.com>.
4. Foreign Corrupt Practices Act 1977 // PL 95 - 213, Title 1; 91 Stat 1494, Dec 19, 1977 // [Электрон манба]. URL: <https://www.govinfo.gov>.
5. Sarbanes-Oxley Act of 2002. Corporate responsibility. // Public law 107. 204-july 30, 2002// [Электрон манба]. URL: <https://www.sec.gov/html#sox2002>.
6. Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing M.: Infotropic media, 2019 P.36. [Электрон манба]. URL: <https://shop.infotropic.ru>.
7. [Электрон манба]. URL: <https://www.wolfsberg-principles.com>.
8. Compliance handbook/ dated January 17, 2018/ Approved by Supervisory Board of JSC GM Uzbekistan [Электрон манба]. URL: <https://uzautomotors.com/companies/compliance>.
9. Code of ethics and compliance/ dated January 17, 2018/ Approved by Supervisory Board of JSC GM Uzbekistan [Электрон манба]. URL: <https://uzautomotors.com/companies/compliance>.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони // [Электрон манба]. <https://lex.uz/docs/4355387>.
11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ташаббуси билан қабул қилинган 2020 йил 15 март куни “Коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”.

Мамасиддиқов Музаффар Мусажонович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура
Академияси марказ бошлиғи, ю.ф.д., профессор

Хасанов Ойбек Алиевич,
Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти
суди раисининг ўринбосари

МАЪНАВИЙ ЗАРАР УНДИРИШДА ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

✦ Мақолада мамлакатимизда судлар фаолиятида маънавий зарарни ундириш, бу тоифадаги ишларни кўришда исботлаш ва далиллар, судлар томонидан маънавий зарар миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлиликнинг айрим масалалари ёритилган.

✦ В статье освещаются некоторые вопросы взыскания компенсации морального вреда в деятельности судов, доказательства и доказывания в рассмотрении дел о взыскании компенсации морального вреда, разумности и справедливости при определении суммы морального ущерба.

✦ The article highlights recovery of non-pecuniary damage in the activities of the courts, evidence and proof in the consideration of cases recovery of non-pecuniary damage, some questions of reasonableness and justice of determination of the amount of non-pecuniary damage.

Калит сўзлар: маънавий зарар, далиллар, исботлаш, оқилоналик, адолатлилик, фуқаролик процесси, судлар фаолияти.

Ключевые слова: моральный ущерб, доказательства, доказывание, разумность, справедливость, гражданский процесс, деятельность судов.

Key words: non-pecuniary damage, evidence, proof, reasonableness, justice, civil case, judicial activities.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги белгиланган.¹

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бормоқда. Пировардида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни тиклаш, чунончи, маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ мурожаатлар ҳам ортиб бормоқда.

Шу ўринда маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади.

Фуқаролик процессида маънавий зарарни ундиришнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида, яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий,

тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Статистик маълумотларга қараганда, 2019 йилда республикаимиз бўйича барча судларда кўрилган фуқаролик ишларининг сони 188.282 тани ташкил этган.² Маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ мурожаатлар сонининг кўплиги шу билан изоҳланадики, аксарият ҳолатларда ушбу талаб бошқа асосий талаблар билан бирга судга тақдим этилади. Масалан, фуқаролик, меҳнат, оила ва уй-жой ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга қўшимча равишда маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талаблар илгари сурилади.

Адабиётларда ҳам маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаб етказилган зарарни ундириш

ҳақидаги бошқа талаб билан бирга юрадиган талаб ҳисобланиши юзасидан фикрлар билдирилади. И.В.Решетникова маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаб қайси асосий талаб билан арз қилинаётган бўлса, ўша талабни тасдиқловчи далиллар билан тасдиқланиши мумкинлиги ҳақида фикрини билдиради.³ Худди шунга ўхшаш нуқтаи назар бошқа бир гуруҳ олимлар томонидан ҳам билдирилган. Уларнинг фикрича, маънавий (номулкий) зарар қандайдир бошқа бир ҳуқуқий муносабатнинг йўлдоши ҳисобланганлиги боис, унинг содир этилганлик факти исботланиши талаб этилмайди ва ҳуқуққа ҳилоф хатти-ҳаракатнинг исботланишини ўзи маънавий зарар етказилганлигини билдиради.⁴ Лекин бизнинг фикримизча, мазкур нуқтаи назарлар билан тўлиқ келишиб бўлмайди. Чунки, ФПКнинг 72-моддасига мувофиқ, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишларда даъвогарнинг маънавий (номулкий) зарар етказилганлиги фактини исботлашдан озод этилиши юқоридаги нормага мувофиқ келмайди. Ундан ташқари, масалан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ходимнинг асосий даъво талаби, яъни масалан, иш берувчи томонидан ходимнинг соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплаш, иш берувчи томонидан ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақани тўлаш ва қўшимча харажатларни қоплаш, боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақани тўлаш ва етказилган зарарни қоплаш, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан зарарни қоплаш мик-дорини кўпайтириш, жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказилганлиги оқибатида берилган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, иш ҳақидаги йўқотишни тўлиқ қопламаган ёки унга бундай нафақа тўланмаган ҳолларда етказилган зарарни қоплаш, соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан ходимга, боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан эса, унинг оила аъзоларига етказилган зарарни ундириш, корхона зиммасига Н-1 шаклидаги далолатномани тўлдириш мажбуриятини юклаш каби даъво талабларини асослашга хизмат қилувчи исботлаш воситалари ходим талаб қилаётган маънавий зарарни ундириш учун асос бўлавермаслигини суд амалиёти ҳам тасдиқлайди.⁵

Юридик адабиётларда фуқаролик процессида исботлаш тушунчаси бўйича икки хил нуқтаи назар илгари суриб келинади. Ш.Ш.Шорахметов ва А.А.Власовнинг фикрича, исботлаш деб, фуқаролик процесси субъектлари бўлган тарафлар, суд, прокурор ва бошқа шахсларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмалигини аниқлашга қаратилган фаолиятларига айтилади.⁶ И.В.Решетникова

ва З.Н.Эсановаларнинг фикрича, фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида исботлаш тушунчаси негизда суд ва бошқа субъектларнинг фаолияти ётади. Бу фаолият ўзида исботлаш предметини аниқлаш, ишга тегишли далилларни тўплаш, суд жараёнида далилларни ўрганиш ва баҳолаш каби ҳаракатларни ифодалайди.⁷ Худди шу каби нуқтаи назар мамлакатимизнинг бошқа ҳуқуқшунос олимлари томонидан ҳам билдирилган.⁸ Лекин бошқа бир гуруҳ олимларнинг фикрича, суддаги исботлашнинг субъекти сифатида суд эътироф этилмайди. Хусусан, А.Ф.Клейнманнинг фикрича, фуқаролик процессида исботлаш фақат тарафларнинг процессуал фаолияти ҳисобланиб, ушбу фаолият ўзида далилларни тақдим этиш, қарама-қарши томоннинг далилларини рад этиш, илтимосномалар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш кабиларда намоён бўлади. К.С.Юдельсон эса судга доир исботлашни процесс иштирокчиларининг қонун ҳужжатларини назарда тутилган воситалар ёрдамида тарафлар ўртасидаги низоли масалани ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қаратилган фаолияти, деб таъриф беради. А.К.Сергуннинг фикрича, исботлаш бу судга оид далиллар ёрдамида иш ҳолатларини аниқлаш бўйича фаолият ҳисобланиб, иш бўйича далиллар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади, суд ушбу далилларни тўплайди, уларнинг илтимосномасига кўра иш бўйича гувоҳларни процессга жалб этади, ёзма ёки ашёвий далилларни талаб қилиб олади. Суд тарафларга қўшимча далиллар тақдим қилишни таклиф этиши, агар қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, уларнинг илтимосномасига кўра далиллар тўплашда уларга ёрдам кўрсатиши мумкин.⁹

Исботлаш судга оид далиллар ёрдамида иш ҳолатларини аниқлаш бўйича фаолият ҳисобланиб, тарафларнинг ва манфаатдор шахсларнинг ишга доир далилларни тўплаш, судга тақдим этиш, уни текшириш ва баҳолаш жараёнларида иштирок этиши каби процессуал ҳаракатлари натижасида юзага келади.¹⁰

Шундай қилиб, асосий талаб билан бир вақтда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаб билан ҳам мурожаат қилинганда суд ҳар бир талаб бўйича исботлаш предметини алоҳида-алоҳида аниқлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, бу судлар томонидан исботлаш предметини аниқлаш борасида турли хато ва камчиликларга йўл қўйилишининг олдини олади. В.В.Ярков ҳам маънавий зарар учун тўлов ундиришнинг барча ҳолатларига мувофиқ келадиган идеал даражадаги исботлаш предмети мавжуд эмаслигини таъкидлаб, ҳар бир муайян иш бўйича исботлаш предмети ўзгариши ёки унга қўшимча қилиниши мумкинлигини билдирган.¹¹ Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича ФПКнинг 71-модда-

сида назарда тутилган барча исботлаш воситалари (тарафларнинг ва учинчи шахсларнинг ҳамда улар қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари)дан фойдаланиш мумкин. Лекин бошқа туркумдаги низоли ишлардан фарқли равишда маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича ашёвий далилларга камроқ мурожаат қилинади. Ҳолбуки, маънавий зарар учун тўлов суммасини белгилашда даъвогарнинг шахсий хусусиятлари ва унинг ишчанлик обрўсини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам айрим муаллифлар даъвогарнинг, яъни фуқаронинг руҳий ҳолатини аниқлаш мақсадида суд-руҳий экспертизасини тайинлаш мақсадга мувофиқ деган фикрни ҳам илгари сурадилар.¹² Е.В.Козыреванинг фикрича, мазкур маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда бошқа далилларга нисбатан устун аҳамиятга эга бўлган далиллар сифатида тарафларнинг тушунтиришлари, ёзма далиллар ва эксперт хулосаси эътироф этилади.¹³

Дарҳақиқат, суд амалиёти шундан далолат берадики, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда маънавий зарарни асослашга хизмат қиладиган қуйидаги ёзма далилларга кўпроқ мурожаат этилмоқда: вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, даъвогар соғлигининг ёмонлашганлиги муносабати билан шифокор қабулида бўлганлигини тасдиқловчи маълумотномалар, ВТЭК хулосаси, тиббий-ижтимоий экспертиза хулосалари, тез тиббий ёрдам станциясига мурожаат қилинганда чақирувни рўйхатга олувчи китобдан кўчирма, касаллик тарихи, товар чеки, касса чеки, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ҳақидаги далолатнома ва бошқалар.

Маънавий зарар учун тўлов ундириш жараёнида жабрланувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг жисмоний ва маънавий азобларининг даражасини суд томонидан белгиланиши алоҳида аҳамият касб этиши муносабати билан ишда тарафларнинг тушунтиришларига кўпроқ мурожаат қилинади. Айнан даъвогарнинг тушунтиришлари орқали суд унинг азобланиш даражаси ҳақида маълумотларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам маънавий зарар учун тўлов миқдорини аниқлаш мезонлари ичида юридик адабиётларда таъкидланганидек, “азобнинг чин юракдан эканлиги”¹⁴ ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Шахснинг руҳий ҳолати, унинг таъсирчанлиги ва бошқа ҳулқ-атвори, табиатига ойдинлик киритиш орқали даъвогарнинг ўзгагина хос бўлган хусусиятларни аниқлаш имкони яратилади. Мазкур маълумотлар ўз навбатида жавобгарнинг хатти-ҳаракатларига даъвогар томонидан тўғри баҳо берилаётганлиги ҳақида суд хулосалари базасини яратишга замин яратади. Ақсарият даъвогарларнинг бу борада салимийлигига шубҳа билдирмаган ҳолда, биз айрим ҳолларда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги

талабни илгари сураётган даъвогарлар ҳақиқатда жисмоний ва маънавий азоб чекмасида, лекин асл мақсади пул суммасини ундириш эканлигини ҳам истисно эта олмаймиз. Мазкур шахслар даромад олиш мақсадида ҳуқуқ нормасидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Юқоридаги ҳолатларни аниқлаш эса маънавий зарар учун тўлов миқдорини белгиловчи суд ҳал қилув қарорларини чиқарилишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд амалиётини умумлаштириб кўшимча тушунтириш бериши мақсадга мувофиқ бўлади.

Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар учун махсус текширув орқали иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш характерли эканлигини эътироф этган ҳолда даъвогарнинг руҳий ҳолати, унинг таъсирчанлиги ва бошқа ҳулқ-атвори, табиатига ойдинлик киритиш орқали даъвогарнинг ўзгагина хос бўлган хусусиятларни аниқлаш мақсадида ишларда суд-психологик экспертизаси хулосаларига эҳтиёж туғилади. Е.В.Козырева экспертизани махсус текшириш эканлигини ҳамда уни суд амалиётида юзага келадиган алоҳида ҳолатларни аниқлаш учун ўтказилишини назарда тутиб маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича экспертизанинг қуйидаги икки воситасидан фойдаланиш ҳақидаги М.А.Степановнинг фикрини қўллаб-қувватлайди: 1) маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича суд томонидан тайинланган экспертиза хулосаларидан; 2) аввал кўрилган фуқаролик ёки жиноят ишида ўтказилган экспертиза хулосаларидан.¹⁵

Юридик адабиётларда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича суд-руҳий экспертизаси билан бирга суд-тиббий, суд-психиатрик, товаршунослик, технологик, лингвистик, экологик, хатшунослик ва маънавий зарарни ундириш масаласини тўғри ҳал этиш учун суд томонидан эксперт олдиға қўйилган вазифани амалга ошириш учун лозим бўлган экспертизанинг яна бошқа турларидан фойдаланиш мумкинлиги таъкидланади.¹⁶ Лекин маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишларни ўз вақтида, тўғри кўриш ва ҳал этилишида суд-руҳий экспертиза муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Суд-руҳий экспертизаси шахснинг руҳий ҳолати, унинг таъсирчанлиги ва бошқа ҳулқ-атвори, табиатига ойдинлик киритиш орқали даъвогарнинг ўзгагина хос бўлган хусусиятларни аниқлашга ёрдам беради. Бу эса суд ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда суд-руҳий экспертизасини ўтказишнинг муҳимлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

— экспертиза хулосалари судларга даъвогар шахсининг ўзига хос бўлган жисмоний ва руҳий ҳолатларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса унга нисбатан етказилган жисмоний ва маънавий азобни объектив баҳолашда муҳим аҳамият касб этади;

- "шахсий хусусият" пси-хология соҳасига оид бўлган атама ҳисобланиб, ўз навбатида, мазкур хусусият ушбу соҳада тегишли билим ва тажрибага эга бўлган шахслар томонидангина аниқланиши мумкин.

Лекин даъвогар экспертизада иштирок этишдан бош тортиши ҳам мумкин. Мазкур ҳолатда даъвогарнинг жисмоний ва маънавий азобланганлиги ҳақидаги факт суд томонидан исботланмаган деб топилиши мумкинми деган табиий савол туғилади. Бу борада юридик адабиётларда турли нуқтаи назарлар илгари сурилади. Масалан, М.К.Треушников фуқаролик процессуал қонунчиликда тарафлар экспертизада иштирок этишдан бош тортса ва уларнинг иштирокисиз экспертизани ўтказишнинг иложи бўлмаса, суд қайси тараф экспертизадан бош тортаётганлигига қараб эксперт тушунтириб бериш керак бўлган фактни аниқланган деб топиши ёки уни рад этишга ҳақли бўлиши тўғрисидаги норма мустаҳкамлаб қўйилганлигини ва бу норма далилларни беркитиш ва исботлашдан бўйин товлash каби ҳолатларга қарши курашнинг муҳим воситаси эканлигини таъкидлайди.¹⁷

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса ушбу фикр билан келишмайдилар. Хусусан, Т.В.Сахнованинг фикрича, мазкур ҳолатда фуқаролик процессининг умумий мақсад ва услубларига, яъни шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва процесснинг эркин ҳуқуқлилик тамойилига амал қилиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам юзага келган вазиятда устуворлик, сўзсиз, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга берилиши лозим.¹⁸ В.Н.Решетникова ҳам мазкур фикрга қўшилган ҳолда ушбу ҳолатда жараёнга мутахассис сифатида психологни жалб қилиш лозимлигини таъкидлайди.¹⁹ Е.В.Веретенникова ҳам маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича эксперт сифатида психологнинг жалб этилиши қўшимча вақт ва харажат талаб этсада, лекин мазкур иш юзасидан эришиладиган мақсад сарф қилинган харажатларни қоплаб кетишини таъкидлайди.²⁰

Шу ўринда таъкидлаш керакки, янги ФПКнинг 95-моддаси бешинчи қисмига кўра, тараф экспертизада иштирок этишдан бош тортиган, экспертларга текшириш учун зарур бўлган материаллар ҳамда ҳужжатларни тақдим этмаганда ва бошқа ҳолларда, агар иш ҳолатларига кўра ва мазкур тарафнинг иштирокисиз экспертиза ўтказиш имконияти бўлмаса, суд қайси тараф экспертизадан бош тортаётганлигидан, шунингдек бу тараф учун экспертиза қандай аҳамиятга эга эканлигига қараб, аниқланиши учун экспертиза тайинланган фактни аниқланган ёки рад этилган деб топиши мумкин. Лекин шундай бўлса-да, судлар даъвогарнинг эмоционал ҳолати (бошдан қаттиқ рухий ҳаяжон, руҳий зарба ўтказётганлиги) масаласи, шунингдек унинг психологик хусусиятлари, ходисаларни қабул қилиш қобилияти билан боғлиқ масалаларни психологни жалб этиб, унинг фикрларини инобатга олган ҳолда ҳам ҳал қили-

ниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фуқаролик процессида маънавий зарарни аниқлашда даъвогарга етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Албатта айнан суд томонидан аниқланади. Буларни аниқлашда эса, юқорида таъкидлангандек тарафларни ва ишда иштирок этувчи шахслар ўзларининг талаб ва эътирозларини исботлаши, уларни исботлашда эса далиллардан фойдаланиши қонун билан тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.

Қонунчиликда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорларида маънавий зарарни ундиришда аниқ меъёр белгиланмаган бўлиб, фақатгина маънавий зарар пул билан қопланиши ҳамда зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олинishi лозимлигига эътибор қаратилган. Оқилоналик ва адолатлилик меъёрини аниқлашда судлар ишнинг ҳолатидан келиб чиқиб, даъво предмети, даъво талабини ҳамда шахснинг маънавий азобланиш натижасига қараб белгилаши лозим.

Мисол учун, шахсни ишга тиклаш ҳақидаги даъволарни кўриб чиқилишида меҳнат қонунчилигида маънавий зарар миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги ҳақидаги норма билан тартибга солинган. Бу эса оқилоналик талабларини тартибга солишда хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг 13-бандида, қарз шартномасидан келиб чиққан мажбурият, пул мажбурияти бўлиб, уни бажармаганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 327-моддасида белгиланганлиги сабабли қарз олувчининг шартнома бўйича мажбуриятни бузганлиги қарз берувчининг маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқини истисно этади.

Бундан келиб чиқадики, қарз муносабатида тарафлар маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд эмас.

Маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишларни кўришда қонунчиликда ҳамда норматив ҳужжатларда тартибга солинмаган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, буни мисол тариқасида кўриб чиқсак. Даъвогар С.нинг турмуш ўртоғи А. жавобгар Н.нинг айбли ҳаракати туфайли автоҳалокатда вафот этди. Н. айбли ҳаракати учун жиноий жавобгарликка тортилди. Даъвогар С. жавобгар Н.дан маънавий зарар ундириш ҳақида судга мурожаат қилди ва суд унинг даъво талабини қаноатлантирди.

Шундан сўнг марҳум А.нинг ота-онаси улар ҳам жавобгардан маънавий зарар ундириш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилишди. Кейинчалик эса марҳумнинг ака-укалари судга даъ-

во тақдим қилишди. Суд ўз навбатида барча даъволарни кўриб чиқиб, даъво талабларини қисман қаноатлантирди.

Ўз навбатида савол туғилади маънавий зарар ундириш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликда аниқ мезон белгиланганми?

Фуқаролик кодексининг 1022-моддасида жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланиши ҳамда маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар қопланиши назарда тутилган. Бу эса адолатлилик талабларини тартибга солишда хизмат қилади.

Фуқаролик процессида айнан бир тарафлар ўртасидаги, айнаи бир предмет тўғрисидаги ва айнаи бир асослар бўйича низони мазмунан кўриб чиқилишига тўсқинлик қилишда норма мавжуд бўлиб, юқоридаги ҳолатда тарафлар бошқа бошқа

бўлганлиги сабабли суд мазкур ишларни кўриб чиқиб, мазмунан ҳал этган.

Одил судловни амалга оширишда суднинг вақтини тежаш ҳамда тарафларнинг сансалорлигига йўл қўймаслик мақсадида айнан бир жавобгарга нисбатан турли даъвогарлар томонидан даъво қўзғатилишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорига мазкур тоифадаги ишларни кўрилишида жавобгарнинг ҳатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида маънавий зарар кўриши мумкин бўлган шахслар аниқланиб, уларни ишга жалб қилган ҳолда мазкур масалани ҳал қилиш ҳақида батафсил тушунтириш берилса, судлар томонидан ушбу тоифадаги ишларни адолатлилик ва қонунийлик тамойиллари асосида кўриб ҳал қилинишида муҳим ҳуқуқий пойдеворлардан бири бўлиб хизмат қилган бўларди.



¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2019. 5 б.

² Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2019 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. -Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди. 1 б.

³ Решетникова И.В. Справочник по доказыванию в гражданском судопроизводстве. 4-е изд. Под ред. И.В. Решетниковой. М.: НОРМА, 2008. С. 130-138.

⁴ Анисимов А.А. Честь, достоинство, деловая репутация: гражданско-правовая защита. 1994. - 57 с.; Эрделевский А. Ответственность за причинение морального вреда // Российская юстиция. 1994. №7.

⁵ Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари / Масъул муҳаррир Ш.Ш.Шорахметов. Тошкент.: АҚҲМИ нашриёти, 2008, -169 бет.

⁶ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент, Адолат. -167 б.; Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный Суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. М.: 2003. -86 с.

⁷ Решетникова И.В. Доказательственное право в гражданском судопроизводстве. Екатеринбург. 1997. С. 56-59. Комментарий к гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. / Отв. ред. Г.А.Жилин. М., 2003. -134 с.; Эсанова З.Н.Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография / Масъул муҳаррир проф. Ш.Ш.Шорахметов. -Тошкент: ТДҲЮИ. 2005. -79 б.; Эсанова З.Н.Оталикни белгилаш тўғрисидаги фуқаролик ишларини судда кўриш. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир проф. Ш.Ш.Шорахметов. -Тошкент: ТДҲЮИ. 2006. Б. 39-40.

⁸ Холмўминов Ж.Т., Дусманов А.Х., Тиллаев Т.Н. Фуқаролик процесси: Маърузалар курси. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. -74 б.

⁹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 173 с.

¹⁰ Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. Тошкент. “ХТИ” нашриёти. 2018. 310 б.

¹¹ Гражданское судопроизводство: особенности рассмотрения отдельных категорий дел: Учебно-практическое пособие/ Отв. ред. В.В. Яков. М.: Юрист, 2001. 381 с.

¹² Соломенка Е.А. Особенности рассмотрения судами дел о компенсации морального вреда. // Российский судья. 2000, №4, -С. 31-36.; Степанов М.А. Предмет доказывания по гражданским делам о компенсации морального вреда / Закон и право. 2000, №12, -С. 31-36.; Избиенова Т.А., Проблемы компенсации морального вреда в сфере трудовых правоотношений // Российский судья. 2001. №4. С. 27-30.

¹³ Козырева, Е. В. Процессуальные особенности рассмотрения судами гражданских дел о компенсации морального вреда. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Саратов, 2003. -24 с.

¹⁴ Беляцкий С.А. Возмещение морального (неимущественного) вреда. -М., 1996. -67 с.

¹⁵ Қаранг: Степанов М.А. Доказывание по гражданским делам о компенсации морального вреда. -Тверь: ТвГУ. 2002. - С. 89 - 90.

¹⁶ Козырева Е.В. Процессуальные особенности рассмотрения судами гражданских дел о компенсации морального вреда: Автореф. дис. канд. юрид. наук. -Саратов, 2003. -20 с.

¹⁷ Треушников М.К. Судебные доказательства. -М.: Городец, 2004. 65 с.

¹⁸ Сахнова Т.В. Основы судебно-психологической экспертизы по гражданским делам: Учеб. пособие. -М., 1997. - 42 с.

¹⁹ Решетникова И.В. Справочник по доказыванию в гражданском судопроизводстве. 4-е изд. Под ред. И.В. Решетниковой. М.: НОРМА, 2008. С. 130-138.

²⁰ Веретенникова Е.В. Использование психологической экспертизы при решении вопроса о компенсации морального вреда, причиненного гражданину в результате преступных деяний // Академический юридический журнал. 2002 г. № 2 (8) (апрель - июнь). -38 с.

Фафуров Асқар Бойисович,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди
раисининг ўринбосари, ю.ф.н., доцент

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ШИКОЯТ ИНСТИТУТИ ТУШУНЧАСИ, МОҲИАТИ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

◆ Мақолада конституциявий назорат, конституциявий шикоят тушунчаси, унинг моҳияти, Ўзбекистонда конституциявий шикоят институти жорий этиш, хорижий мамлакатларда конституциявий шикоят институти моделлари, конституциявий шикоятларни кўриб чиқишнинг тартиб-таомиллари каби масалар қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

◆ В статье проводится сравнительно-правовой анализ вопросов конституционного контроля, понятие и сущность конституционной жалобы, внедрения института конституционной жалобы в Узбекистане, модели конституционной жалобы в зарубежных странах, процессуальные особенности рассмотрения конституционной жалобы.

◆ This article provides a comparative legal analysis of the issues of constitutional control, concept and essence of a constitutional complaint, implementation constitutional complaint in the Uzbekistan, models of constitutional complaints in foreign countries, specific procedures of consideration of a constitutional complaint.

Калит сўзлар: Конституциявий назорат, конституциявий шикоят, Конституция ва қонунлар устунлиги, конституциявий қонунийлик, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди.

Ключевые слова: Конституционный контроль, конституционная жалоба, верховенство Конституции и законов, конституционная законность, Конституционный суд Республики Узбекистан.

Key words: Constitutional control, constitutional complaints, constitutional legality, rule of the Constitution and Law, the Constitutional court of Republic of the Uzbekistan.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатда Конституция ва қонун устуворлигини қарор топтириш ва конституциявий қонунийликни таъминлаш конституциявий назорат органи Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Маълумки, Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Унинг вазифаси қонунлар ва Олий Мажлис палаталари қарорларининг, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳуқуқат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида “мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур”, деб таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид

давлат Дастурида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, унда Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларни киритиш орқали кенгайтириш белгилаб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган вазифаларни ижросини таъминлаш “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунга бир қатор концептуал янгиликлар киритишни тақозо қилади. Бунда, Конституциявий қонунга киритиладиган муҳим янгилик фуқаролар ва юридик шахсларга Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқини берилишидир. Бошқача айтганда, мамлакатимизда конституциявий шикоят институти жорий этилмоқда.

Конституциявий шикоятнинг мазмуни ва моҳияти фуқароларнинг конституциявий назорат органига ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган қонуннинг конституциявийлигини текшириш талабида намоён бўлади. Гарчи, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда конституциявий шикоят тушунчаси ишлатилмаган бўлса-да, фуқаролар Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини Конституцияга зид бўлган қонун

ҳужжатлари билан бузилган ҳолларда бевосита Конституциявий судга мурожаат қилиши юридик адабиётларда “конституциявий шикоят” деб юритилади.

Конституциявий шикоят институтининг қўлланилиши том маънода Конституциявий суд фаолиятининг мазмуни ва моҳиятини белгилаб беради, аксинча унинг йўқлиги конституциявий назоратнинг аҳамиятини бир мунча пасайтиради. Шу боис, ривожланган демократик давлатларда сўнги йилларда Конституциявий судлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда.

Хўш, конституциявий шикоятни ўзи нима? Унинг моҳияти нимада? Конституциявий шикоят институти ни жорий этилиши фуқаролар учун не чоғли аҳамиятли?

Россия Федерацияси Конституциявий судининг раиси В.Д.Зорькин “инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доктринасини ишлаб чиқишда кенг маънода жисмоний ва юридик шахсларга конституциявий судлов органига шикоят билан мурожаат қилиш сифатида тушуниладиган конституциявий одил судловга эга бўлиш муаммосига алоҳида эътибор қаратиш лозим”, деб таъкидлайди¹. Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун фуқароларга конституциявий одил судлов органига шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Конституциявий шикоят институтининг хусусияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бошқа механизмларидан фарқли равишда шикоят предмети у ёки бу давлат органи ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати ёхуд индивидуал ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки норматив ҳужжат ҳисобланади. Бинобарин, конституциявий шикоят доирасида ўрганилаётган норматив ҳужжат Конституция нормаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширилади.

Россиялик олим В.Кухликовский ўз тадқиқотида конституциявий шикоятга қўйиладиган таъриф берган: “Конституциявий шикоят моддий-ҳуқуқий маънода шахсни норматив-ҳуқуқий ҳужжатни конституциявийлигини текшириш талаби билан бевосита конституциявий назорат органига мурожаат қилишини англатади. Конституциявий шикоят процессуал-ҳуқуқий маънода конституциявий шикоят берилиши муносабати билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлигини тўғрисидаги ишни кўриш бўйича ваколатли суд органи томонидан судлов ишини юритиш турларидан бирини билдиради”².

Конституциявий судга мурожаат қилишнинг пировард мақсади муайян қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Конституцияга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини аниқлашдан иборат. Конституциявий шикоятни кўриб чиқиш бўйича конституциявий судлов ишини юритишда тараф бўлиб, фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларини бузаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган давлат органи тимсолида давлат ва фуқаро бўлиши мумкин.

Фуқаро ёки юридик шахснинг муайян ишда қўлла-

нилган қонун ёхуд унинг бир қисмини конституциявийлигини текшириш тўғрисидаги талаби шикоят предмети ташкил этади. Конституциявий шикоятга асос бўлиб, мурожаатчининг фикрича, қонунни Конституцияга номувофиқлиги бўйича ноаниқлик мавжудлиги ҳисобланади.

Конституциявий шикоятнинг бошқа давлат органлари ва судларга берилган шикоятлардан фарқли хусусиятлари шундаки, бундай шикоят ким томонидан берилганидан қатъи назар, уни кўриб чиқиш натижасида чиқарилган суд қарори барча фуқароларга, тегишлича давлат органлари, идоралар, нодавлат ташкилотларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Яъни, конституциявий шикоятни кўриб чиқиш натижаси фақат шикоят муаллифига эмас, балки бошқа субъектларга ҳам дахлдор бўлади. Шунинг учун конституциявий шикоят бир вақтни ўзда жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва конституциявий қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Конституциявий шикоят институтининг моҳияти ва уни амалга ошириш хусусиятларидан келиб чиқиб, унга қўйиладиган таъриф бериш мумкин:

Конституциявий шикоят фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан бузилганда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни конституциявийлиги (Конституцияга мослиги)ни аниқлашни сўраб конституциявий одил судлов органига мурожаатидир.

Конституциявий назоратни амалга оширишда ривожланган демократик давлатлар тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, жаҳонда конституциявий назоратни амалга оширишнинг америка ва европа моделлари шаклланганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Бугунги кунда 164 дан зиёд мамлакатда конституциявий назорат амалга оширилади. Шундан 74 та мамлакатда европа модели, 48 тасида америка модели, 30 тасида эса юқоридаги икки моделга асосланган “аралаш” модель амал қилади³.

Америка моделининг ўзига хослиги шундаки, конституциявий назорат функцияси умумий юрисдикция судлари томонидан амалга оширилади. Яъни, бундай тизимга асосланган давлатларда алоҳида конституциявий судлар ташкил этилмаган. АҚШ, Аргентина, Мексика, Норвегия, Япония, Канада, Малайзия ва Ҳиндистон каби давлатларда конституциявий назорат институти америка модели асосида амалга оширилади.

Европа моделида конституциявий назорат махсус орган Конституциявий суд томонидан амалга оширилади. Германия, Италия, Испания, Бельгия, Венгрия, Россия, Корея, Туркия ва МДҲ мамлакатларида (Қозоғистондан бошқа) конституциявий судлар мавжуд. Яъни, ушбу давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда конституциявий назорат институти европа моделига асосланади.

Конституциявий назоратни амалга оширишнинг европа моделига асосланган давлатларда конституциявий шикоят институти инсон ҳуқуқлари ва эр-

кинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Жумладан, Германия, Италия, Испания, Бельгия, Венгрия, Россия, Корея, Туркия ва деярли барча МДХ мамлакатларида (Беларусь ва Қозоғистондан бошқа) конституциявий шикоят институти жорий этилган. Яъни, ушбу давлатларда фуқаролар ва юридик шахсларга ўз конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, Конституциявий судга мурожат қилиш ҳуқуқи берилган. Масалан, Испания Конституциясининг 161.1-моддасида Конституциявий судни қонунлар ва қонун кучига эга бўлган норматив ҳужжатларни конституциявийлиги тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ваколати мустақамланган⁴.

Германияда “ўзининг асосий ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблайдиган ҳар бир шахс бирон бир ҳаракатни конституцияга зидлиги юзасидан шикоят билан Федерал Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин”⁵.

Польша Конституциясининг 79-моддасига кўра конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар бир киши қонунни Конституцияга мослиги тўғрисидаги масала билан Конституциявий трибуналга шикоят қилиш ҳуқуқига эга⁶.

Туркия Конституциясига 2010 йил 7 майда киритилган ўзгартиришларга мувофиқ фуқароларнинг шикояти бўйича конституциявий ҳуқуқий ҳимоя воситаси жорий этилган. 2012 йил 23 сентябрда Конституциявий судга биринчи мурожаат келиб тушган⁷.

Литвада индивидуал конституциявий шикоят институти жорий этилишига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиб-таомилларини бир хиллаштириш билан боғлиқ глобализация омиллари таъсир қилган, деб таъкидлайди тадқиқотчи А.Каргаудиене (Aurga Kargaudienė). 2007 йил 4 июлда Литва Республикаси Сейми индивидуал конституциявий шикоят концепциясини тасдиқлаган, 2009 йили Концепция қисман ўзгартирилган. Мазкур Концепция қуйидаги қоидаларни ўзида акс эттиради:

- конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳар бир шахс судга мурожаат қилишга ҳақли;
- судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мутлоқ ҳисобланади;
- Конституциявий Суд суд органи ҳисобланади;
- Конституция бевосита қўлланадиган ҳужжат ҳисобланади;
- ҳар бир киши Конституцияга ҳавола қилиб ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин⁸.

Туркиялик тадқиқотчи Ўзкан Дуваннинг таъкидлашича, Европада мавжуд ёндошувга кўра конституциявий шикоят тўрт омил билан характерланади. Биринчидан, конституциявий ҳуқуқларни бузилишига қарши судлов ҳимоясини таъминлайди. Иккинчидан, конституциявий шикоят алоҳида суд муҳокама-сида ишга тааллуқли бошқа бирон бир ҳуқуқий ҳужжатни эмас, балки норматив ҳужжатни конституциявийлиги асосида кўриб чиқилади. Учинчидан, конституциявий шикоят кўриб чиқилаётган ҳужжатни қўллаш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахс томонидан берилиши мумкинлиги. Тўртинчидан, консти-

туциявий шикоятни кўриб чиқаётган суд жабр кўрган шахснинг ҳуқуқларини тиклашга ваколатли бўлиши⁹.

Уқоридагилардан кўриниб турибдики, Европа мамлакатларида конституциявий шикоят институти ўзини оқлаган ҳуқуқий восита сифатида эътироф этилади ва ҳуқуқий тизимда самарали қўллаб келинмоқда.

МДХ давлатларида конституциявий шикоят институти жорий қилиш билан боғлиқ амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, айрим давлатларда, шу жумладан Украина ва Россияда конституциявий шикоят институти барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича эмас, балки фақат қонунларни конституциявийлиги юзасидан шикоят бериш тартиби жорий этилган.

Масалан, “Россия Федерациясининг Конституциявий Суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 96-моддасига 2010 йил 3 ноябрда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ Россия Конституциявий судига конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги юзасидан шикоят билан яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат қилиш ҳуқуқи муайян ишда қўлланилган қонун билан ҳуқуқлари бузилган фуқаро ва фуқароларнинг бирлашмаларига берилган.

Украинада 2016 йили конституциявий шикоят институти жорий қилиш учун Украина Конституцияси 1511 ва 1512 моддалар билан тўлдирилди.

Украина Конституциясига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ 2017 йил 13 июлда “Украина Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Мазкур Қонуннинг 9-моддасига биноан Конституциявий суд фуқаронинг ўзига нисбатан чиқарилган суд қароридан қўлланилган қонун билан конституциявий ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаган конституциявий шикояти бўйича қонун ёки унинг бир қисмини конституциявийлигини аниқлайди.

Демак, муайян ишда қўлланилган қонун билан уларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан фуқаролар мурожаат қилганда Конституциявий суд бу масаланинг икки жиҳатини ўрганишга эътибор қаратади.

Биринчидан, фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари қонун билан бузилганлиги ҳолатини аниқлайди.

Иккинчидан, мазкур қонун ёки унинг бир қисмини Конституция принциплари ва нормаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширади.

Таъкидлаш жоизки, конституциявий шикоят институтининг аҳамияти фақат фуқароларни конституциявий одил судловга бўлган ҳуқуқларини таъминлашдангина иборат эмас, балки қонунларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга, уларни конституциявийлигини таъминлайдиган, давлат ва жамият ҳаёти янада демократлаштиришга хизмат қиладиган ҳуқуқий механизмдир.

Айни пайтда конституциявий шикоят институти конституциявий судлар фаолиятида муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳам эътироф этиш жоиз.

Конституциявий шикоятни жорий этилиши консти-

туциявий одил судлов органларининг иш ҳажмини ҳаддан ташқари ошиб кетиши ва ишларни кўриб чиқиш муддатларини роя қилишнинг қийинчилигини келтириб чиқаради.

«Конституциявий судга фуқароларнинг мурожаатларининг кўпайиши, - деб таъкидлайди, Словения Конституциявий судининг судьяси М.Крамберг, - суд фаолиятини тўхтатиб қўйишга (блокировка) олиб келиши мумкин. Суд мазкур жараёни ўз ваколатини чеклаш йўли билан ёхуд судьялар сонини ошириш билан чеклаш масаласини ўйлаб кўриши керак.»¹⁰

2000 йилларда Германия Конституциявий судига бир йилда 5 мингдан зиёд шикоятлар келиб тушган. Бу судда иш ҳажмининг кескин ошишига олиб келди. Шундан кейин конституциявий шикоятларни дастлабки тарзда ўрганиш йўлга қўйилиб, формал ва юридик жиҳатдан талабларга жавоб бермайдиган шикоятлар кўрилмаётган қолдирилмайдиган бўлди. Шу тарзда мурожаатларнинг 2-2.5 фоизи Конституциявий суд томонидан кўриб чиқилган¹¹.

Бугунги кунда Германия Конституциявий судига ҳар йили фуқаролардан 12 мингга яқин шикоятлар келиб тушади¹². Россияда бу рақам 14-16 мингга етади¹³. Мазкур давлатларда конституциявий судлар томонидан кўриб чиқилган ишларнинг аксарияти фуқароларнинг конституциявий шикояти асосида кўрилади.

Словения Конституциявий судида конституциявий шикоятлар Конституциявий суд ваколатига тааллуқли умумий мурожаатларнинг 70 фоизини ташкил этган. Бироқ, 95.6 фоиз ҳолатда мурожаатчиларга уларнинг шикоятини кўриб чиқиш рад этилган¹⁴.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, фуқароларнинг конституциявий шикоят бериш ҳуқуқи муайян ҳуқуқий талаб ва мезонлар билан чегараланмаслиги Конституциявий судда иш ҳажмининг ҳаддан ташқари ортиб кетиши, суд жараёнини чўзилиб кетиши, пировард натижада ишларни кўриб чиқишга салбий таъсир этиши мумкин.

Шубҳасиз, фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари бўйича чекловларнинг йўқлиги муайян мезонлар ва тегишли "фильтр тизими"ни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди, деб таъкидлайди, 2002-2008 йилларда Литва Конституциявий суди раиси лавозимида фаолият юритган Эгидиус Курис¹⁵.

Конституциявий судга мурожаат қилишни муайян ҳуқуқий нормалар билан чеклаш судга келаётган асоссиз шикоятлар сонини камайтиришга хизмат қилади. Айрим давлатларда конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи асоссиз мурожаат йўллаш билан суиистеъмол қилиш фуқарога жарима солишга олиб келади. Масалан, Испания Конституциясининг 119-моддасига мувофиқ одил судлов текин амалга оширилади. Бироқ, одил судлов бўлган ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўйилганда Конституциявий суд ҳуқуқбузарга нисбатан 600 дан 3000 еврогача бўлган миқдорда жарима қўллади¹⁶.

Германия Конституциявий суди тўғрисидаги Қонун-

га мувофиқ мурожаатчи Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини суиистеъмол қилганлиги учун 2600 еврогача бўлган миқдорда жаримага тортилиши мумкин¹⁷.

Хорижий давлатлар конституциявий одил судлов органларининг илғор тажрибаси, шубҳасиз, Ўзбекистонда конституциявий шикоят институтини жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида "ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга", деб мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур конституциявий норма фуқароларга конституциявий шикоят билан Конституциявий судга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Бироқ, ушбу норманинг ҳуқуқий механизми белгиланмаганлиги туфайли фуқаролар бундай ҳуқуқини амалга ошира олмас эдилар.

Конституциявий шикоят институтини жорий этиш масалалари мамлакатимизда ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар томонидан жиддий баҳс ва мунозаларларга сабаб бўлиб келаётган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан 2020 йилга мўлжалланган Давлат дастурини ижроси таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Относясь с большей осторожностью к изменению постановлений о народном суде, Временные правила всё же расширяют пределы подсудности по общим законам. Так, коренному населению была предоставлена возможность обращаться к защите русского суда в тех случаях, когда они не могут рассчитывать на скорое и справедливое удовлетворение в народном суде. Таким образом, у местного населения появлялась возможность обращения к прокурорам за правовой защитой в случае неудовлетворения решением народных судов.

Новые судебные установления 1899 года

14 мая 1899 года в Ташкенте празднуют открытие новых судебных установлений (далее «Установления 1899»)²⁹. Местная интеллигенция, ознакомившись с новым порядком, возлагала большие надежды на Установления 1899, в частности в местной газете «Туркестанская область» в 1899 г. появляется статья следующего содержания:

«новый суд, возможно, в конечном итоге нацелен на поднятие настроений и умов граждан на высокий уровень, ибо, люди чистые и невинные, разумея приговор суда и прегрешения, заслуживающее его, будут знать и, наверняка, почувствуют истинные права свои и справедливость, ... и не будут распоряжаться имуществом людским не по закону. Таким образом, ... будь то русский или мусульманин, а именно, невинные люди, попадая

в суд, будут выходить оправданными, а грешные наказанными, и в душе согласными с правым решением оно. Если так, и мусульмане, попадая в этот суд должны будут иметь приговор равно быстрый и справедливый, как и у русских, следовательно, они могут считать себя на равных с русским народом...»³⁰. Народ надеялся, что будет уравнен в правах наравне с русскими.

Согласно Установлениям 1899, прокуратура всё так же состояла при судебных органах. В 1899 году в Туркестанском крае действовала двухзвенная прокуратура:

1. Прокуратура при судебной палате.
2. Прокуратура при окружных судах.

При мировых судах прокуратуры не было. Окружной прокурор подчинялся прокурору судебной палаты, а прокурор судебной палаты непосредственно Министру юстиции. Во главе всей прокуратуры все так же стоял Министр юстиции, являющийся генеральным прокурором.

По своему содержанию деятельность прокуроров при судебной палате осуществлялась по трем направлениям:

1. Возбуждение уголовного преследования, руководство полицейским дознанием, наблюдение за предварительным следствием, направление дела, обличение подсудимых перед судом, опротестование приговоров, распоряжение по их исполнению и участие в возобновлении уголовных дел.

2. Надзор за соблюдением законов по делам судебного ведомства. Сюда же относится присутствие в заседаниях общего собрания департаментов Ташкентской судебной палаты, с участием распорядительных и судебных заседаний того и другого департаментов и предъявление последним заключений о применении закона, распоряжения по поводу замеченных упущений, возбуждение дисциплинарного производства.

3. Наблюдение за местами заключения и за правильностью заключенных в тюремные помещения³¹.

Пункт 4 Установлений 1899 гласил, что «Права и обязанности, присвоенные областным судам и областным прокурорам в отношении народных судов, переходят к *окружным судам и прокурорам сих судов по принадлежности*»³².

Превышение власти

После проведения судебной реформы 1899 г. прокуроры окружных судов приняли от старой областной прокуратуры уже установившуюся практику, согласно которой прокурорский надзор не считал себя связанным представлениями уездных начальников и опротестовывал все постановленные с превышением власти или нарушением подсудности решения народного суда.

Прокурорский надзор заручился поддержкой правительствующего Сената и теперь областному прокурору предоставлялось право вносить протесты

сты не только по представлению уездных начальников, но и по **другим** дошедшим до него источникам: при рассмотрении какого-либо судебного дела, при посещении тюрьмы, по подтвердившемуся доносу и т.д.

Что касается самого понятия “превышение власти”, как повода к отмене приговоров или решений народного суда, то относительно толкования этого понятия в практике замечается колебание.

Одни судебные деятели относят сюда только такие случаи незаконных действий народного суда, как признание к наказанию свыше меры, предоставленной ст.219 Нового Положения; другие, наоборот, признают превышение власти, влекущее кассацию решения, даже при несоблюдении процессуальных обычаев и т.п.

В строгом смысле, всякое нарушение порядка судопроизводства есть вместе с тем и нарушение пределов принадлежащей суду власти. Но обсуждая вопрос об объеме превышения власти как повода к отмене решений народного суда, следует иметь в виду, что, законодатель в ст.218 Нового Положения не упоминает в качестве основания кассации нарушения форм и обрядов судопроизводства, потому что законодатель не смог нормировать судопроизводственные правила для народных судов, так как последние руководствовались нормами шариата и существующими обычаями.

В ст.211 Нового Положения были указаны многие руководящие и обязательные для народного суда постановления о подсудности, пределах власти в наложении наказаний, основаниях к началу дел, о публичности и гласности судебного разбирательства, о порядке и сроках обжалования решений и т.д.

Эти нормы и были созданы для того, чтобы очертить власть народного суда. Отсюда вытекает вывод, что их несоблюдение и представлялось превышением власти.

Чем же закончились прения относительно вынесения протеста прокурора?

Хотя редакция статьи 218 Нового Положения оставалась неизменной, однако, в данном вопросе прокурор Ташкентской судебной палаты нашел возможным не придерживаться буквы закона и в своем отзыве №440 от 6 июня 1907 г. на запрос по этому предмету Туркестанского генерал-губернатора совершенно основательно сообщил ему, что по общему духу учреждения прокурорского надзора, лицо прокурорского надзора ... руководствуется *единственно своим убеждением* и существующим законом. Ввиду сего, предложение прокурором окружного суда какого-бы то ни было заключения или протеста, им самим не разделяемого, представляется совершенно невозможным³³.

Таким образом, прокурор начал полноценно

очерчивать границы своей юрисдикции, которые не могут быть нарушены иными должностными лицами.

Протест прокурора: статистические данные

За период с 1905 по 1907 годы прокурорским надзором был подан 61 протест на приговоры народного суда, присуждавшие к наказаниям за деяния, не признаваемые преступными по русским законам.

Приведем примеры: по одному делу местный гражданин был приговорен к трехмесячному аресту “за употребление пива”; по другому также был осужден к заключению в тюрьму на 4 месяца “за дурное поведение”; в третьем случае “за нетрезвое поведение” четверо местных граждан были приговорены к тюремному заключению сроком на 4 месяца³⁴. Прокурор счёл, что в данных делах отсутствуют признаки преступлений.

Преступления, связанные с пьянством в Туркестанском крае стали “популярны” после строительства железных дорог. Дело в том, что на всех железнодорожных станциях появились рестораны и бары, что было принято в России. Однако отрицательным явлением, сопутствующим их открытию, стало пьянство местного населения³⁵.

Хотя по нормам шариата всё, что опьяняет (хамр) считалось мерзостью в высшей степени, как моча, и его незаконность не подлежала доказательству³⁶. Русские законы явно были писаны не для мусульман. Происходило *сознательное разрушение* обычаев, выработанных тысячелетней культурой³⁷.

Но выясняются и диаметрально-противоположное разрешение тождественных случаев не только в разных округах, но и в одном округе одного и того же суда.

По протесту прокурора Самаркандского окружного суда был отменен приговор народного судьи, приговоривший к аресту на 15 дней местного мясника за продажу мусульманам мяса баранов, резанных евреями, на том основании, что в деянии этом отсутствуют признаки преступления.

Аналогичный случай был поставлен народным судьей Сыр-Дарьинской области. Два мясника, на лавке которых имелась вывеска о продаже мяса еврейской резки, были приговорены народным судьей к тюремному заключению за продажу этого мяса мусульманам. Уездный начальник вошел к прокурору суда с представлением об отмене назначенного приговора, но прокурор счел протест необоснованным, ибо запрещение мусульманами своим единоверцам допускать в свои мясные лавки резников евреев или даже производить тот или иной вид торговли, никоим образом не может считаться нарушением порядка управления³⁸.

Прокурор возразил уездному начальнику тем, что, согласно Новому Положению, народные судьи разбирают дела на основе своих обычаев, и

знать русские законы они не обязаны. И в силу ст. 219 Нового Положения, народные судьи на основе этих обычаев налагают наказания по делам «о преступлениях и проступках»³⁹. Таким образом, мы видим, что одни и те же нормы прокурорами толковались по-разному.

Обращаясь к правовому анализу Нового Положения, ст.210 предоставляет народному суду разрешать подсудные ему дела на основании существующих обычаев, но это широкое правило ограничивается ст.219, которая указывает что наказания народный суд налагает лишь за преступления и проступки. Положение не давало пояснений данному выражению. Вопрос о том, какие именно деяния признавались преступными по обычному праву оставался недосказанным, неясным и открытым.

Неясность в регулировании обычного права Новым Положением порождала массу недовольств и неправильное толкование норм при правоприменении. В связи с этим, по нашему мнению, отмененные и опротестованные решения народного суда не могли служить действительным показателем количества допущенных нарушений. Происходил насильственный разлом и вмешательство в нормы мусульманского права.

Со временем в Туркестан через Россию стало проникать не только европейское право, но и культура, оказавшая определенное влияние на культуру местных народов. Вместе с правом, культурой, наукой, техникой, новометодными школами в крае стали появляться национально-прогрессивные группы шел процесс консолидации оппозиционных сил.

В отчете за 1902 год военный губернатор Н.Корольков предупреждает правительство о вредном влиянии на население лиц, высылаемых в край за политические преступления. Вредное влияние остаётся в полной силе, ибо число этих лиц и вообще людей неблагонадежных с тех пор в значительной мере увеличилось и деятельность их сделалась смелее и решительнее⁴⁰. Данное обстоятельство заложило основу для формирования революционных настроений. Следует признать, что с этого момента прокуратура стала одним из главных звеньев в государственном аппарате борьбы с революционным движением в стране. За что ее и возненавидела впоследствии советская власть.

К тому же, в рассматриваемый период на страницах газет зачастились публикации о переходе в мусульманство коренных русских, и ни одного обратного случая⁴¹. На наш взгляд, это вызвано тем, что Корольков опасался постепенного перехода приезжего русского населения в другую религию, культуру и быт.

С 1906 года прокурор Ташкентской судебной палаты становится полноправным членом Совета генерал-губернатора. С учетом предыстории скла-

дывавшихся взаимоотношений, Автор придерживается мнения о том, что прокуроры своим трудом заслужили признание и доверие генерал-губернатора.

Система прокуратуры существенно не изменилась вплоть до падения царского режима, если не считать увеличения числа административных присутствий, в которых должен был участвовать прокурор, т.е. увеличения надзорной деятельности прокуратуры.

Выводы

Для чего спустя сто с лишним лет мы опять возвращаемся к истории?

Во-первых, для того, чтобы знать, кто мы есть. Народ, забывший свою историю теряет смысл своего существования и растворяется среди других народов. Данный тезис отчасти подтверждается фактом регулярного обращения отечественных исследователей, занимающихся историей прокуратуры, к опыту зарубежных стран, которая не вспахана, не просеяна и тем более не выращена на нашей почве. Таковым является, к примеру, предложение об упразднении института протеста прокурора, которое стало столь популярным у выходящих на защиту соискателей. Подобные «новеллы», как правило, глубоко не исследуются, не обосновываются и предлагаются для расширения списка выводов и предложений диссертантов.

Во-вторых, знакомство с историей способно помочь лучше понять собственные проблемы. Участившиеся сегодня случаи отсутствия единого правопонимания и правоприменения, как в органах прокуратуры, так и в судах, являются верным доказательством сказанного. Из этого следует, что при разработке норм законов надо избавляться от разных «форточек» и отсылочно не урегулированных норм, которые и порождают правовые коллизии.

В-третьих, нельзя забывать, что система управления и административное устройство здоровы и живучи только тогда, когда основаны на данных, почерпнутых из объективной оценки прошлых событий. Таковыми являются исторические обстоятельства породившие конфликт между органами исполнительной власти и прокуратурой в Туркестанском крае. Существует ли полная гармония во взаимоотношениях между этими двумя органами сегодня? Всегда следует помнить, что государственный механизм приобретет стабильность только в том случае, когда между органами прокуратуры и исполнительной ветвью наступит «взаимопонимание», но не «взаимопроникновение».

В-четвертых, необходимо признать, что сегодня при разработке законодательных актов мы напрочь перестали обращаться и учитывать свои собственные исторические факты. Таковым является принцип «сдержек и противовесов», за который боролись прокуроры в Туркестанском крае и который долгое

время игнорировался исполнительной властью. Нельзя забывать, что в основе формулы “разделения властей” лежит необходимость ее адаптации к современным (в том числе национальным специфическим) условиям развития государственности. Следовательно, нет необходимости сегодня институт прокуратуры подчинять исполнительной ветви. Согласно Гегелю: “Государственный строй может быть только результатом предшествующего развития, никто не стоит вне своего времени”⁴².

В-пятых, следует помнить, что к либерализации

уголовного законодательства нужно относиться с осторожностью, так как посредством этого можно развязать руки многим другим преступлениям, как это было в Туркестанском крае, когда пьянство перестало считаться преступлением и благодаря ему появились статьи в уголовном кодексе с оговоркой «в состоянии алкогольного опьянения».

P.S. Мы не можем придавать забвению тот исторический опыт, каким бы противоречивым он не был. Надеюсь, уроки, извлеченные из него, послужат на благо нашего общества и государства.



¹ Г.Р.Маликова. Генезис отечественной прокуратуры.

² Пояснительная записка к проекту положения об управлении в областях Туркестанского генерал-губернаторства. САНКТПЕТЕРБУРГЪ. 1874. С.3

³ Пояснительная записка к проекту положения об управлении в областях Туркестанского генерал-губернаторства. САНКТПЕТЕРБУРГЪ. 1874. С.50

⁴ ЦГА Республики Узбекистан. Народные суды Туркестанского края. // С-Петербург. Сенатская типография. 1909. С.6.

⁵ Пояснительная записка к проекту положения об управлении в областях Туркестанского генерал-губернаторства. САНКТПЕТЕРБУРГЪ. 1874.

⁶ Все дальнейшие изменения, в том числе и Судебные Уставы, вносились в Свод Законов 1857 года

⁷ Записка о судной части в Туркестанском крае. 1884 год.

⁸ К вопросу, возможно ли введение института земских начальников в Туркестанском крае. //Туркестанские ведомости 1893.

⁹ Т.В.Котюкова. Туркестанское направление думской политики России (1905-1917гг). М.2008. С.29.

¹⁰ Записка о судной части в Туркестанском крае. 1884 год.

¹¹ ЦГА Республики Узбекистан. И.1. О.25. Д.29. Л.4. Протокол заседаний комиссий под председательством графа Н.Игнатьева по обсуждению проекта ревизии об устройстве суда в Туркестанском крае.

¹² Положение «Об управлении Туркестанским краем». С-Петербург. Т.2. ч.2.1886. С.17.

¹³ Из фонда архивных материалов Республики Узбекистан. И-1, О-25, Д-29. Протокол заседаний 30 марта и 19 апреля 1884 года. Л.7.

¹⁴ Ю.Южаков. О земских начальниках в Туркестане.

¹⁵ Судебная часть в Туркестанском крае и степных областях. Оренбург. Типо-латография П.Н.Жаринова. 1898. С.70.

¹⁶ Ю.Южаков. О земских начальниках в Туркестане. С.25.

¹⁷ Народные суды Туркестанского края. // С-Петербург. 1909.

¹⁸ Положение «Об управлении Туркестанским краем». С-Петербург. Т.2. ч.2.1886. С.28.

¹⁹ Ю.Южаков. О земских начальниках в Туркестане.

²⁰ См.: там же. С.24

²¹ Ю.Южаков. О земских начальниках в Туркестане.

²² И.И.Крафт. Судебная часть в Туркестанском крае и степных областях. // Оренбург. // 1898. С.101.

²³ Положение об управлении Туркестанским краем. Мобилизационный отдел. С-Петербург. Т.И. 1892. С.19.

²⁴ Из фонда архивных материалов Республики Узбекистан. И-134, О-1, Ед. хр-1.

²⁵ Предстоящая судебная реформа. //Туркестанские ведомости. 4 апреля 1899 г.

²⁶ И.И.Крафт. Судебная часть в Туркестанском крае и степных областях. // Оренбург. // 1898. С.129.

²⁷ Там же: С.119.

²⁸ Там же: С.129.

²⁹ Туркестанские ведомости. 16 мая 1899 г.

³⁰ Газета Туркестанской области. 1899.

³¹ М.Махбубов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Т.1993. С.19-20.

³² Туркестанские ведомости. 16 мая 1899 г.

³³ Народные суды Туркестанского края. // С-Петербург. Сенатская типография. 1909. С.105

³⁴ Народные суды Туркестанского края. // С-Петербург. Сенатская типография. 1909. С.116.

³⁵ О.А.Чернов. Деятельность российского политического агента Н.В.Чарыкова в бухарском эмирате. // Известия Саратовского университета. 2008. Т.8. Сер.История. Международные отношения, вып.1. С.55.

³⁶ Бурхануддин Маргинани. Хидоя. Комментарии мусульманского права. Ч.2. Т. 3-4. М.: Волтерс Клувер. 2008. С.462.

³⁷ Мусульманские юристы (факихы) не просто были учеными *suī generis*, а непременно богословы, раскрывающие в своих исследованиях право (фикх).

³⁸ Народные суды Туркестанского края. // С-Петербург. Сенатская типография. 1909. С.118.

³⁹ Народные суды Туркестанского края. // С-Петербург. Сенатская типография. 1909. С.118.

⁴⁰ Всеподданнейший отчет за 1903 год. С.7.

⁴¹ Н.Остроумов. *Sine ira et studio*. // Туркестанские Ведомости. 20 ноября 1909 г.

⁴² Г.В.Ф.Гегель. Философия права. М., 1990. С.468.

Нуридуллаев Аслиддин Ахрорович,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Харбий-техник институти доценти, ю.ф.н.

ЭКОЛОГИК ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ: ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ҲАМДА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

◆ Мақолада атроф муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунчилиги асосида қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилди. Мақолада Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

◆ В статье проведен сравнительно-правовой анализ законодательства Республики Узбекистан и зарубежных стран в сфере уголовно-правовой охраны окружающей среды. В статье разработаны предложения по повышению эффективности уголовно-правовой охраны окружающей среды в Республике Узбекистан.

◆ The article contains a comparative-legal analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan and foreign countries in the sphere of criminal-legal protection of environment. The article elaborated proposals for the increasing the efficiency criminal-legal protection of environment.

Ключевые слова: Уголовная ответственность, окружающая среда, экология, экологическое преступление, ответственность юридических лиц.

Калит сўзлар: Жиноий жавобгарлик, атроф-муҳит, экология, экологик жиноят, юридик шахс жавобгарлиги.

Key words: Criminal liability, environment, ecology, ecological crime, legal entity liability.

Иқтисодий ривожланган давлатлар қонунчилигида қатъий ёки мутлақ жавобгарлик институти, яъни ошиқча хавф манбаи мулкдорнинг жавобгарлиги ҳам кўзда тутилган. Англо-саксон ҳуқуқига биноан, ушбу институтнинг ўзига хослиги шундаки, у зарар мулкка етказилганда қўлланилади. АҚШ умумий ҳуқуқи ва қонунчилигига биноан, мезон бўлиб, хавфли фаолият хизмат қилади. Қонунчиликда хавфли фаолият турлари рўйхати келтирилган бўлиб, уларни белгиланган қоидаларни бузган ҳолда амалга ошириш қатъий (айбсиз) жавобгарликка сабаб бўлади. ГФР қонунчилигига мувофиқ, экологик хавфли объектлар тоифаларининг рўйхати мавжуд. У ўзига шу тоифа манбаларнинг 120 тоифасини қамраб олади. АҚШнинг "Суперфонд тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, башарти зарар Худо иродасига кўра етказилган бўлса, шахс қатъий жавобгарликдан озод этилади.

Хорижий мамлакатларда экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу юридик шахслар жавобгарлиги билан боғлиқ. Хусусан, бу борада сўнгги йилларда экологик **ҳуқуқбузарликлар учун** юридик шахслар жавобгарлиги масаласида турлича ёндашувлар шаклланаётганлигини таъкидлаш лозим. Чунончи, бугунги кунда ташкилотларни экологик ҳуқуқбузар-

ликлар учун жазолаш масаласи Буюк Британия, Ирландия, Нидерландия, Норвегия, Исландия, Франция, Финляндия, Испания, Дания ва Бельгия каби ривожланган давлатлар қонунчилигида ижобий ҳал этилган бўлса, Шарқий Европа мамлакатларининг айримларида (Польшада, Словакияда 1996 йилдан буюн) ташкилотлар учун жавобгарлик қўллаш механизми ишга туширилмоқда, яна баъзиларида (Болгария, Хорватия, Литва, Чехия) ушбу масала қизғин муҳокама предметиға айланган.

Европа Иттифоқининг жиноятчилик муаммолари бўйича Европа қўмитаси 1978 йилда аъзо-давлатлар қонунчилик органларига юридик шахсларни экологик жиноятлар субъектлари сифатида тан олишни тавсия этди. Ушбу тавсиялар Буюк Британияда амалда татбиқ этилмоқда. Мазкур тавсиялар шунингдек, АҚШнинг қатор штатларида ҳам амал қилмоқда. Франция парламенти ҳам ушбу тавсиялардан фойдаланиб, 1992 йил 22 июлда қабул қилинган сўнгги Жиноят кодексига юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини қуйидаги шартлар асосида тан олди:

1) давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари бошқа ҳуқуқ субъектлари амалга ошириши мумкин бўлмаган фаолиятни амалга ошириши натижасида келиб чиққан оқибат учун жиноий

жавобгарликка тортилиши истисно этилади;

2) оммавий-ҳуқуқий юридик шахслар, сиёсий партия ва гуруҳлар, касаба уюшмалари ва ҳ.к.ларни тарқатиб юбориш ва суд назорати остига топширишни истисно этувчи жазо чораларини аниқлаш;

3) юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги билан бир қаторда ушбу жиноий қилмиш учун иштирокчи ёки бажарувчи жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлиги ҳам келиб чиқиши мумкинлигини белгилаш;

4) юридик шахслар учун жисмоний шахсларга нисбатан белгиланган жариманинг беш баравари, рецидив жиноятчилик ҳолатида эса, ўн баравари миқдорида жарима жазосини жорий этиш¹.

2006 йил 20 январда Россия Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти томонидан ташкил этилган конференция якунлари бўйича қуйидаги тавсиялар илгари сурилди: “Россия Федерациясида атроф табиий муҳитнинг оғир ҳолати, боз устига экологик жиноятлар бўйича жиноят ишлари миқдорининг жуда ҳам камлиги юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги муаммосига мурожаат этишни тақозо этади. Бунда ушбу жавобгарлик халқаро конвенциялар томонидан тавсия этилишини, юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги эса, РФнинг амалдаги Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси билан тартибга солинишига эътибор қаратиш лозим”².

Е.Виноградова юридик шахсларнинг экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарлигини жорий этишни қўллаб-қувватлаб, “экологик жиноятлар учун қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий санкциялар барча корхона ва ташкилотлар, унинг ходимлари учун экологик зарарли ишлаб чиқариш фаолияти юрителини иқтисодий жиҳатдан зарарли қилиши лозим. Мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган мавжуд жарима санкциялари (уларнинг миқдори жуда ҳам кам) жиноий қилмиш туфайли бузилган экологик мувозанатни қайта тиклашга қодир эмас. Юридик шахсларга юкланиши мумкин бўлган жарималар эса, уларнинг миқдори улканлигини ҳисобга олсак, қайта тиклаш функциясини бажаришга қодир бўлади. Юридик шахслар учун таҳлил этилаётган тоифа жиноятлар содир этганлик учун мулкий жиноят-ҳуқуқий санкциялар белгилаш қонунда белгиланган жазо мақсадларига янада самарали эришиш имконини беради”³.

Ушбу фикрга қарши ғоя тарафдорлари фикрича, кўриб чиқилаётган жиноятларни содир этганлик учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш ҳақиқатда айбдор бўлган жисмоний шахсларни жиноий жавобгарликдан қутилиб қолишга, қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилмаслиги сабабли уларга ташкилот фаолияти “ниқоби” остида ҳаракат қилиш имкониятини вужудга келтиришга сабаб бўлиши мумкин⁴.

Хорижий мамлакатларнинг юридик шахслар учун жавобгарлик белгиланган қонунчилик нормаларини ҳамда бу борадаги суд амалиётини ўрганиш асосида юридик шахсларни жавобгарликка тортиш

бўйича урта моделни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

Биринчи моделда (Англия, Франция, Дания, Финляндия ва Испанияда) ташкилот аъзоларининг жинояти ташкилот зиммасига юкланади. Унга асосан ташкилотларга нисбатан жавобгарликни қўллаш учун индивидуал жиноят-ҳуқуқий айбни аниқлаш талаб этилади.

Иккинчи моделда (АҚШ, Австралия, Швейцария ва Нидерландияда) эса, жавобгарлик бирон-бир аниқ шахсга йўналтирилмайди, бунда жамоавий жавобгарлик муҳим ўрин тутди.

Учинчи моделга (Швеция ва Польша) мувофиқ, самарадорликни таъминлаш мақсадида ташкилотнинг айбини исботлаш талаб этилмайди. У ташкилотларнинг мутлақ жавобгарлигини белгилайди ҳамда унга биноан, ташкилот ўз-ўзидан атроф табиий муҳит учун хавф манбаи, шу боис хавфни амалга ошириш ташкилот зиммасига жавобгарликни юклайди⁵.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги бугунги кунга келиб, Австралия, Англия, Бельгия, Венгрия (2001 йилдан), Дания, Исроил, Ирландия, Исландия (1998 йилдан), Канада, ХХР (1997 йилдан), Нидерландия (1976 йилдан), Норвегия (1991 йилдан), Польша (2002 йилдан) Руминия (2004 йилдан), Словения (1999 йилдан), АҚШ, Финляндия (1995 йилдан), Франция (1992 йилдан)⁶, Швейцария (2003 йилдан)⁷ каби давлатлар жиноят қонунчилигида муштаҳкамлаб қўйилган.

Аксарият ҳолларда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлик субъекти сифатида тан олинишига асос бўлиб, жиноят ҳуқуқининг атроф муҳитни муҳофаза қилишдаги ролини кучайтириш зарурияти хизмат қилган.

Таъкидлаш лозимки, адабиётларда таъкидланганидек, хорижий мамлакатларда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш масаласи нисбатан камроқ баҳс-этирозлар билан кечган⁸.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигининг афзал жиҳатларини асослаб Г.Стессенс қуйидаги сабабларни кўрсатади:

1) ҳозирги кунда жиноятларнинг салмоқли қисми корпорациялар орқали содир этилади ва корпоратив жиноятчиликка қарши курашнинг ягона самарали усули бу бевосита уларга таъсир кўрсатишга қаратилган жазоловчи санкцияларнинг жорий этилишидир;

2) жисмоний шахсларни улар корпорация фаолияти доирасида ва ўз мансаб мажбуриятларини бажариш муносабати билан содир этган ҳаракатлари учун жиноий таъқиб этиш одиллик принципига мувофиқ эмас. Бундан ташқари, бошқарув муаммолари ташкилот ходимларидан бири жавобгарликка тортилгани билан ҳал бўлиб қолмайди;

3) юридик шахслар жавобгарлигининг муқобил моделлари (фуқаролик-ҳуқуқий) жиноят процессидаги сингари процессуал кафолатларни таъминламайди;

4) юридик шахсга жисмоний шахсдан ундирилиши мумкин бўлган жариманинг энг юқори миқдо-

ридан кўпроқ ҳажмда жарима солиниши мумкин, бундан ташқари юридик шахслар судланиш фактига нисбатан таъсирчанроқ бўладилар (ишчанлик обрўсига зарар етади);

5) жиноятчиларни таъқиб этиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам қоида тариқасида фақатгина жиноят ишлари бўйича амалга оширилади, юридик шахсларнинг жиноий фаолияти эса, гарчанд трансчегаравий хусусият касб этсада, ушбу ҳуқуқий чора таъсир доирасидан четда қолади⁹.

Юридик шахслар жиноий жавобгарлиги институтини танқид қилувчилар бундай жавобгарликнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини турли асосларда ишботлашга ҳаракат қиладилар. Жумладан, англосаксон ҳуқуқ тизими вакиллари ушбу институтда бирон-бир амалий мазмун кўришмаслигини таъкидлашади, чунки мазмунан мулкӣ жавобгарлик корпорацияга маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий институтлар ёрдамида юкланиши мумкин ҳисобланади¹⁰. Романо-герман ҳуқуқ тизими вакиллари эса, жиноий жавобгарлик шахсий айб принципига асосланади ва бу шахснинг қилмишга нисбатан руҳий муносабатини англатади. Шундай экан, тана ва руҳга эга бўлмаган корпорациянинг айби тўғрисидаги сўз бўлиши мумкин эмас¹¹.

Бирок, жиноят-ҳуқуқий доктрина вакилларида ушбу масала юзасидан яқдилликнинг йўқлиги мазкур институтнинг бир қатор романо-герман ҳуқуқ оиласига мансуб давлатларга киритилишига ҳалал бермади. Хусусан, К. де Маглининг фикрича, ушбу мамлакатларда уч асосий ёндашувни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Биринчи ёндашув айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, юридик шахсларни ҳар қандай жиноятнинг субъекти сифатида тан олишни кўзда тутди (бундай ёндашув Австралия, Бельгия, Буюк Британия, Канада ва Нидерландия каби давлатлар қонунчилигида кузатилади). Иккинчи ёндашув юридик шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган жиноятларнинг аниқ рўйхатини белгилаб қўйишни кўзда тутди (бундай ёндашув АҚШда амалга оширилган). Учинчи ёндашув юридик шахсларни аниқ ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортиш имкониятини назарда тутди (бундай ёндашув Франция қонунчилиги учун хос).

Учинчи ёндашув шундаки, юридик шахсларнинг аниқ қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги қонун даражасида белгиланади (масалан, Францияда). Хусусан, Франция ЖК Умумий қисмида юридик шахсларни ЖК Махсус қисмида бевосита назарда тутилган ҳолларда жавобгарликка тортилиши мумкинлиги кўзда тутилган¹².

Англо-саксон ҳуқуқига мансуб давлатларда жиноят учун юридик шахснинг айби масаласи аллақачон ижобий ҳал қилинган. Шу боис, бу ҳолатда сўз асосан нисбатан муносиб ва мақсадга мувофиқ бўлган доктринани танлаш устида боради. Аксарият романо-герман ҳуқуқи давлатларида ҳозирга қадар юридик шахслар жиноят содир этишда айбдор бўлишлари мумкинми, деган муаммо кескин бўлиб қолмоқда¹³. Чунки, айнан сўнги масала МДҲ

давлатлари жиноят-ҳуқуқий доктринаси учун ҳам марказий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу Атроф муҳитни жиноят ҳуқуқий усуллар воситасида муҳофазга қилиш тўғрисидаги Конвенция талабларини амалга оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга¹⁴.

Ушбу конвенциянинг 9-моддаси биринчи бандига мувофиқ, “Тарафлардан ҳар бири башарти 2-3-моддаларда қайд этилган жиноят юридик шахслар номидан уларнинг органлари ёки аъзолари ёхуд бошқа аъзолари томонидан содир этилган бўлса, юридик шахсларга нисбатан жиноят ёки маъмурий санкцияларни ёхуд таъсир чорасини қўллаш учун шароитлар яратиш бўйича тегишли зарур чораларни кўради”. Бунда юридик шахсни жиноий жавобгарликка жалб этиш жисмоний шахсларни жиноий таъқиб этишни истисно қилмайди (Конвенциянинг 9-моддаси 2-банди).

Конвенция унинг қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишда иштирокчи-давлатлар учун кенг эркинлик беради. Хусусан, унинг 9-моддаси 3-бандига мувофиқ, Конвенция иштирокчилари Европа Кенгашининг Бош котибини тегишли тарзда хабардор қилган ҳолда “ушбу модданинг биринчи параграфини ёки унинг бошқа ҳар қандай қисмини қўлламасликка ёхуд ушбу модда қоидаларини фақатгина аризасида кўрсатилган жиноятларга нисбатан қўллашга ҳақли”. Бу келишув Европа Иттифоқи аксарият мамлакатларида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тан олинмаслиги муносабати билан қилинган¹⁵. Шу тўғрисида Европа Иттифоқи мамлакатларининг Конвенция қоидаларини миллий қонунчиликка татбиқ этилиши даражаси ҳар хил.

Конвенцияни ижро этиш мақсадида бир қатор Европа мамлакатларида ташкилотларнинг экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарлигини белгиловчи қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Словения Республикасида 1999-2000 йилларда тегишли қонун қабул қилинди¹⁶. Ушбу қонун Словения ЖКга инкорпорация қилинмаган, балки ЖК умумий қоидаларини юридик шахсларга нисбатан қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди. Хусусан, қонун юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноий жавобгарлик турларини (жарима, мулкни мусодара қилиш, фаолиятни тугатиш 12-модда), юридик шахслар жиноий жавобгарликка тортиладиган жиноят турларини (25-модда), шунингдек, жиноят-процессуал нормаларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини (42-модда) кўзда тутди.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги “societas delinquere non potest” принципи таъсирида мустақил институт сифатида тан олинмаган давлатларда, экологик қонунчиликни бузган юридик шахсларга нисбатан жиноят ишини юритишда жиноят-процессуал нормаларни қўллашни кўзда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади. Жумладан, Венгрияда махсус ҳужжат билан компания ходимлари томонидан жиноят содир этилганда, компанияга нисбатан жиноят-процессуал нормалар асосида қўлланиладиган жавобгарлик турлари бел-

гиланган. Шу билан бирга ушбу ҳужжатда мазкур нормалар қайси жиноят таркибларига нисбатан қўлланилиши аниқлаштирилмаган¹⁷.

Бундай ёндашув шунингдек, Финляндия, Швеция ва Латвия каби давлатлар учун ҳам ҳосдир. Ушбу мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги юридик шахсларга нисбатан, башарти улар томонидан экологик жиноят содир этилганда қўлланиладиган ўзига хос жавобгарлик чораларини (корпоратив жарима corporate fine) белгилайди, бироқ ушбу жавобгарлик чорасининг қўлланилиши юридик шахсни жиноий жавобгарликка ҳам тортилишини истисно қилмайди¹⁸.

Шундай қилиб, ҳаттоки юқоридаги Конвенциянинг қабул қилинганидан кейин ҳам Европа Иттифоқи мамлакатларида юридик шахсларнинг экологик жиноятлар учун жавобгарлиги масаласида ягона ёндашув шаклланмади, бу эса, жиноят ҳуқуқи ривожланишига таъсир қилувчи мураккаб жараёнларни ифодалайди. А.Э.Жалинский таъкидлаганидек, бу бир томондан жиноят ҳуқуқининг амалдаги нормаларини мамлакат ҳаётининг конституциявий асосларига мувофиқлаштириш, бошқа томондан уни ўз вақтида жамият эҳтиёжларига мувофиқлаштириш заруриятида ифодаланadi. Ваҳоланки, ушбу икки йўналиш бир-бирига қарама-қарши туради¹⁹.

Шундай бўлсада, 2008 йил 19 ноябрда Европа парламенти ва Европа Кенгаши томонидан “Атроф муҳитни жиноят ҳуқуқи воситасида муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 2008/99/ЕИ сонли Директива қабул қилинди²⁰. У ўзида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига (6-модда) ва жазо турларига

(7-модда) нисбатан кўрсатмаларни белгилайди ва бу Европа Иттифоқининг замонавий жиноят-ҳуқуқий сиёсати тенденцияларини ифодалайди.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини таҳлил қилишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1) қайси юридик шахслар (ташкилий-ҳуқуқий шакли, мулкый тегишлилиги) жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин;

2) ушбу субъектлар қайси жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилиши лозим;

3) жисмоний шахсларнинг қандай қилмишлари жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин ҳамда уларнинг қилмишни содир этиш жараёнидаги руҳий ҳолати қандай мезонларга жавоб бериши даркор;

4) жиноий таъқиб этиш доирасида қандай санкциялар қўлланилиши мумкин ва уларнинг қандай муқобил турлари мавжуд²¹.

Кўрсатилган масалалар доирасининг мураккаблиги ва ишланмаганлиги туфайли қуйида субъектга тааллуқли айрим масалаларни кўриб чиқамиз, шунингдек, жиноят субъекти сифатида юридик шахсларнинг айбини тадқиқ этишнинг айрим йўналишларини аниқлаб олишга ҳаракат қиламиз.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги соҳасидаги қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот олиб боришда адабиётларда ушбу субъектларни қоида тариқасида юридик шахс деб эътироф этишларини кўришимиз мумкин. Фикримизча, бу унчалик ҳам тўғри эмас. Чунки, ҳуқуқ назарияси ҳуқуқ субъектларининг икки гуруҳи фарқланади: фуқаролар ва ташкилотлар. Бирок, бундан ташқари “давлат, маъмурий-худудий

¹ Уголовный кодекс Франции // Научн. ред. Л.В.Головки, Н.Е.Крылова: Пер. с фр. и предисл. Н.Е.Крыловой. - СПб.: Юридический центр «Пресс», 2002. - С. 43-44.

² 10 лет УК РФ: достоинства и недостатки // Государство и право. - 2006. - № 9. - С. 113.

³ Виноградова Е. Юридические лица должны нести ответственность за экологические преступления // Российская юстиция. 2001. № 8. С. 62.

⁴ Лавыгина И.В. Экологические преступления: уголовно-правовая характеристика и проблемы ответственности. Дис. канд. юрид. наук. Иркутск, 2003. С.108.

⁵ Сафаров Ж., Урунбаев Д., Аҳмедов Б. Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари. Илмий рисола / Проф. М.Б.Усмонов таҳрири остида. Тошкент: ТДҶОИ, 2009. Б. 197-198.

⁶ Франция ЖК 1992 йилда қабул қилинган бўлсада, 1994 йилдан кучга кирган. Ушбу ўтиш даври мутахассислар ва судьялар корпусининг янги институтларга мослашуви даври бўлган. Бу ҳақда қаранг: Кабриак Р. Кодификации. М., 2007. С. 424.

⁷ Додонов В. Ответственность юридических лиц в современном уголовном праве // Законность. 2006. № 4. С. 5659.

⁸ Волженкин Б.В. Уголовная ответственность юридических лиц. СПб., 1998; Павлов В.Г. Субъект преступления. СПб., 2001.

⁹ Stessens G. Corporate Criminal Liability: A Comparative Perspective // International & Comparative Law Quarterly. 1994. № 43. P. 493520. О целях уголовной ответственности коллективных образований см. также: Dine J. Company Law. Third Edition. London, 1998. P. 3839.

¹⁰ Khanna K.S. Corporate criminal Liability: what purpose does it serve? // Harvard Law Review. 1996. Vol. 109. №. 7. P. 14771534. Қаранг: “Агарда давлат юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгиласа, у шу билан гарчанд етарли даражада муҳофазаланмаган бўлсада, илгаридан мавжуд бўлган манфаатларни муҳофаза қилиш қуролини такомиллаштиради” (Джекебаев У.С. Об уголовной ответственности юридических лиц // Известия Национальной академии наук Республики Казахстан. Серия общественных наук. 1993. № 4. С. 76). Шунингдек, турлича ёндашувлар ҳақида қаранг: Михеев Р.И., Корчагин, А.Г., Шевченко А.С. Уголовная ответственность юридических лиц: за и против. Владивосток, 1999. С. 13.

¹¹ В.Г.Павлованинг фикрича мазкур ҳолатда “биз биринчи навбатда миллий жиноят ҳуқуқининг асосий ўзак принципларидан бўлган жавобгарликнинг шахсий ва айбдорлик принциплари ҳақида гапира оламиз. Жиноят ҳуқуқининг бошқа принцип ва турли институтлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ушбу принципларнинг ўзгармаслиги юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги билан боғлиқ дея олмаимиз. Шу билан боғлиқ ҳолда А.В.Наумовнинг юридик шахсларнинг жавобгарлиги принципи шахсий айбдорлик жавобгарлиги принципи билан биргаликда мавжуд бўла олади ва уни муҳим янгича мазмун билан тўлдирди”, деган фикрига қўшила оламиз (Павлов В.Г. Кўрс. асар. Б. 265).

бирлик, сайлов округи ва ҳ.к. каби ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ижтимоий тузилмалар” ҳам алоҳида гуруҳга ажратилади²².

С.С.Алексеевнинг фикрича, ташкилотлар икки асосий сифатда чиқиши мумкин, яъни:

1) раҳбариятнинг ҳокимият функцияларини амалга ошираётган субъектлар²³ (давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳокимият ваколатларига эга бўлган жамоат ташкилотлари);

2) оператив-ҳўжалик юритиш ва ижтимоий-маданий фаолият субъектлари (улар сирасига давлат, саноат ва савдо ташкилотлари, истеъмолчилар уюшмаси ташкилотлари киради)²⁴.

Келтирилган назарий қоидалар “юридик шахс” асосан фуқаровий-ҳуқуқий категория сифатида қўлланилиши тўғрисидаги хулосага келиш имконини беради²⁵.

Шундай қилиб, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги деганда, биз фақатгина юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган ташкилотларнинг жавобгарлигини кўзда тутамиз. Зеро, юридик шахслар тижорат фаолиятини ҳам, оммавий функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин бўлиб, уларни жиноят субъекти сифатида тан олиш ёки олмаслик масаласини ушбу соҳадаги жиноят сиёсатини шакллантириш жараёнида ҳал қилинади²⁶.

Юридик шахсларни жиноят субъекти сифатида тан олиш тўғрисидаги масалага келадиган бўлсак, ушбу масаланинг моҳиятига етиш учун қисқача тарихга мурожаат этиш ўринли бўларди. Чунки, Собик Иттифоқ даврида жиноят ҳуқуқида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига нисбатан салбий

муносабат билдирилган. Буни қуйидаги қайдларда ҳам кузатишимиз мумкин:

1) “буржуазия давлатларининг замонавий қонунчилигида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига йўл қўйилган”;

2) “АҚШда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигидан авваламбор сиёсий мақсадларда фойдаланилади”;

3) “совет жиноят ҳуқуқида юридик шахсни жиноят субъекти сифатида тан олишни таъқиқловчи бирор бир махсус норма йўқ, бироқ Жиноят қонунчилиги асосларидан жиноят субъекти фақат жисмоний шахс бўлиши мумкинлиги англашилади”²⁷.

Замонавий босқичда жиноят-ҳуқуқий доктринада бўлиб ўтган узоқ муддатли тортишувлар натижасида ушбу масала бўйича турли ёндашувлар шаклланди. Хусусан, А.И.Рарогнинг фикрича, юридик шахсни айрим жиноятларнинг субъекти сифатида тан олиш масаласи янги иқтисодий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда янада чуқурроқ ўрганилиши лозим. У шунингдек, “юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги тўғрисидаги нормаларини моделлаштириш тажрибасидан жиноят ҳуқуқида ҳам фойдаланиш мумкин”²⁸, деб ёзади²⁹.

Шу маънода мамлакатимизда ҳам юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилиши тизимини жорий этиш ҳамда бу борада қонунчиликка тегишли ўзгартиришларни киритиш зарур. Зеро, корхона айби билан етказилган зарарни яқка шахс томонидан тўланиши ва умуман, корхона фаолияти учун фақат яқка шахс (шахслар)нинг ўз мулки билан жавоб бериши мақ-

¹² Cristina De Maglie. Models of Corporate Criminal Liability in Comparative Law // Centennial Universal Congress of Lawyers Conference-Lawyers and Jurists in the 21st Century. Wash., 2005. № 4. P. 547, 552.

¹³ Жалинский А.Э. Современное немецкое уголовное право М., 2004. С. 136142; Жалинский А.Э., Рерихт А.А. Введение в немецкое право. М., 2001. С. 590.

¹⁴ Дубовик О.Л. Предисловие к изданию на русском языке // Экологическая преступность в Европе. Пер. с англ. / Отв. ред. перевода О. Л. Дубовик. М., 2010. С. 513.

¹⁵ Айрим хорижий манбаларда қайд этилишича, тарихан юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги Франция, Нидерландия, Дания, Бельгия, Швейцария, АҚШ, Канада, Хитой каби давлатларда тўлақонли институт сифатида амал қилиб келади (Қаранг: Rone D. Legal Scientific Research on Institute of Criminal Liability of Legal Entities in Eight Countries. Nordic Countries (Finland, Sweden, Norway, Iceland And Denmark) and Baltic Countries (Latvia, Lithuania And Estonia). Riga, 2006. P. 3.)

¹⁶ Liability of Legal Persons for Criminal Offences Act // Official Gazette of the Republic of Slovenia. Nos. 59/99, 12/2000.

¹⁷ Bóndi G. Liability and Sanctions, Criminal Liability in Hungary // Environmental Crime in Europe: Rules Of Sanctions / Francoise Comte, Ludwig Kramer (eds.). Europa Law Publishing, 2004. P. 125.

¹⁸ Каленченко М.М. Уголовная ответственность юридических лиц за экологические преступления: зарубежный опыт и постановка проблемы // Актуальные проблемы экологического права: Труды Института государства и права Российской академии наук. Ответственные редакторы: д.ю.н., проф. М.М.Бринчук, д.ю.н., проф. О.Л.Дубовик. Москва, 2010. №2. С. 173-184.

¹⁹ Жалинский А.Э. Уголовное право в ожидании перемен: теоретико-инструментальный анализ. 2-е изд. М., 2009. С. 19.

²⁰ Directive 2008/99/EC of the European Parliament and the Council of 19 November 2008 on the protection of the environment through criminal law // O. J. 6.12.2008. L. 328/2831.

²¹ Каленченко М.М. Уголовная ответственность юридических лиц за экологические преступления: зарубежный опыт и постановка проблемы // Актуальные проблемы экологического права: Труды Института государства и права Российской академии наук. Ответственные редакторы: д.ю.н., проф. М.М.Бринчук, д.ю.н., проф. О.Л.Дубовик. Москва, 2010. №2. С. 173-184.

²² Алексеев С.С. Общая теория права: Учебник. 2-е изд. М., 2008. С. 383.

²³ Ушбу субъектлар адабиётларда оммавий ҳуқуқ юридик шахслари сифатида эътироф этилади. В.Е.Чиркиннинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқидаги юридик шахсларга берилган таъриф гарчанд универсал ҳисоблансада, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари каби юридик шахслар хусусиятларини қамраб ололмайдди. Қаранг: Чиркин В.Е. Юридическое лицо публичного права. М., 2007.



Сулайманов Одилжон Раббимович,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби бош мутахассиси, ю.ф.н., доцент

СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

✦ Мақолада суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ролини такомиллаштиришга оид халқаро ва минтақавий стандартлар ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг халқаро стандартларга мувофиқлиги бўйича хулоса ва таклифлар билдирилган.

✦ В статье исследуются международные и региональные стандарты усиления роли Высшего судебного совета Республики Узбекистан в обеспечении независимости судебной власти. Сделаны выводы и рекомендации по соответствию Конституции и законов Республики Узбекистан к международным стандартам.

✦ The article examines international and regional standards strengthening the role of the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan in ensuring the independence of the judiciary. Conclusions and recommendations are made on the conformity of the Constitution and laws of the Republic of Uzbekistan to international standards.

Таянч сўзлар: Суд ҳокимияти, судья, Судьялар олий кенгаши, халқаро ва минтақавий стандартлар, судьяларни танлаш ва тайинлаш, судьялар ҳамжамияти.

Ключевые слова: Судебная власть, судья, Высший судебный совет, международные и региональные стандарты, отбор и назначение судей, судебное сообщество.

Key words: judicial authority, judge, High judicial council, international and regional standards, selection and appointment of judges, judicial community.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг таклифи мувофиқ 2019 йилнинг 19-25 сентябрь кунлари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг Ўзбекистонга ташрифи амалга оширилди. Махсус маърузачи томонидан Ўзбекистонда суд мустақиллиги бўйича бир қатор муаммолар кўрсатиб берилган эди¹.

Унинг таъкидлашича, “Судьялар Олий Кенгаши аъзоларини танлаш ва тайинлаш тартиби халқаро ҳуқуқ стандартларига тўлиқ жавоб бермайди. Хусусан, Судьялар олий кенгаши котиби ва еттита аъзосини тайинлаш бўйича Президентга берилган дискрецион ваколат бекор қилиниши керак. Ҳозирда Кенгаш аъзоларининг аксарияти судьялардан иборат эканлиги маъқулланса-да, Кенгашнинг судья бўлмаган аъзолари ҳуқуқий масалалар бўйича экспертлар (масалан, юристлар, олимлар, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқ соҳасида тан олинган обрў ва тажрибага эга бўлган вакиллари)дан иборат бўлиши ва улар ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари билан ҳеч қандай алоқада бўлмасликлари лозим. Кенгаш аъзоси

бўлган судьяларнинг номзодлари ўз ҳамкасблари томонидан таклиф этилиши ва тайинланиши лозим бўлса, непрофессионал аъзоларни танлаш ва тайинлаш ҳуқуқини сиёсий бўлмаган органга топшириш мақсадга мувофиқ бўлади”².

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади³.

Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгашининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасининг 1-бандида “Кенгаш раис, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котибидан жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади”⁴ деб белгиланган.

Судьялар мақоми тўғрисидаги Европа хартия-

сига мувофиқ бу каби кенгашлар таркибида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг бўлиши мақсадга мувофиқ эмаслиги қайд қилинган⁵.

Профессор М.М.Мамасиддиқов ўз илмий ишларида бу борадаги халқаро стандартларни ўрганган бўлиб, унинг фикрича, Венеция комиссияси тавсияларида ҳам судьяларни тайинлайдиган орган ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлиши лозимлиги кўзда тутилган. Шу мақсадда мазкур Тавсияларда, масалан, мустақил Судьялар кенгаши тузилиши, мазкур Кенгашнинг ҳеч бўлмаганда ярми сайланган судьялардан иборат бўлиши, шунингдек, корпоративчиликдан қочиш ва мувозанатни сақлаб туриш мақсадида судьялар кенгашининг бошқа аъзолари парламент томонидан сайланиши, улар адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар, фуқаролик жамиятининг вакилларидан иборат бўлиши таъкидланган.⁶

Қонуннинг 5-моддаси 2-бандида Кенгаш раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тайинланади деб белгиланган⁷. Қонунда Кенгаш раислигига номзодни танлаб олиш тартиби ва номзод қайси талабларга жавоб бериши керакли тўғрисидаги мезонлар кўрсатилмаган.

Ушбу модданинг 4-бандида Кенгашнинг ўн бир нафар аъзоси Кенгаш раисининг тақдими биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан судьялар орасидан тасдиқланади⁸ деб белгиланган. Худди шундай, ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган Кенгаш раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади⁹ деб белгиланган. Шу билан бирга, Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига Президентга ким тақдим қилади ва тақдим этиш тартиби қандай деган масала ҳам қонунда очиқ қолдирилган. Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига Президентга тақдим қилиш масаласи “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тўздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги ПҚ-4096-сон қарори 6-бандида “Олий мактабга Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади” деб белгиланган.

Ушбу модданинг 5-бандига мувофиқ Кенгаш котиби ва унинг етти нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги

юқори малакали мутахассислар орасидан тасдиқланади¹⁰ деб белгиланган бўлса-да, қонунда ушбу мутахассисларни қайси мезонлар асосида танлаб олиниши тўғрисидаги аниқ мезонлар кўрсатилмаган, уларни аниқлаштириш лозим. Кенгашнинг қолган саккиз нафар аъзоси, шу жумладан Кенгаш раисининг ўринбосари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга ошириши белгиланган. Юқоридаги каби жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган мутахассисларга қўйилган мезонлар ҳам қонунда белгиланмаган.

Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган мутахассисларни танлаб олишга қўйиладиган мезонларнинг аниқ белгиланмаганлиги, етарлича кўникма ва малакага эга бўлмаган мутахассисларнинг Кенгаш аъзоси бўлишига олиб келиши мумкин. Халқаро стандартларга мувофиқ, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган Кенгаш аъзоларини сайлашни имкони борича сиёсий бўлмаган органга бериш тавсия этилади. Ушбу аъзолар ҳеч бир ҳолатда ижро этувчи орган томонидан танланиши ёки тайинланиши мумкин эмас¹¹.

Бундан ташқари, бир қатор халқаро ҳужжатларда судьялар кенгашлари таркибини шакллантиришнинг ҳар қандай босқичида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлар вакиллари иштироки қўллаб-қувватланмайди¹².

Қонунда Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантиришда судьялар корпуси иштироки чекланган. Кенгашнинг таркибини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентига муҳим ваколат берилганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”¹³ деб белгиланган.

Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ Президент ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият таркибига кирмайди, шу сабабли Президентга давлат бошлиғи сифатида судьялар корпусини шакллантиришда катта ваколатлар берилган. Шу сабабли, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг юқоридаги фикрларига қўшилиб бўлмайди.

Шарқий Европа, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича 2010 йилдаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Киев тавсиялари 23-бандида судьяларни тайинлаш масаласи мамлакат Президенти ваколати доирасида бўлса, номзодлар тегишли орган (Судьялар кенгаши, малакавий ёки эксперт комиссияси) томонидан таклиф қилиниши лозимлиги белгиланган¹⁴.

Европа Кенгаши вазирлар қўмитасининг тавси-

яларига СМ/Рес (2010)12 мувофиқ судьялар кенгашлари таркибини шакллантишнинг ҳар қандай босқичида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлар вакиллари иштироки қўллаб-қувватланмади¹⁵.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачиси ҳисоботида қайд этилишича, Судьялар кенгашлари аъзолари судьялар томонидан сайланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади¹⁶. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистонда Кенгаш аъзоларининг шакллантирилишида судьялар корпуси иштирок этмайди. Қонунга мувофиқ Кенгаш аъзоларининг танланиши масаласи Кенгаш раисининг мутлоқ ваколати ҳисобланади. Фақатгина Кенгаш раиси ким Кенгашнинг аъзоси бўлиши ҳал қилади ва Президентга тақдим қилади. Шу жумладан, Кенгаш раисининг танланишида ҳам судьялар корпусининг роли мавжуд эмас. Кенгаш раисини танлаш ва Сенатга тақдим қилиш ҳам Президентнинг мутлоқ ҳуқуқи ҳисобланади.

Бу борадаги халқаро стандартларга мувожаат қиладиган бўлсак, масалан, Киев тавсияларининг 7-бўлимида Кенгаш раиси Кенгаш аъзоларининг ичидан кўпчилик овоз билан сайланиши лозимлиги белгиланган¹⁷. Венециан комиссиясига кўра, суд кенгашлари таркиби турлича бўлиши мумкин, лекин кенгашнинг ярим аъзолари судьялар бўлиши ва улар ўз ҳамкасблари томонидан сайланиши умум қабул қилинган¹⁸. Европа кенгаши вазирлар кўмитаси тавсиясига кўра, бундай кенгашларнинг энг камида ярим аъзолари судьялар ҳамжамиятининг барча вакиллари томонидан плюрализм принципига риоя қилган ҳолда сайланиши лозим¹⁹.

Хорижий давлатлардан Молдовада Олий магистратура кенгашининг ўн икки аъзосидан олти нафари ҳамкасблари томонидан сайланади²⁰. Словенияда кенгашнинг ўн бир аъзосидан олти нафари судьялар томонидан сайланади²¹. Словакияда кенгашнинг ўн саккиз нафар аъзосидан тўққиз нафари судьялар томонидан сайланади²². Литвада эса, кенгашнинг йигирма уч аъзосидан йигирма нафари ўз ҳамкасблари томонидан сайланади²³.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасига асосан Кенгаш аъзоси беш йил муддатга тайинланади (тасдиқланади). Кенгашнинг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи аъзоси сурункасига икки муддатдан ортиқ тайинланиши (тасдиқланиши) мумкин эмас²⁴ деб белгиланган. Кенгашнинг жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи вакилларининг қайта тайинланиши масаласи қонунда кўрсатилмаган.

Кенгашнинг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи аъзосининг кейинги муддатга қайта тайинланиши масаласи уни тайинланган органга нисбатан Кенгаш аъзоларининг садоқатини намоён этиши мумкин, шу сабабли бу тизим мақбул

ҳисобланмайди. Узоқроқ муддатга тайинлаш қайта тайинлашдан яхшироқ ҳисобланади, чунки узоқ муддатга тайинлаш Кенгаш аъзосининг мустақиллигини яхшироқ таъминлайди. Венециан комиссиясининг “Ҳуқуқ устуворлиги таъминланишини баҳолаш учун назорат саволлари рўйхати” 76-бўлимида “Судьяларнинг чекланган ёки янгиладиган ваколат муддати уларни тайинлайдиган ёки кейинги муддатга қайта тайинлайдиган органга боғлиқ қилиб кўяди” деб кўрсатилган²⁵.

Бир қатор хорижий давлатлар тажрибасида ҳам Кенгашнинг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи аъзоси бир муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмаслигини кўришимиз мумкин. Мисол учун, Украина Одил судлов кенгаши аъзолари янги муддатга қайта сайланиш ҳуқуқисиз тўрт йилга сайланади²⁶. Болгарияда Судьялар кенгаши аъзолари сурункасига икки муддатга сайланиш ҳуқуқисиз беш йил муддатга сайланади²⁷. Венгрияда Миллий судьялар кенгаши аъзолари қайта сайланиш ҳуқуқисиз олти йил муддатга сайланади²⁸. Испанияда Суд ҳокимияти бош кенгаши аъзолари қайта сайланиш ҳуқуқисиз беш йил муддатга сайланади²⁹.

Баъзи хорижий давлатлар амалиётида судьялар кенгаши аъзоларнинг қайта тайинланиш амалиётини кўришимиз мумкин, лекин уларнинг барчасида аъзоларнинг номзоди судьялар томонидан тақдим қилинади. Литвада кенгашнинг барча 23 аъзоси судья ҳисобланади, унинг 20 аъзоси ўз ҳамкасблари томонидан сайланади ва улар янги муддатга қайта сайланиши мумкин³⁰. Грецияда Олий адлия суд кенгашининг барча аъзолари судьялар бўлиб, улар янги муддатга қайта сайланиши мумкин³¹.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддасига асосан Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш белгиланган. Унга кўра Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш қуйидаги ҳолатларда амалга ошиши мумкин: ваколатини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ариза берганда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда, ўз фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар пайдо бўлганда, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда, вафот этганда ёки суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинганда, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми кучга кирганда, ўзининг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар содир этганда³².

Қонуннинг 30-моддаси 3-бандида “ўз фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар пайдо бўлганда” Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш белгиланган. Худди шундай тартиб Қонуннинг 20-моддасида судьялик лавозимларига номзодлар захирасидан чиқаришга асос

сифатида кўрсатилган. Ушбу ҳолатда, Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун айнан қайси касалликлар ва жисмоний нуқсонлар тўқинлик қилиши кўрсатилмаган. Қонуннинг 23-моддасида судьялик лавозимига номзоднинг тиббий текширувдан ўтказилиши белгиланган. Унга кўра, судьялик лавозимига номзодда одил судловни амалга оширишга тўқинлик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар мавжуд эмаслигини тасдиқлаш учун у дастлабки тиббий текширувдан ўтказилади. Одил судловни амалга оширишга тўқинлик қиладиган касалликларнинг ва жисмоний нуқсонларнинг рўйхати Кенгашнинг ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланади. Одил судловни амалга оширишга тўқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар йўқлиги ҳақидаги ҳужжатнинг шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Қонуннинг 30-моддаси охири бандида кўрсатилган “ўзининг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар содир этганда” ифодаси кенг ва умумий тушунча ҳисобланиб қонунда уни аниқлаш мезонлари кўрсатилмаган. Бу ноаниқлик ушбу бандни хоҳлаганча талқин қилиш ва Кенгаш аъзосига нисбатан босим ўтказиш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси 1-бандига асосан Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш асосида судьялар корпусини шакллантириш ҳисобланади³³. Халқаро стандартларга мувофиқ судьяларни танлаш ва тайинлаш билан шуғулланувчи орган ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил фаолият кўрсатиши лозим. Ушбу орган судьяларни танлаш ва тайинлашда мустақил қарорлар қабул қилиши судьялар корпусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 63-моддасида судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби белгиланган. Ушбу модданинг 1-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, раис ўринбосарлари, судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан сайланади³⁴.

Ушбу модданинг 2-бандига кўра вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод этилади³⁵.

Ушбу модданинг 3-бандига кўра Қорақалпоғистон Республикаси судларининг раислари ва раис ўринбосарлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади.

Ушбу модданинг 4-бандига кўра Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман (шаҳар) судларининг раислари ва судьялари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тайинланади³⁶.

Ушбу модданинг 5-бандига кўра ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг раислари ва судьялари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод этилади³⁷.

Юқоридаги моддага кўра, Ўзбекистонда судьяларни танлаш ва тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Фақатгина Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва раис ўринбосарларигина Президент тақдимномасига биноан Олий мажлис Сенати томонидан сайланади.

Европа судьяларининг Маслаҳат Кенгаши 10-сонли ҳулосалари 49-бандида “Ҳарчи тайинлаш ёки лавозимга кўтарилиш давлат раҳбарининг расмий қарори билан амалга оширилиши кенг тарқалган бўлсада, шунга қарамай, судьяларнинг жамиятдаги ўрни ва уларнинг вазифаларининг туб моҳиятидан келиб чиқиб, бундай қарорлар судьялар кенгашининг тақлифига кўра давлат раҳбари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ” деб белгиланган³⁸.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси Кенгашнинг ҳулосаси асосида Президент томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод этилади. Бу жараёнда Кенгаш асосий ролни ўйнайди.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуни 21-моддасида биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг асосий мезонлари кўрсатилган. Ушбу моддага кўра бенуқсон обрў-эътибор, ҳалоллик, лаёқатлилиқ, етарли ҳаётий тажрибага эгалик, одил судловни амалга оширишга тўқинлик қиладиган касалликларнинг ёки жисмоний нуқсонларнинг мавжуд эмаслиги биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг асосий мезонлари ҳисобланади³⁹.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуни 22-моддасида судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига танлашнинг асосий мезонлари белгиланган. Унга кўра судьяларнинг судьялик фаолияти даврида бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлиши, ҳалоллиги, холислиги, адолатлилиги ва лаёқатлилиги судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига танлашнинг асосий мезонларидир⁴⁰.

Қонунда кўрсатилган судьяларни танлашнинг асосий мезонлари кенг ва умумий ҳисобланади ҳамда унда бенуқсон обрў-эътибор, ҳалоллик, лаёқатлилиги, етарли ҳаётий тажрибага эгалик каби мезонларни қандай баҳолаш кўзда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 17 майдаги 8/17-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Регламенти 42-моддасида юқоридаги мезонларга таъриф берилган.

Кенгаш янги ваколат муддатига тайинланадиган судьялик лавозимига номзодни кўриб чиқишда қуйидаги омилларга асосланади:

биринчидан, номзод томонидан қабул қилинган суд қарорларининг барқарорлиги;

иккинчидан, одил судловни амалга ошириш ва қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш борасида етарли тажрибага эга эканлиги;

учинчидан, жамоатчиликнинг унинг касбий фаолияти ҳақидаги фикри.

Биринчи омил, суд қарорларининг апелляция ёки кассация босқичларида бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши суд қарорининг нотўғрилигини аниқламайди. Шу сабабли, ушбу омил судьялар фаолиятини салбий баҳолашда асос бўла олмайди. Чунки, бу ҳолат қуйи турувчи судларнинг юқори судларга қарамлигига (боғлиқлигига) олиб келади.

Иккинчи омил, одил судловни амалга ошириш ва қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш борасида етарли тажрибага эга эканлигини баҳолаш биров мантиқсиз. Судья ўзининг беш йиллик фаолияти давомида етарли тажрибага эга бўлади, ўн беш йил судьялик қилган шахснинг тажрибасини баҳолаш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Чунки ушбу судья биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг асосий мезонларига жавоб берганлиги учун судьялик лавозимига тайинланган. Орадан беш ёки ўн беш йил ўтгандан кейин унинг одил судловни амалга ошириш ва қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш борасида етарли тажрибага эга эканлигини баҳолаш нотўғри.

Учинчи омил, жамоатчилик томонидан судьянинг касбий фаолияти ҳақидаги фикри судьяларнинг мустақиллигига жиддий таҳдид ҳисобланади. Чунки судьялар янги муддатга тайинланиш мақсадида қарорлар қабул қилишда жамоатчилик фикрига асосланишга мажбур бўлишади. Судьялар қарорлар қабул қилишда қонунларга ва ички ишончига асосланиб иш тутиши лозим. Судья унинг қарори жамоатчилик томонидан қандай қабул қилиниши тўғрисида қайғурмаслиги керак.

Халқаро стандартларга мувофиқ, судьяларни танлаш ва тайинлаш тартиби олдиндан қонунда белгиланган холис мезонларга, номзодларнинг малакасини ҳисобга олган ҳолда фақатгина уларнинг лойиқлиги, кўникмаси ва қобиляти ҳамда ҳалоллиги, мустақиллиги, холислигига асосланиши белгиланган⁴¹.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда судьяларни танловчи ва тайинловчи мустақил орган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташкил этилганлиги бу Ўзбекистон суд мустақиллигини янада мустаҳкамлаш борасида ташланган муҳим қадам ҳисобланади. Ўзбекистон Респуб-

¹ БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия Саяннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи натижалари бўйича дастлабки мулоҳазалар// <http://www.un.uz/uzb/news/display/348>

² БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия Саяннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи натижалари бўйича дастлабки мулоҳазалар// <http://www.un.uz/uzb/news/display/348>

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Ўзбекистон”, Т.:2018. 64 б.

⁴ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда.

⁵ Европейская хартия о статусе судей. Страсбург, 8-10 июля 1998 года // <http://docs.cntd.ru/document/901927869>.

⁶ Мамасиддиқов М.М. Ҳаракатлар стратегияси: қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ ислохотларини такомиллаштиришдаги туб бурилиш // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари (Мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. Тошкент, “Noshirlik yogdusi”. 2017. 8 б.

⁷ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда

⁸ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда.

⁹ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда.

¹⁰ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда.

ликасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида” ги, “Судьялар тўғрисида” ги қонуни ва Судьялар олий кенгашининг Регламенти тахлили бўйича қуйидаги **хулоса ва таклифлар** илгари сурилади:

— Кенгаш аъзолари таркибини шакллантирилишида судьялар корпуси иштирокини кучайтириш лозим. Судьялар олий кенгаши таркиби судьялар корпуси томонидан демократик принциплар асосида сайланадиган аъзолардан шакллантирилиши лозим;

— Судьялар олий кенгаши раиси судьялар корпуси томонидан демократик принциплар асосида сайланган аъзолар ичидан сайланиши мақсадга мувофиқ;

— “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида” ги қонунининг 5-моддасида кўрсатилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари кенгаш таркибидан чиқариш лозим. Халқаро стандартларга мувофиқ, бу каби кенгашлар таркибида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи

ҳокимият вакиллари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари кенгаши бўлиши мақсадга мувофиқ эмас;

— Кенгашнинг таркиби ва уни шакллантиришда қонунда кенгаш аъзоларига қўйилган мезонлар белгиланмаган, улар қайси мезонлар асосида танлаб олиниши тўғрисида аниқ мезонлар ишлаб чиқиш лозим;

— Худди шундай, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган мутахассисларни танлаб олишга қўйиладиган мезонларнинг аниқ белгиланмаганлиги, етарлича қўникма ва малакага эга бўлмаган мутахассисларнинг Кенгаш аъзоси бўлишига олиб келиши мумкин. Халқаро стандартларга мувофиқ, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган Кенгаш аъзоларини сайлашни имкони борича сиёсий бўлмаган органга бериш тавсия этилади. Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган Кенгаш аъзоларини ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан тайинланишига ёки сайланишига мумкин эмас;



¹¹ Report of the Special Rapporteur on the independence of judges and lawyers. Human Rights Council Thirty-eighth session 18 June 6 July 2018 A/HRC/38/38, 76-77 ва 108 бандлар.

¹² Council of Europe Recommendation CM/Rec(2010)12 of the Committee of Ministers to member states on judges: independence, efficiency and responsibilities, adopted by the Committee of Ministers on 17 November 2010 at the 1098th meeting of the Ministers' Deputies. 27 paragraph. <https://wcd.coe.int/ViewDoc.jsp?id=1707137>, *Заключение № 10 (2007) КЕС «О совете судебной власти на службе общества»*, п.31

¹³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Ўзбекистон”, Т.:2018. 43 б.

¹⁴ Рекомендации Киевской конференции по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной европы, Южного Кавказа и Центральной Азии <https://www.osce.org/ru/odihr/73488?download=true>.

¹⁵ Council of Europe Recommendation CM/Rec(2010)12 of the Committee of Ministers to member states on judges: independence, efficiency and responsibilities, adopted by the Committee of Ministers on 17 November 2010 at the 1098th meeting of the Ministers' Deputies. 27 paragraph. <https://wcd.coe.int/ViewDoc.jsp?id=1707137>, *Заключение № 10 (2007) КЕС «О совете судебной власти на службе общества»*, п.31

¹⁶ Report of the Special Rapporteur on the independence of judges and lawyers. Human Rights Council Thirty-eighth session 18 June 6 July 2018. A/HRC/38/38, 76-77 ва 108 бандлар

¹⁷ Рекомендации Киевской конференции по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной европы, Южного Кавказа и Центральной Азии <https://www.osce.org/ru/odihr/73488?download=true>

¹⁸ European commission for democracy through law (venice commission). Opinion on the draft act amending the act on the national council of the judiciary Poland. Article 17. [https://www.venice.coe.int/webforms/documents/default.aspx?pdffile=CDL-AD\(2017\)031-e](https://www.venice.coe.int/webforms/documents/default.aspx?pdffile=CDL-AD(2017)031-e)

¹⁹ Council of Europe Recommendation CM/Rec(2010)12 of the Committee of Ministers to member states on judges: independence, efficiency and responsibilities, adopted by the Committee of Ministers on 17 November 2010 at the 1098th meeting of the Ministers' Deputies. Para 27. <https://wcd.coe.int/ViewDoc.jsp?id=1707137>

²⁰ Law of the Republic of Moldova on the Superior council of magistracy no. 947-xiii from 19.07.1996. https://www.legislationline.org/download/id/8338/file/Moldova_law_superior_council_magistracy_1996_am2018.pdf

²¹ The Courts Act and Judicial Service Act of Slovenia. https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/sodni_svet_slovenia.pdf

²² Act on the Judicial Council of the Slovak Republic No. 185/2002 Coll. https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/sudna_rada_slovakia_march_2015.pdf

²³ The Law on Courts of the Republic of Lithuania. https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/tt_lithuania.pdf

— Кенгаш аъзоларининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Кенгашда ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи аъзоларининг қайта тайинланишини (тасдиқланиши) бекор қилиш мақсадга мувофиқ. Худди шундай тартибни Кенгашнинг жамоатчилик асосидаги аъзоларига ҳам тадбиқ этиш лозим. Кенгашнинг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи аъзосининг кейинги муддатга қайта тайинланиши уни тайинланган органга нисбатан садоқатини намоён этиши мумкин, шу сабабли бу тизим мақбул ҳисобланмайди;

— Қонунда белгиланган Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун ҳамда судьяликка номзодларни захирадан чиқариш учун асос бўлувчи касалликлар ва жисмоний нуқсонларнинг рўйхатини қонунда аниқ кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

— Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асосларини, ноаниқ ифодалар ёки кенг таърифлардан қочган ҳолда Қонунда аниқ ва равшан белгилаш мақсадга мувофиқдир;

— Қонунда кўрсатилган судьяларни танлашнинг асосий мезонлари кенг ва умумий ҳисобланади ҳамда унда бенуқсон обрў-эътибор, ҳалоллик, лаёқатлилик, етарли ҳаётий тажрибага эгаллик каби мезонларни қандай баҳолаш кўзда тутилмаган;

— Судьяларни янги муддатга тайинлаш тизимини қайта кўриб чиқиб, уларни пенсия ёшига қадар тайинлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Судьяларнинг узоқ кафолатланган муддатга лавозимга тайинланмаслиги, уларнинг асоссиз босим остида қолишига ва турли хил субъектлар ижро ҳокимияти, суд тизими иерархияси ва тайинловчи орган томонидан уларнинг фаолиятига аралаштирилганга олиб келиши мумкин.

— Судьялик лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириш ва танлаш тартиби жуда мураккаб ҳисобланганлиги сабабли, номзодлар захирасини шакллантириш ва танлаш тартибини такомиллаштириб, уни соддалаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



²⁴ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда

²⁵ Венецианская комиссия: Контрольный список вопросов для оценки соблюдения верховенства права (2016), раздел 76.

²⁶ The Law of Ukraine “On the High Council of Justice”. https://www.legislationline.org/download/id/7030/file/Ukraine_Law_on_high_council_of_justice_2017_en.pdf

²⁷ Supreme Judicial Council (SJC) of Bulgaria. https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/bcc_vss_bulgaria.pdf

²⁸ The Fundamental Law of Hungary Article 25. https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/obt_hungary.pdf

²⁹ Law 6/1985, July 1st, on the Judiciary (LOPJ) and amendments introduced by Law 4/2013, June 28th. https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/cgpi_spain.pdf

³⁰ The Law on Courts of the Republic of Lithuania. https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/tt_lithuania.pdf

³¹ Law 1756/1988 (articles 67, 68). https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/greece_sjc_aj.pdf

³² “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда

³³ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги 2000 йил 14 декабрдаги янги тахрирдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги 2000 йил 14 декабрдаги янги тахрирдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги 2000 йил 14 декабрдаги янги тахрирдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда

³⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги 2000 йил 14 декабрдаги янги тахрирдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда

³⁸ Консультативный Совет Европейских Судей (КСЕС). Заключение № 10 (2001). Страсбург, 23 ноября 2001 г. <https://rm.coe.int/1680747b8e>

³⁹ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда

⁴⁰ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда

⁴¹ Report of the Special Rapporteur on the independence of judges and lawyers. Human Rights Council Thirty-eighth session 18 June 6 July 2018. A/HRC/38/38, 2 and 49 paragraphs.

Ахмедова Муқаддасхон Турсуновна,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти доценти, ю.ф.н.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚУРУЛТОЙЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

◆ Мақолада Амир Темур давлати хавфсизлигини таъминлашда қурултойларнинг ҳуқуқий мақоми ёритилган. Қурултойда энг муҳим масалалар, жумладан, сиёсий раҳбарни сайлаш, мамлакатда тинчлик ўрнатиш ёки давлат бошқарувида оид муҳим ишлар ҳал этилгани ҳақида сўз юритилган.

◆ В статье освещен правовой статус курултаев в обеспечении безопасности государства Амира Темура. На курултае были затронуты важнейшие вопросы, в том числе избрание политического лидера, установление мира или управления в стране.

◆ The article highlights the legal status of the kurultays in ensuring the security of the Amir Timur's state. The most important issues were discussed at Kurultai, including the election of a political leader, the establishment of peace or governance in the country.

Калит сўзлар: Амир Темур, кенгаш, қурултой, оқсоқоллар йиғини, давлат бошқаруви, маслаҳат, хавфсизлик, хавфсизликни таъминлаш, қонун устуворлиги.

Ключевые слова: Амир Тимур, собрание, курултай, съезд аксакалов, управление государством, совет, безопасность, обеспечение безопасности, приоритет закона.

Keywords: Amir Timur, Assembly, Kurultai, Congress of elders, state administration, Council, security, ensuring security, priority of the law.

Туркий халқлар тарихида қурултойлар қадимдан давлат бошқарувининг, шунингдек унинг хавфсизлик масалаларини таъминлашда муҳим бўғинлардан бири ҳисобланган. Улар ўз даврида жамият ва давлат бошқаруви тизимлари ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қилган. Қурултойда энг муҳим масалалар, жумладан, сиёсий раҳбарни сайлаш, мамлакатда тинчлик ўрнатиш ёки давлат бошқарувида оид муҳим ишлар ҳал этилган. Бундан кўриниб турибдики, қадимий бошқарув аъналаримизга мувофиқ, давлат раҳбари ёки нуфузли аёнлар бирор муҳим ишни ва ўзгаришларни бошлашдан аввал халқ манфаатларини эътиборга олиш ва адолатсизликка йўл қўймаслик учун олий даражадаги кенгашда муаммоларни маслаҳатлашиб, ҳал этишган.

Биз қадимги қурултойлар тарихини мушоҳада этар эканмиз, улар бугунги парламент тизимининг дастлабки тажрибалари эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Тўғри, қурултойлар мўғуллар ва бошқа туркий халқлар давлат бошқарувида ҳам мавжуд бўлган, аммо бу сиёсий институт бизнинг тарихимизда, айниқса Амир Темур салтанати бошқарувида муҳим ўрин тутган. Оқсоқоллар йиғини, ҳарбий демократия, уларнинг ривожланган босқичи қурултой каби сиёсий институтларнинг ўтмишдаги фао-

лияти фикримизга далилдир. Мазкур тарихий жараёнлар таҳлили бугунги парламентимиз тарихи минг йилликларга бориб тақалиши, у бугунги кунда тақомиллашиб, халқаро тажрибалар билан бойитилгани ҳақида ҳулоса чиқаришимизга имкон беради.

Ўрта асрларнинг муҳим сиёсий институтларидан ҳисобланган қурултойларнинг Амир Темур салтанати бошқарувида, ҳарбий ва хавфсизлик масалаларини ечишда қандай мақомга эга бўлгани, унинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш мақсадида тадқиқот ишимизда алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Тадқиқотчи Ш.Ўлжаева ўзининг “Қадимий удумларга кўра, давлат раҳбарлари қурултойда сайланган ва улар оқ кийгиз устига ўтқазилиб юқорига кўтарилган. Оқ кийгизнинг тўрт учини энг нуфузли амалдорлар ва диний уламоларгина кўтариш ҳуқуқига эга бўлган. Ушбу удумлар бажарилган тақдирдагина шахснинг ҳокимияти қонуний ҳисобланган. Соҳибқирон ҳам ўзининг давлат ҳокимиятини қурултой орқали мустаҳкамлаган. У 1370 йил 8 апрелдаги қурултойда Амир этиб сайланган ва ўша даврдаги одатга мувофиқ оқ кийгиз устига ўтқазилиб юқори кўтарилган. Унга диний раҳнамоси Саййид Барака оқ фотиҳа берган, ҳукмдорлик нишони туғ, ногора ва байроқ топширган. Ўша кундан эътибо-

ран Амир Темур бутун Мовароуннаҳрнинг қонуний ҳукмдори Амири ҳисобланган.

Амир Темур салтанатидаги қурултой олий табақа вакилларининг кенгаши эди. Негаки, йирик салтанатда оммани йиғишни ташкиллаштириш, шунингдек, масалани тартиб билан ҳал қилишнинг кенгашларсиз иложиси йўқ эди. Шу тўғрисида ҳудудларнинг вакилларнинг маъмурлар, ҳарбий бошлиқлар ва олимлар қурултойда қатнашиб, мамлакат ҳаётидан бохабар бўлишган [1].

Шу ўринда Ш.Ўлжаеванинг келтирган маълумотларига ўз фикримизни билдириб ўтишни лозим топдик. Амир Темур тарихига оид манбалардан маълумки, Соҳибқирон ҳокимиятга келишда муҳим аънага амал қилганидир. Яъни, Амир Темур эмас, балки туркийлар одатига кўра, хон авлодидан бўлган Суюрғотмишни амирлар ва нўёнлар билан машварат тузум, “оқ кийгиз”га ўтқазилиб, хон деб эълон қилинган[2]. Бироқ давлатнинг амалдаги ва қонуний ҳукмдори Амир Темурнинг ўзи ҳисобланган.

Бундан ташқари, Ш.Ўлжаева томонидан Амир Темурга пири Саййид Барака томонидан туғ, ноғора ва байроқ топширилгани ҳақида айтилади. Аслида туғ ва байроқнинг бир маънога эгаллиги ҳисобга олинганда ҳамда бирламчи манбалардаги маълумотларга эътибор қаратилганда, Амир Темурга пири томонидан туғ, ноғора ва мамлакат ёрлиғи [3] топширилганини гувоҳи бўламиз.

Қурултойда қабул қилинган қарорлар асосида фармонлар чиқарилган, улар зудлик билан муншийлар томонидан кўпайтирилиб, мамлакатнинг энг чекка жойларигача жарчилар, чопарлар, хабарчилар орқали етказилган. Ўша даврдаги муҳим қарор ва фармойишлар, бир томонидан, маъмурлар, иккинчи томондан, хабаргирлар орқали кенг оммага етказилиб турилган. Бўлаётган ўзгаришлардан ҳеч ким хабарсиз қолмаган. Оммавий ахборот воситалари бўлмаган ва транспорт чекланган ўрта асрларда ахборот коммуникацияларининг бу тарзда яхши йўлга қўйилгани мамлакат тараққиётида муҳим омил эди.

Амир Темурнинг салтанатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, давлат аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилиш ҳамда тадбир чоралар белгилаб олиш мақсадида қурултойлар ва кенгашлар ўтказишга катта аҳамият берганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, Амир Темур томонидан Қарши, Самарқанд, Қорабоғ ва бошқа жойларда ўтказилган қатор қурултой ва кенгашларда шахзодалар, давлат маъмурлари, ҳарбий бошлиқлар, уламолар ва мулкдор зодагонлар вакиллари қатнашганлар. Олий даражадаги бундай йиғинларда мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий аҳволига, давлат хавфсизлигига оид энг муҳим масалалар муҳокама этилар, зарур ишларни бажариш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниб, тадбирлар белгиланар эди. Ҳар бир масала қаторида давлат хавфсизлиги масаласидаги муҳим қарорларни қабул қилишда Амир Темур соҳа билимдонлари, ҳокимлар, волийлар билан маслаҳатлашарди[4].

Бундан кўринадики, Амир Темур қурултой қаро-

рига таянишни нафақат давлат бошқарувидаги, балки мамлакат хавфсизлигини таъминлашдаги энг адолатли йўл деб билади. У қурултойларни фаоллаштириш орқали туркий давлатчилик асосларини такомиллаштирган. Манбалардаги маълумотлар ривожланган ўрта асрларда қурултойнинг миллий давлатчилигимиздаги энг гуркираган даври Амир Темур даврига тўғри келади, - деб хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

Ўша даврда бўлиб ўтган бир қурултой ҳақида Шарафиддин Али Яздий шундай маълумот келтиради: “Ҳазрат Соҳибқирон давлатидин турк элининг азимат ва шавкатлари аъло мартабага етиб эрди, алаҳусус, Чифатой улусиким, аларнинг давлати мағриб оламдин машриққа тўлуб эрди ва аларнинг мол жиҳатларини ҳеч ким санолмас эрди. Ва ясоқларига анча мол ва азимат бўлуб эрдиким, ўзга ернинг бекларидин эрдилар. Ҳазратнинг муборак хотирига кечтиким, черикни керак бурунғидин кўбрак қилғай. Бас, қурултой қилмоқ фармон қилди ва ҳар бир вилоятдин ва тумонот ва хазорижот беклари андоқ азимат ва шавкат била кўрмагандурлар”[5].

Маҳаллий ва марказий давлат ҳокимияти вакиллари қурултойда иштирок этган. Қурултойда юриш қилиш масаласи ҳал этилган. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий: “Ишорати олий бўлди: “Ҳар бекка не миқдор киши тааллуқ турур ва черик куни неча киши отландурур, барчани эҳтиёт қилиб, муфассал қилинлар!” Бахшийлар ва тавачилар юруб беклардин муфассаллар олиб, тавачиларга топшурдиларким, тонгласи черик ҳар кимки қабул қилгон кишини отландурмағай, гуноҳкор бўлғай. Мундоқ муқаррар қилиб забт қилдилар”[6], деб маълумот келтириб ўтган.

Соҳибқирон баъзан қурултой қарорисиз иш бошлашни лозим топмаган. Унинг Тўхтамишхон масаласини ҳал этишда бу сиёсий институтга таянгани кўринади. Бу икки ҳукмдор муносабатлари кўпчиликка маълум. Тўхтамишхон Амир Темур кўмагида Олтин Ўрда тахтига эга чиқса-да, бунинг қадрига етмай унинг йўқлигидан фойдаланиб Мовароуннаҳрга юриш уюштирар, оз фурсат ўтиб элчилар орқали узр сўрар эди.

Соҳибқирон бу масалалани қурултойга қўяди. “Чаҳоршанба кунда, рабиъ ал-аввал ойининг ўн олтисиди (1391 йил 21 февраль) қурултойда шахзодалар ва беклар барча йиғилиб, кенгашиб, Тўхтамишхондин келган элчилари билан ва тамом черик билан отланиб йўлга кириб, Тўхтамишхон сори юрдилар”[7].

Қурултойнинг ўтказилиш муддати аниқ белгиланмаган бўлиб, бир йилда бир неча мартаба чақирилиши мумкин эди. Бу вазиятга ва масаланинг нечоғлик аҳамиятли эканлигига боғлиқ бўлган. Масалан, Соҳибқирон 1390 йил баҳори ва кузида қурултой чақирган. Маълумотларга кўра, “1390 йил кузида Амир Темур Кеш яқинида катта қурултой ўтказди. Умаршайхнинг никоҳ тантаналари қурултойга уланиб кетди. Амир Темур салтанатининг барча кўшинини бир жойга йиғди, ўнлаб лашкар фавжларини тузди, уларнинг кўмондонларини белгилади,

ўзи йўқлигида шаҳар ва туманларни бошқарадиган ҳокимлар, бошқа юқори мансабдорларни тайинлади ва ниҳоят асосий кўшинга йўл тайёрлаш ҳамда душман лашкарлари ҳолатидан ўзини огоҳ қилишлари учун тезкор гуруҳларни шимолга йўллади»[8]. Хофиз Абду ҳам 792 (1389-1390) йили Оқёр мавзесида қурултой чақирилгани ҳақида маълумот ёзиб қолдирган[9].

Амир Темур сарой тадбирларини амалга ошириш орқали узоқ-яқиндан келган амалдор ва бошқа вакиллар, сипоҳининг тўпланишидан фойдаланиб қурултой мажлисини ташкиллаштирган. Шарафиддин Али Яздий: “Ва яна Соҳибқироннинг иши бу эрдиким, агарчи қурултой қилиб беклари била ва шахзодалар била мамлакат иши учун кенгаш қилур эрди”[10], - деб унинг бошқарувда қурултойга сўяниб келганини таъкидлайди.

Мамлакатда қонунлар устуворлигини таъминлашга эришган Соҳибқирон қурултойсиз давлатни бошқаришни мумкин деб билмаган, у халқ манфаати ва фаровонлигини таъминлаш учун вакиллар мажлисининг фикри ва хоҳишини инobatга олган. Чунки унинг давлат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқарувдаги асосий мақсади зўрлик билан халқни ўз ҳукми остида ушлаб туриш эмас, балки давлат ва халқ бирлиги, уларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган эди. Албатта, бу жиҳатлар ўша даврдаги давлатчилик анъналарини такомиллаштиришга муҳим аҳамият касб этган.

Қурултойда халқ вакиллари маҳаллий амалдорлар сайлаши, олий ҳукмдордан уни ўзгартиришни талаб қилиши ёхуд солиқларни камайтириш каби масалаларни сўраши мумкин эди. Унда нафақат маҳаллий маъмурлар, балки хабаргирлар, Амир Темургагина бўйсунадиган, аммо маҳаллий амалдорларга маслаҳатчилик қиладиган тажрибали, илмли ва давлатга садоқатли кишилар ҳам қатнашган. Бу эса жойлардан олинган турли маълумотлардан ҳаққонийсини аниқлаш имконини яратган.

Қурултойларнинг жамият ва давлатдаги ўрнини ўрганган венгер олими Ҳ.Вамбери унга “миллат мажлиси” деб баҳо бергани бежиз эмас[11].

З.Муқимов: “Амир Темур давлатни бошқаришда албатта, Қуръон, ҳадислар, тўра ва тузукка таянган. Шу билан бир қаторда кенгаш ва машваратга ҳамда унинг қарорларига таянган. Шу нуқтаи назардан қурултойлар Амир Темур салтанатига демократик тус берувчи зодагонлар кенгашидан иборат эди”[12], — деб фикр билдирган.

Амир Темурнинг қурултойни янада фаоллаштиришга, олиму уламоларни давлат ишларига тортишга интилангани Низомиддин Шомий келтирган бир воқеадан билиб олишимиз мумкин. “Қурултойда Амир Темур уламоларига қараб: “Ўтган асрлардаги уламолар султонларига яхшилик ва адолат бобида йўл кўрсатганлар, сизлар нега менга раҳнамолик қилмайсизлар ва мен бажаришим вожиб ва лозим бўлган нарсаларни менга айтмайсизлар?” деди. Уларнинг ҳар бири такаллуф билан бир сўз айтиб, у ҳазратнинг ризосига мувофиқ йўл ахтарди-

лар ва “Худога шукрки, Соҳибқирон ҳазрат ўзлари ҳаммага яхши йўлни ўргатадилар, бизларга ўхшаганларнинг насиҳатларига эҳтиёжлари йўқдир”, - дедилар. Амир ҳазратлари бу сўзларга эътироз билдириб: “Менга таҳсин айтиш ва менинг мижозимга мувофиқ гапиришингиз менга хуш келмайди, вазифа шуки, сизлар ҳар тоифа, ҳар бир томондан келгансизлар, у томоннинг яхши ва ёмон аҳволи авзоини менга айтинглари ва ҳеч нимани яширманглари”[13], - деди”. Бу билан Амир Темур уламоларга мурожаат этиб, уларнинг мақтови эмас, тўғри маслаҳати кераклиги, бундан мақсади давлатда адолат ва фаровонликка эришиш, халқнинг оғирини енгил қилиш эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қурултойларнинг хавфсизликни таъминлашдаги яна бир аҳамияти, Соҳибқирон олимларни давлат ишларига тортиб, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишидир. Бу ҳақда Низомиддин Шомий шундай маълумот беради: “Амир Соҳибқирон бир гуруҳ таниқли ва диёнатли олимлардан танлаб, уларнинг ҳар бирини Девони аъло томонидан бир амин билан мамлакат чеккаларидан бирига номзод қилди, токи улар тайин этилган томонга жўнаб мамлакат ишларининг тагига етсинлар, агар биронта бир мазлумга зулм етган бўлса ёки бирон ожизга зўравонлик раво кўрилган бўлса, зарар тиканини мазлумлар оёғидан чиқариб, улардан зўрлик билан олинган нарса исбот қилинса, ўша томонда бўлган хазина молидан уларга қайтариб берсинлар, бўлган аҳволни ёзиб олиб қайтсинлар ва арз иззатгоҳига етказсинлар, токи бундан кейин у зулм қоидаларини улардан йироқлаштирсинлар”[14].

Қурултойда кўриб чиқилган ушбу масалаларни Шарафиддин Али Яздий қуйидагича таърифлайди: “... Соҳибқирон ўшул мажлисда бир жамоат кишиким, илму тақво ва зухду фатво била машҳур эрдилар, ихтиёр қилиб, ҳар бирини бир вилоят сори девон била кўшуб, вилоятлар сори йибарди, то андағи раъйи ва фуқаро ва масокинларнинг аҳволдин хабардор бўлғайлар. Андин сўнг Соҳибқирон деди: “Бу чоққача бизнинг ҳамиятимиз ул эрдиким, оламни очқайбиз. Шукур худойгаким, наким хотиримиз тилади, муяссар бўлди. Эмдид сўнг ҳимматимиз улдурурким, халойиқ рафоҳият ва фароҳатда бўлғайлар. Ва олам ободон ва маъмур бўлғай. Ғараз бу сўздин мақсуд бу турурким, эл мундин нори ҳар неким воқий бўлса арз қилғай. Лобудда, то анинг дафъини қилиб, неким беҳуд турур, қилғайбиз”[15].

Дарҳақиқат, Амир Темур қурултойларида Европа парламентаризмидан мутлақо фарқли равишда ҳукмдорларнинг ҳуқуқини чеклаш ёки у билан курашиш эмас, балки Олий кенгашда ҳаммага тенг ҳуқуқ берилгани, унда ҳар ким ўз фикрини айта олгани, давлат бошқарувидаги долзарб масалалар, юришлар бошлаш, сулҳ масалаларини адолатли ҳал қилишга интилиш кучли бўлганини кўрамай.

Амир Темур даври қурултойи ўша даврда ғарб давлатларида мавжуд бўлган парламентларнинг ҳуқуқи мақомидан ва давлатчиликдаги ўрни жиҳатидан устунлик қилган. Масалан, Англиядаги каби

лордлар палатаси ва умум палатадаги каби депутатларнинг берган овозида фарқ бўлмас, даражасидан қатъий назар, ҳар бир зодагоннинг овози тенг эди.

Франциядаги Генерал штатларнинг жамият ҳаётидаги роли қурултой каби кучли эмасди, қирол уни чақирмасликдан манфаатдор эди. У кўпроқ қирол ва вакиллар ўртасидаги даҳанаки жангни эслатарди. Аксинча, Амир Темур даври қурултойи вазиятга қараб чақирилди, энг муҳим масалалар муҳокамадан ўтар, шахс тақдири давлат тақдири деб тушунилар, аввало, ҳукмдорнинг ўзи қурултойни чақиришдан манфаатдор эди. Сирасини айтганда, жамият ва давлат қурултойга эҳтиёж сезган [16].

Биз давлатчиликдаги мазкур жиҳатларни эътироф этиб, бу даврда қурултой парламент шакли сифатида ўз давридаги шунга ўхшаш тизимлардан илгарилаб кетганлигини англаймиз. Уларни чақиришдан мақсад халқ ва давлат хоҳиш-истагини рўёбга чиқаришга эришиш эди, деб айта оламиз.

Демак, мавзу юзасидан хулоса қиладиган бўлсак, **биринчидан**, қурултойнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини чуқур ва атрофлича ўрганиш, бу давр давлатчилик анъаналарини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Унда нафақат давлат амалдорлари, маҳаллий ҳокимлар, қавмлар вакиллари қатнашган, балки олиму уламолар ўз фикрини билдирган, улуг ва кекса тажрибали кишилар, лашкарбошилар марказий ва маҳаллий давлат амалдорларига маслаҳатчи этиб тайинланган.

Иккинчидан, манбалар Гиёсиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Муиниддин Натанзий, Шарафиддин Али Яздий ва Фасих Хавафий кабиларда келтирилган маълумотлар Амир Темур салтанатининг давлат тузумида адолат ғоялари мавжудлиги, ёлғиз ҳукмдор эмас, балки эл-улус истаги ҳам қондирилгани, давлат ва халқ манфаати уйғунлашганлигини кўрсатади.

Учинчидан, Амир Темур салтанатидаги сиёсий тузум мамлакат фуқароларнинг фаровонлигига хизмат қилган. Амир Темур даврида демократия маълум даражада ривожлангани ва парламент кўриниши, миллат мажлиси қурултойнинг фаоллиги ва тенглик бу давлатчиликнинг халқ иродасини ифодаланганлиги, давлат халқ ҳокимияти манбаи бўлганлигини кўрсатади.

Тўртинчидан, қурултой Амир Темур давлатининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишдаги муҳим воситалардан бири ҳисобланган. Соҳибқирон давридаги қурултойнинг мақоми, унинг ваколатлари, давлатдаги таъсирини тўлақонли тушуниш учун, унинг давлатчилик, жамиятда тутган ўрни ва ролини чуқур ўрганиш муҳим деб ўйлаймиз.

Бешинчидан, қурултой институти салтанатдаги бошқарув тизими вакиллари ҳамда маҳаллий ҳоким, лашкарбошилар ўртасида тенглик, адолат тамойилларини шакллантиришга катта таъсир кўрсатган. Қурултой орқали давлат ва жамият ўртасидаги тафовутлар камайиб, ўзаро манфаатлар уйғунлаштирилган. Қурултойнинг фаоллашуви бу даврда мутлақ ҳокимият тизимининг янги поғонага кўтарилганлигини кўрсатади.

Олтинчидан, қурултойда давлат амалдорлари, лашкарбошилар, олиму уламолар, улуг ва кекса, тажрибали кишилар қатнашишган, улар маҳаллий ҳокимларга маслаҳатчи этиб тайинланган. Бу анъаналар давлат бошқарувида адолат ўрнатиш, қонунлар ижросини таъминлаш, унинг марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимлар, турли қавм етакчилари ўртасида алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилган. Ўша даврда бу сиёсий институт зодагонлар кенгашидан иборат вакиллик органи бўлган бўлса ҳам, маҳаллий ҳукмдорлар орқали ҳудуд ва халқ, турли қавм вакиллари манфаатларини ҳам ҳимоя этишгани англашилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. Ташқи сиёсат. Дипломатия. Т.: Академнашр, 2017. Б. 85.
2. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 82.
3. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 82. Саидқосимов С., Аҳмедов А ва бошқ. Амир Темур жаҳон тарихида. Масъул муҳаррир Р.Қасимов. Т.: Шарқ, 2006. Б. 336.
4. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т.: Шарқ, 1997. Б.125; 128; Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва теурийлар салтанати.. Б.33.
5. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т.: Шарқ, 1997. Б. 128.
6. Ўша асар. Б.128
7. Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. Ташқи сиёсат. Дипломатия. Т.: Академнашр, 2017. Б.88.
8. Фасих Ахмад Хавафи. Муджмали Фасихи. / Перевод, предисловие, примечания и указатели Д.Юсуповой. Т. Фан, 1980. - С. 113; Керен Л. Амир Темур салтанати. Т.: Ўзбекистон, 2018. Б.63-64.
9. Ҳофизи Абру. Зайл-и жоме ат-таворих. Т.: Шарқ, 1999. Б.203.
10. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т.: Шарқ, 1997. Б. 309.
11. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: Фафур Фулом. 1990. Б. 35.
12. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи. Т.: Адолат, 2004. Б. 167.
13. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т. Ўзбекистон, 1996. Б. 370.
14. Ўша асар. Б. 371.
15. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 279.
16. Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. Ташқи сиёсат. Дипломатия. Т.: Академнашр, 2017. Б. 91.



Исоқов Лукмонжон Холбоевич,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси марказ прокурори,
ю.ф.б. фалсафа доктори (PhD)

МИГРАЦИЯ ҲУҚУҚИ ТАРИХИ: Қадимги Рим мисолида

◆ Ушбу мақолада миграция ҳуқуқи пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Жумладан, қадимги жаҳон тамаддунида миграция ҳуқуқининг дастлаб ҳуқуқий одат сифатида шаклланиши тарихий ёзма манбалар таҳлили асосида ўрганилган.

◆ В данной статье рассмотрены особенности возникновения миграционного права. В частности, на основе анализа исторических письменных источников изучены формирование миграционного права как правовой обычай в древней цивилизации.

◆ This article describes the features of the emergence of migration law. In particular, the formation of migration law as a legal custom in ancient civilization was studied on the basis of an analysis of historical written sources.

Калит сўзлар: Қадимги Рим, мигрант, миграция, чет элликлар, одат, паспорт, тарих, эркин ҳаракатланиш, ҳуқуқ, қонун.

Ключевые слова: Древний Рим, мигрант, миграция, иностранцы, обычай, паспорт, история, свободное передвижение, право, закон.

Keywords: Ancient Rome, migrant, migration, foreigner, custom, passport, history, free movement, law.

Ҳаёт фаровонлиги юксалиши ва жамиятнинг ривожланиши билан урф-одатлар ҳам ўзгаради. Ёзувни кашф этилиши, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ривожланиши ва давлатнинг пайдо бўлиши билан ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи янги ҳуқуқий одатлар ҳам юзага келган.

Ибтидоий жамоадан фуқаролик ҳолатга ўтиши билан миграция ҳуқуқининг асосини ташкил қилувчи эркин ҳаракатланиш дастлаб одат, сўнг ҳуқуқий одат сифатида белгиланади. Кўчиб юриш одатининг миграцияга оид ҳуқуқий одатдан фарқи шундаки, ҳуқуқий одат норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлади.

Бинобарин, миграция ҳуқуқи инсоният пайдо бўлишидан бошлаб ҳозирги кунга қадар ва кейин ҳам бутун дунё халқлари учун долзарблигини йўқотмайдиган масалалардан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, сайёрамиздаги деярли барча инсонлар у ёки бу маънода мигрант ҳисобланиб, инсоният пайдо бўлгач, "homo sapiens"нинг бир гуруҳи Европа, Осиё, Австралия ва Америка бўйлаб бутун дунёга тарқала бошлаган¹. Инсоннинг мавжуд бўлиши муаммоси ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, социологлар, файласуфлар каби олимларни қизиқтириб келган. Кўп асрлик тарих дунё яралиши ва ижтимоий ҳаётнинг универсал қонуниятини тушуниш ва тушунтиришни ўз олдига қўйган кўпгина илмий-назарий қарашларни вужудга келтирди. Шуларнинг орасида инсон ҳуқуқларининг юридик табиатини англашга қаратилган таълимотлар муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, инсон ҳуқуқларининг ажралмас таркибий қисми миграция ҳуқуқи узоқ ривожланиш тарихи, яъни қадимий даврга бориб тақалиб, дастлаб фуқаролик мақоми, эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи сифатида ушбу тушунчалар кўпроқ ишлатилган. Айнан ўша пайтда Қадимий Римдаги Сенат ва Қадимий Юнондаги Миллий мажлиснинг ҳуқуқий нормалари кўринишида қонунан мустаҳкамланган. Шуниси эътиборга лойиқки, қадимги даврлардан бери кўп ҳуқуқлар, шу жумладан эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, аҳолининг ҳукмрон қатламларининг имтиёзи бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ бўлган. Фуқаролик институти ва инсоннинг асосий ҳуқуқлари ўртасидаги муносабатлар ҳозирги кунда ҳам у ёки бу кўринишда давом этмоқда.

Бир пайтнинг ўзида ҳам кўҳна тарихга эга, ҳам замонавий тенденцияга айланган миграция масаласи, ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш заруратини келтириб чиқаради. Шу ўринда, миграция ҳуқуқи шаклланишининг тарихини таҳлил қилиш мазкур ҳуқуқ соҳасининг келажақда ривожланиш истиқболларини белгилашга хизмат қилади.

Миграция ҳуқуқининг шаклланиши инсоннинг ўзига зарур бўлган йўналишга турли йўллар ва ҳаракатланиш воситасидан фойдаланган ҳолда кўчиб юриш имкониятининг босқичма-босқич ривожланишидир. Одамларнинг кўчиб юришида мутлақ эркинлик мавжуд эмас, чунки ҳокимият томонидан чек

ловлар қўйилмаган ва давлат чегаралари бўлмаган тақдирда ҳам бир жойдан иккинчи жойга бориш учун иклимий ва географик хусусиятлар кўринишидаги бошқача тўсиқлар бўлган. Қолаверса, бу одамнинг жисмоний имкониятига ҳам боғлиқдир. Замонавий дунёда эркин ҳаракатланиш қонун доирасида амалга оширилади.

Миграция ҳуқуқининг шаклланиши босқичлари ҳақида турли қарашлар мавжуд. Масалан, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқининг шаклланишини И.А.Алешкова тўрт босқичга (давлатчиликдан олдинги давр инсон табиатидаги одатий ҳолат; янги феодал давлатлар даври ҳуқуқий одат шаклида; XVIII аср охири табиий ҳуқуқлар таркибида; ХХ аср юридик жihatдан алоҳида норма сифатида мустаҳкамланиши) ажратган² бўлса, ҳуқуқшунос олим В.Ф.Могильный унга ХХI аср Европа иттифоқи мисолида давлатлар орасидаги чегараларни олиб ташланиши ва паспорт-виза назоратини соддалаштириш бешинчи даврни ҳам қўшимча қилган³.

Эркин ҳаракатланиш ҳуқуқининг шаклланиши жараёни бошқа талқин ва муаллифлар томонидан ҳам ўрганилган. Лекин улар бир-бирларини тўлдириб, кенгайтиради холос. Юқорида баён этганларимиз асосида миграция ҳуқуқининг тарихий ривожланиши тўғрисида ўзимизнинг қарашларимизни тақдим этамиз. Фикримизча, миграция ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланишини тўртга, яъни қадимги (ибтидоий жамоадан VI асрга қадар), ўрта асрлар (VII асрдан XIX асрга қадар), ХХ аср ҳамда ХХI аср каби даврларга бўлиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Қадимги давр милоддан аввалги ва милодий VI асргача бўлган вақтни ўз ичига қамраб олади. Аҳоли миграциясининг ўсиши билан, мазкур жараёнларни тартибга солишга қаратилган тегишли институтлар ҳам шакллана бошлаган. Бу каби ҳуқуқий институтлар сирасига эркин ҳаракатланиш, сафар ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт-виза), шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми, бошпана олишни киритиш мумкин. Қўйида Қадимги Римда миграция ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади.

Милоддан аввалги 4 минг йилликдан бошлаб миграцияни ўсиши қуруқликда арава, сувда денгиз ва дарё кемалари каби турли ҳаракатланиш воситаларини такомиллашувига олиб келган. Бу ўз навбатида Яқин Шарқдан Европа шимоли, Ҳинд ва Хитойга аҳоли кўчишини фаоллаштирди.

Қадимги Римда замонавий миграция ҳуқуқининг деярли аксарият институтлари мавжуд бўлган. Эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми, бошпана бериш, паспорт-виза каби масалаларнинг илк кўриниши ўзига хос тарзда тартибга солинган.

Сорбонна университети профессори Фюстель де Куланж шаҳар-давлатлар милоддан аввалги 1125 ва 950 йиллар оралиғида босқинчи, қочоқ, мажбурий кўчирилган ва мустамлакачи каби мигрантлар томонидан асос солинганлиги ҳақида маълумотлар келтирган⁴. Ушбу манба Рим империясида мигрант-

лар билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳақида умумий тасаввурга эга бўлишга хизмат қилади.

Рим давлати ҳудудида маҳаллий аҳоли ва ҳукмрон синф вакиллари патрицийлар (лот. "patricius", яъни "ота") таркибига кирмаган озод қилинган қуллар, уларнинг авлодлари ва мигрантлар истиқомат қилишган. Ушбу тоифадаги барча шахслар "плебейлар" деб аталган бўлиб, даставвал уларнинг сиёсий ҳуқуқлари чекланганлигига қарамай, муайян вақт ўтиши билан, ҳуқуқий мақоми ривожланганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, милоддан аввалги 445 йилда Канулей қонунлари (лот. Lex Canuleia) билан патрицийлар ва плебейлар никоҳ қуришига рухсат берилган. Милоддан аввалги IV асрга келиб эса, бир қатор ҳуқуқий ислохотлар натижасида плебейлар республиканинг барча лавозимларига тайинланиши ва шу аснода маҳаллий аҳоли билан тенг ҳуқуқли бўлишига эришилган.

Рим ҳуқуқида фуқароликка қабул қилиш институтининг ўзига хос хусусиятлари ҳам учрайди. Одатда тўла ҳуқуқли ота ва онадан туғилган фарзандга ўз ўзидан Рим фуқароси ҳисобланган. Бироқ мигрантлар фарзандликка олиниши орқали фуқаролик мақоми олиш имкониятига эга бўлган.

Қадимги Рим ҳарбий саркардаси ва сиёсий арбоби Луций Юлий Цезарь томонидан милоддан аввалги 90 йилда ишлаб чиқилган "Юлий қонуни" (лот. Lex Iulia)га мувофиқ, Римга садоқатли бўлган иттифокдошларга рим фуқаролиги ҳуқуқи тақдим этилган. Рим фуқаролигининг ўзига хос жиҳати шунда бўлганки, унда фуқаролик қабул қилган легионер шахсининг туғилган жойи, ижтимоий келиб чиқиши, насл-насаби, ҳарбий қисми, тажрибаси ва унвони каби маълумотлар келтирилган. Легионер вафотидан сўнг ҳатто қабр тошига ҳам фуқаролиги ҳақидаги ушбу маълумотлар тўлиқ битилган (1-расм).



1-расм. Римлик легионернинг қабр тошига битилган фуқаролик маълумотлари⁵. Кёльн музейи.

Фуқаролик тақдим этишнинг бу каби усули миллоддан аввалги 89 йилнинг 17 ноябрда Қадимги Римнинг Македония провинцияси ноиб Гней Помпей Страбон томонидан ҳам амалга оширилган. У бир пайтнинг ўзида 30 нафар испан сувориларига фуқаролик берган (2-расм)⁶.



2-расм. 30 нафар испан суворисига фуқаролик тақдим этилиши. Гней Помпей Страбоннинг бронза жадвал шакидаги фармойишлари. Рим маданияти музейи.

Польшалик археологларнинг Болгарияда олиб борган изланишларида легионерларга тақдим этилган рим фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат парчаси топилган. Икки минг йил муқаддам ушбу рим лагериди Августнинг Саккизинчи легиони ва Биринчи итальян легиони жойлашган бўлган. Сертификат бронза тахтачасига битилган бўлиб, икки саҳифадан иборат бўлган. Саҳифалар кичик тешик орқали ўтказилган занжирча билан боғланган. Ҳужжатни қалбакилаштирмаслик учун ҳар бир текширишдан сўнг муҳрланган. Легионерлар 25 йиллик хизматдан сўнг рим фуқаролиги ҳуқуқини қабул қилган (3-расм).



3-расм. Рим фуқаролигининг тақдим этилиши тўғрисидаги ҳужжат.⁷


Октавиан Август (лот. Octavianus Augustus, миллоддан аввали 63-миллодий 14 йиллар) миллоддан аввалги 27 йилда Рим империясига асос солгач, янги провинция сифатида Миср устидан ҳукмронлик ўрнатилиб, у ерга сенаторларни бориши императорнинг руҳсатисиз тақиқланган. Бироқ Октавиан Август миллодий 6 йилида юзага келган очлик вақтида озиқ-овқатга ортиқча юкни камайтириш мақсадида сенаторларга Римни тарк этиш ва ис-

талган жойга бориш эркинлигини тақдим этган. Рим империясида сайёҳларнинг эркин ҳаракатланиши шу қадар кафолатланган эдики, унинг хавфсизлигига дахл қилиш, бу Рим императорига уруш эълон қилинганликка тенглаштирилган.

Миллодий 97 ва 109 йиллар оралиғида римлик сиёсат арбоби, ҳуқуқшунос ва ёзувчи Кичик Плинийнинг Рим императори Траянга ёзилган хатида муддати тугаган паспортлардан фойдаланиш муаммолари ҳақида маълумотлар келтирилган. Номага жавобан, император бу каби нусхалардан фойдаланишни тақиқлаб, янги ҳужжатлар нусхаларини губернаторга юборган. Мазкур ҳужжатлар икки ёғочли тахтачалар шаклида, император исми ёзилган мум билан қопланган. Унда ишончли шахс ҳақидаги маълумотлар, унинг инфратузилмадан фойдаланиш ҳуқуқи ва паспортнинг амал қилиш муддати кўрсатилган⁸.

Машҳур римлик ҳуқуқшунос Гай (лот. Gaius, II аср) Рим хусусий ҳуқуқига бағишланган илмий асари Институтларининг 36-моддасида "*Non tamen cuiusque volenti manumittere liceat*"⁹, яъни "истаган ҳар ким ҳам қулни эркинликка қўйиб юбора олмайди" деган. Мазкур нормага мувофиқ, Қадимги Римда муайян шахслар тоифалари эркин ҳаракатланиш имкониятига эга бўлган.

Римнинг эркин аҳолиси фуқароликнинг мақоми бўйича фуқаролар ва чет эл фуқароларига бўлинган. Тўлиқ ҳуқуқий лаёқатга фақат эркин туғилган Рим фуқаролари эга бўлган. Аҳоли ўсиши ва янги ҳудудлар забт этилиши натижасида 212 йилда император Септимий Бассиан Каракалла (лот. Septimius Bassianus Caracalla, 188-217) Рим империясининг барча эркин аҳолисига фуқаролик ҳуқуқини беришга қарор эълон қилган (4-расм).




4-расм. Каракалланинг Рим фуқаролиги тўғрисидаги фармони¹⁰.

Ҳозирги Марокаш худудидан 1957 йилда топилган ушбу ёдгорликда Рим императорлик девонхонаси фармонининг нусхаси бўлиб, Мавритания худудидаги қабила бошлиқларига Рим фуқаролигини тақдим этиш ҳақида сўз борган. Шунингдек, тузилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг илк кўринишлари Элия Сенция (Aelia Sentia) ва Папия Поппея (Papia Poppaea) қонунларининг қабул қилиниши билан пайдо бўлган¹¹.

Фуқаролик муносабатлари қачон бошланганлиги бўйича турли қарама-қарши фикрлар мавжуд бўлса-да, аксарият мутафаккирлар Қадимги Юнонистондаги энг кўҳна шаҳар-давлатларни кўрсатади. Рим даврида фуқаролик сиёсий иштироки Қадимги Юнонистонга қараганда анча оз, бироқ қонунга асосланган муносабатлар хусусиятига эга бўлган. Бошпана ҳуқуқи эса, 432 йилда римлик насроний император Феодосий II томонидан қонуний мустаҳкамланиб, қочоқ ғулом бир кунга черковда бошпана олиш ҳуқуқига эга бўлган, кейинги кун эса, уни хўжайинига қайтариш шарт бўлган, ўз навбатида, қулдор ғуломини кечирिशга қасам ичишига мажбур бўлган. Яхудийлар насронийликни қабул қилса, улар ҳам бошпана ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлган. 535 йилда Византия императори Юстиниан одам ўғрилари, қасамини бузувчилар ва қотилларга бошпана бериш ҳуқуқини тақиқлаган (5-расм).

Юстиниан кодификацияси бир неча асрлардан ҳозирга қадар Европа мамлакатларининг аксариятида роман-герман ҳуқуқининг асосий манбаси бўлган, ҳуқуқшуносларнинг ижоди ва римлик қонун-



5-расм. Юстиниан кодификациясидан парча¹².

ларнинг машҳур тўпламидир. Юстинианнинг ушбу асарини “Рим адлиясининг ибодатхонаси” деб атаган бўлса, ўрта аср ҳуқуқшунослари “Фуқаролик ҳуқуқи корпуси” (“Corpus iuris civilis”) номини берган.

Хуллас, Қадимги Рим тарихи мисолида миграция ҳуқуқий институтларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, айниқса, фуқаролик масаласи, жумладан, ҳозирги икки фуқаролик институтига ўхшаб кетган изополи-тейя институти XXI асрда ҳам янгича кўринишда ҳануз долзарблик касб этмоқда.

¹ Gabriel Mas. Histoire des migrations humaines / Cahiers de Village de Forez №65. Montbrison: Groupe d'histoire locale du Centre Social de Montbrison, 2018. P.3.

² Алешкова И.А. Право на свободу передвижения: историко-правовая ретроспектива // Конституционное и муниципальное право. М.: Юрист, 2006, № 4. С.33.

³ Могильный В.Ф. История возникновения и развития права на свободу передвижения // Юрист Правовед 2007, № 6 С.52.

⁴ Fustel de Coulanges. La cite antique : emtude sur le culte, le droit, les institutions de la GreMce et de Rome. – Paris: Librairie de l’Hachette et C^e, 1866. P.137, 482 et 484. (523 pages).

⁵ Corpus des inscriptions latines (CIL XIII, 8318)

⁶ Criniti N. L’epigrafe di Asculum di Gn. Pompeo Strabone. Milano, 1970. P.188.

⁷ <http://rg.ru/2019/09/26/dokument-legionera.html>

⁸ Переписка Плиния Младшего с Императором Траяном - Текст и перевод. Комментарий. Wydawnictwo KUL, 2017. С.211.

⁹ Институции Гая. Текст и перевод Ф.Дыдынского. Варшава, 1891. С.31 (541 с.).

¹⁰ Seston W., Euzennat M. La citoyennitй romaine au temps de Marc Aurile et de Commode d’apris la Tabula Banasitana, CRAI, 1961. P.317-323; Un dossier de la chancellerie romaine, la Tabula Banasitana, йtude de diplomatique, CRAI, 1971. P.468-490 ; Sherwin-White A.N., The Tabula of Banasa and the ConstitutioAntoniniana, JRS, 63, 1973. P.86-98.

¹¹ F. Schulz, « Roman registers of birth and birth certificates », Journal of Roman Studies, 1942, p. 78-91 et 1943, p. 55-64; J.-P. Lйvy, « Les actes d’йtat civil romains », Revue d’histoire du droit, 1952, p. 449-486.

C’est ce que montrent les documents papyrologiques (cf. Fontes iuris Romani antejustiniani (FIRA), III, n° 2). Claude Nicolet, L’inventaire du monde: гйographie et politique aux origines de l’Empire romain, Paris, Fayard, 1988, p. 147-148.

¹² <http://digital.ub.uni-duesseldorf.de/urn:urn:nbn:de:hbz:061:1-30642>

Дустов Мамарасул Абдуллаевич,
начальник факультета Таможенного
Института ГТК Республики Узбекистан

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕР БОРЬБЫ С КОНТРАБАНДОЙ КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ

◆ В статье исследуется оптимизация оперативно-тактических мер борьбы с контрабандой культурных ценностей, необходимость разработки перечня организационных мероприятий по борьбе с незаконным перемещением культурных ценностей, борьба с контрабандой культурных ценностей в процессуальном аспекте. Излагаются варианты использования учения о тактических операциях в борьбе с указанным видом преступления. На основе проведенного анализа оперативно-тактических мер борьбы с контрабандой культурных ценностей делаются выводы по их совершенствованию.

◆ Мақолада маданий бойликлар контрабандасига қарши курашишнинг тезкор-тактик усулларни такомиллаштириш, маданий бойликларнинг ноқонуний муомиласига қарши курашишнинг ташкилий чора-тадбирлари режаларини ишлаб чиқиш зарурлиги, шунингдек маданий бойликлар контрабандасига қарши курашишнинг процессуал жиҳатлари ўрганилади. Жиноятнинг ушбу турига қарши курашишда тезкор-тактик тадбирларни қўллаш таълимотидан фойдаланиш имкониятлари баён этилган. Маданий бойликлар контрабандасига қарши курашиш бўйича тезкор-тактик чора-тадбирлар таҳлили асосида уларни такомиллаштириш бўйича хулосалар берилган.

◆ The article examines the optimization of operational and tactical measures to combat the smuggling of cultural property, the need to develop a list of organizational measures to combat the illegal movement of cultural property, the fight against the smuggling of cultural property in the procedural aspect. The article describes options for using the doctrine of tactical operations in the fight against this type of crime. Based on the analysis of operational and tactical measures to combat the smuggling of cultural property, conclusions are made on their improvement.

Ключевые слова: таможенные органы, взаимодействие, анализ, оперативно-тактические меры, борьба, контрабанда культурных ценностей, совершенствование.

Калит сўзлар: божхона органлари, ўзаро ҳамкорлик, таҳлил, тезкор-тактик чора-тадбирлар, кураш, маданий қадриятларни контрабанда қилиш, такомиллаштириш.

Keywords: customs authorities, interaction, analysis, operational and tactical measures, fight, smuggling of cultural values, improvement.

Узбекистан сейчас переживает эпоху стремительных перемен. Исторический процесс обновления, инициированный президентом нашей страны Шавкатом Мирзиёевым, охватил все сферы жизни, в том числе науку, культуру и образование. Глава нашего государства принял ряд указов, призванных принципиально обновить механизмы дальнейшего развития научного потенциала страны, книгоиздательства, исследовательской деятельности. Самое главное — проводимые реформы нацелены на то, чтобы богатое культурное наследие Узбекистана возвести в ранг странового брендинга, и это находится под личным контролем президента.

В настоящее время в Узбекистане как никогда огромное значение приобретают дальнейшее развитие социальной и духовной жизни, укрепление здоровой атмосферы в семье, в махаллах (органах самоуправления) и во всем обществе, задача воспитания молодежи, обеспечение мирной и спокойной жизни. Для того чтобы развитие Узбекистана вышло на новый уровень, правительство страны приняло Стратегию действий по дальнейшему

развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, и в настоящее время она претворяется в жизнь.¹

Согласно Закона Республики Узбекистан «О вывозе и ввозе культурных ценностей» культурные ценности это движимые предметы материального мира, представляющие собой национальную, историческую, художественную, научно-познавательную, духовно-нравственную и иную культурную значимость.²

Государственное регулирование вывоза и ввоза культурных ценностей осуществляют Министерство культуры Республики Узбекистан и Государственный таможенный комитет Республики Узбекистан.

Непосредственный контроль за порядком вывоза и ввоза культурных ценностей осуществляют таможенные органы.

В целях обеспечения сохранности культурного наследия народа Узбекистана, создания условий защиты культурных ценностей от незаконного их вывоза и ввоза, а также развития международно-

го культурного сотрудничества Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан утверждено Положение о порядке вывоза и ввоза культурных ценностей.³

Оптимизация оперативно-тактических мер борьбы с контрабандой культурных ценностей подразумевает использование комплексного подхода, в рамках которого взаимодействие таможенных органов с другими правоохранительными органами может осуществляться наиболее эффективно. Совершенствование правоохранительной деятельности, усиление борьбы с преступлениями в сфере таможенного дела должны быть направлены на повышение уровня экономической безопасности государства.

«Дорожная карта» по развитию и широкому внедрению информационно-коммуникационных технологий в деятельность таможенных органов Республики Узбекистан на 2018-2020 годы в качестве перспективных задач определяет не только комплекс технических мероприятий (внедрение электронных компонентов в систему оперативно-технического контроля, межведомственное электронное взаимодействие), но и совершенствование межведомственного, внутриведомственного и международного взаимодействия в сфере борьбы с нарушениями таможенного законодательства, в т.ч. контрабандой товарно-материальных ценностей.⁴

Система совершенствования взаимодействия при расследовании преступлений выступает областью научного интереса и понимается как основанная на законах и подзаконных нормативных актах, согласованную по целям, месту и времени осуществления деятельности оперативных аппаратов и других подразделений правоохранительных органов в интересах совместного выполнения оперативно-служебных задач. В центре такой системы можно выделить организационные и оперативно-тактические аспекты. Первые предполагают определение перечня взаимодействующих субъектов и объем решаемых ими задач, вторые строятся вокруг совместных операций, по итогам которых реализуются конечные цели взаимодействия.

В контексте борьбы с контрабандой культурных ценностей совершенствование оперативно-тактических мер должно подразумевать грамотное сочетание процессуальных и внепроцессуальных форм взаимодействия подразделений органов внутренних дел и таможенных органов, планирование проведения совместных оперативно-розыскных мероприятий, содействие следователю в собирании доказательств. За рамками взаимодействия чаще всего остается выявление факта незаконного вывоза и ввоза, поскольку оно, как правило, осуществляется подразделениями таможенных органов инициативно.

В большинстве случаев выявление незаконного

вывоза и ввоза культурных ценностей осуществляется на основании оперативных информации, поступивших в подразделения по борьбе с контрабандой таможенных органов.

Таким образом, таможенными органами Республики Узбекистан в результате проведенных оперативно-розыскных мероприятий выявлено в 2018 года 64 фактов на сумму 116,2 млн сум, в 2019 году 121 фактов на сумму 2,6 млрд сум незаконного вывоза культурных ценностей (антиквариата).

А также, в некоторых случаях в рамках мероприятий взаимного сотрудничества оперативные информации о контрабанде культурных ценностей поступают в таможенные органы из органов внутренних дел, например, пресечение противоправной деятельности лиц, совершавших хищения антикварного предмета.

При расследовании отрабатывается версия о вывозе похищенного за пределы РУз, факт незаконного перемещения через таможенную границу предметов антиквариата, сокрытие от таможенного контроля, выявление таможенным органом.

Преступные действия задержанного расследуются в рамках уголовного дела о хищении; предъявляется обвинение в покушении на незаконный вывоз культурных ценностей и приобретении имущества, заведомо добытого преступным путем.

В юридической литературе обоснованно отмечается, что таможенные органы уполномочены производить дознание по уголовным делам и доследственную проверку⁵, а также обладают правом ведения оперативно-розыскной деятельности, что создает условия для эффективного раскрытия и расследования таможенных преступлений. Правоохранительная деятельность таможенных органов характеризуется как совокупность мероприятий по выявлению, пресечению, профилактики и предупреждению административных и уголовных таможенных правонарушений. Основным правовым инструментом борьбы с таможенными преступлениями и, в частности, с контрабандой культурных ценностей, выступает оперативно-розыскная деятельность.⁶

Следует отметить, что борьба с контрабандой культурных ценностей со стороны таможенных органов включает в себя не только оперативно-розыскное сопровождение расследования, но и выявление и пресечение таких преступлений. В связи с этим взаимодействие таможенных органов и ОВД может принимать внепроцессуальные формы и вид информационного обмена.

В борьбе с контрабандой культурных ценностей особое значение приобретают такие оперативно-розыскные мероприятия, как наведение справок, сбор образцов для сравнительного исследования, контролируемое приобретение, исследова-

ние предметов и документов, оперативное наблюдение, контролируемая поставка, операция под прикрытием и оперативный эксперимент.

В связи с этим, в структуре оперативно-тактических мероприятий, направленных на пресечение готовящихся незаконного вывоза и ввоза культурных ценностей можно выделить:

1) планирование видов оперативно-розыскных мероприятий, наиболее оптимально позволяющих выявить или пресечь готовящийся незаконный вывоз и ввоз культурных ценностей;

2) распределение оперативно-служебных задач между подразделениями таможенных органов и органов внутренних дел, либо определение единственного субъекта мероприятия;

3) определение последовательности проводимых оперативно-розыскных мероприятий;

4) определение последовательности проведения неотложных следственных действий.

В целях выявления незаконного вывоза и ввоза культурных ценностей, о подготовке которой оперативная информация поступила от негласного аппарата ОВД, первоочередное значение приобретает проведение совместных оперативно-розыскных мероприятий таможенных органов и ОВД. Для их успешного проведения необходимо: обеспечить информирование должностных лиц таможенных органов о лицах, которые, возможно, предпримут незаконное перемещение культурных ценностей через таможенную границу; организовать проведение мероприятий таможенного контроля в отношении этих лиц, не возбуждая у них подозрений; при выявлении факта контрабанды обеспечить отображение объяснений не сотрудником таможенного органа, а сотрудником ОВД. Это может способствовать более ответственному отношению виновного лица к своему поступку и формированию у него уверенности в том, что вся его преступная деятельность известна правоохранительным органам. Если виновный является членом преступной группы, такая тактика может привести к изобличению его с помощью других ее членов.

Как известно, в литературе отмечается высокая эффективность группового метода расследования сложных многоэпизодных дел, его значимости в достижении цели быстрого, полного и качественного раскрытия и расследования преступлений.

К наиболее эффективным формам практической деятельности правоохранительных органов в рамках международного сотрудничества можно отнести:

1) участие в создании и гармонизации международного законодательства в сфере борьбы с преступностью;

2) проведение рабочих встреч с представителями правоохранительных органов зарубежных стран;

3) обмен оперативной информацией;

4) исполнение запросов общего и конфиденциального характера;

5) проведение совместных оперативно-розыскных и профилактических мероприятий, а также широкомасштабных целевых специальных операций;

6) розыск лиц, находящихся в межгосударственном розыске, их экстрадицию.

При установлении обстоятельств уже совершенного незаконного вывоза и ввоза культурных ценностей оперативно-тактические мероприятия могут быть построены следующим образом:

1) производство неотложных оперативных действий должностными лицами таможенного органа;

2) направление собранных материалов в следственный орган для решения вопроса о возбуждении уголовного дела;

3) планирование расследования по уголовному делу с учетом оперативно-розыскных мероприятий, проводимых должностными лицами таможенных органов;

4) определение последовательности следственных действий, необходимых для быстрого и полного собирания доказательств совершения незаконного вывоза и ввоза культурных ценностей.

Разновидностью тактических мероприятий здесь может выступить допрос сотрудников таможенного органа, проводивших оперативно-розыскные мероприятия или неотложные следственные действия, в качестве свидетелей, либо непосредственно участвовавших в выявлении или пресечении факта незаконного вывоза и ввоза культурных ценностей.

Экономические реформы в Китае тесно связаны с политикой открытости внешнему миру и интенсивным развитием внешнеэкономических связей. Вступление Китая в ВТО и приверженность принципам свободной торговли не исключило применение мер тарифного и нетарифного регулирования внешней торговли, поэтому по-прежнему имеются предпосылки для возникновения и развития контрабанды как незаконного перемещения через границу определенных товаров. Стабильный экономический рост Китая сопровождается постоянным совершенствованием способов ведения контрабанды и высокой активностью преступных группировок, вовлеченных в нее. Проблема борьбы с контрабандой актуальна на протяжении уже нескольких десятилетий, и китайское руководство проводит энергичные и масштабные мероприятия по борьбе с ней, ужесточая ответственность за занятие этой незаконной деятельностью.

С начала экономических реформ в 1979 г. в Уголовный кодекс КНР трижды вносились изменения, устанавливавшие усиление наказаний за контрабанду. Действующий в настоящее время Уголовный кодекс Китайской Народной Республики

предусматривает, что контрабанда наркотиков, оружия, боеприпасов, радиоактивных материалов или фальшивых денег наказывается лишением свободы на срок семь и более лет. Контрабанда запрещенных для вывоза культурных ценностей, золота, серебра и других драгоценных металлов, а также перемещения через границу исчезающих видов животных либо уникальных растений и произведенной из них продукции наказывается лишением свободы сроком на пять и более лет. К этому наказанию может добавляться и штраф, который, впрочем, может применяться и как самостоятельное наказание. При особо отягчающих обстоятельствах контрабанда наказывается бессрочным лишением свободы или смертной казнью, а также конфискацией имущества.

В настоящее время законодательство в области охраны исторического и культурного наследия, нормы уголовного и таможенного права служат защите объектов, представляющих культурное и историческое наследие, других предметов, относящихся к культурным ценностям Китая. В 1982 г. Китай впервые обнародовал важные законопроекты по охране памятников культуры. Закон КНР «Об охране памятников культуры» устанавливает особый порядок охраны: 1) исторических стоянок, захоронений, сооружений, имеющих историческую, художественную и (или) научную ценность; 2) произведений архитектуры и предметов нового и новейшего времени, связанных с важнейшими историческими событиями или выдающимися людьми, а также имеющими историческую и (или) образовательную ценность; 3) драгоценных произведений художественных промыслов и прикладного искусства всех исторических эпох; 4)

важнейших архивов всех исторических эпох, а также рукописей и книг, имеющих историческую, художественную и (или) научную ценность; 5) репрезентативных предметов, отражающих особенности общественного строя, хозяйственной деятельности и быта различных народов в различные исторические эпохи. Положение «О применении Закона КНР об охране памятников культуры» устанавливает и конкретизирует порядок деятельности государственных органов на разных уровнях в области охраны культурного наследия, в области охраны археологических объектов, устанавливает правила оборота на внутреннем рынке антиквариата и т. п.

Проведенный анализ совершенствования оперативно-тактических мер борьбы с контрабандой культурных ценностей позволяет сделать следующие выводы:

— выделить типичные оперативно-розыскные ситуации, возникающие в сфере борьбы с контрабандой культурных ценностей;

— разработать перечень организационных мероприятий подразделений таможенных органов и органов внутренних дел при выявлении, пресечении и расследовании незаконного вывоза и ввоза культурных ценностей;

— оперативно решить вопросы по регулированию и контролю за вывозом и ввозом культурных ценностей, должностными лицами таможенных органов и уполномоченными сотрудниками Министерства культуры Республики Узбекистан;

— разработать перечень тактических мероприятий, оптимизирующих выявление, пресечение и расследование уголовных дел о незаконном вывозе и ввозе культурных ценностей.



¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

²Закон Республики Узбекистан 29 августа 1998 г., № 678-1 «О вывозе и ввозе культурных ценностей»

³Приложение №1 к постановлению Кабинета Министров от 23 марта 1999 г. № 131

⁴Приложение №11 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 12 апреля 2018 года №ПП-3665 «Об организации деятельности органов Государственной таможенной службы Республики Узбекистан»

⁵Закон Республики Узбекистан от 29 августа 1997 года № 4721 «О государственной таможенной службе»

⁶Закон Республики Узбекистан от 25 декабря 2012 года № 3441 «Об оперативно-розыскной деятельности»

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. В.М.Косицына «Организационно-тактические меры борьбы с контрабандой культурных ценностей». М., Журнал: Экономика, Социология и право. 2014 год, № 4, стр.171-176.

2. А.М.Николаев «Борьба таможенных органов КНР с контрабандой» // Вестник РТА, Таможенная политика России на Дальнем Востоке. 2014. № 3(68). С. 110

Довудова Дилзода Сулаймановна,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси катта ўқитувчиси

МУСТАҚИЛЛИККА ҚАДАР БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ

◆ Мақолада тарихда биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини тадрижий ривожланиши, ушбу ривожланиш босқичларидаги ҳуқуқий асослари, мустақиллик йилларидаги ҳуқуқий асослар билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, мазкур масала юзасидан қонунчиликдаги бўшлиқлар, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ёритилган, прокурорнинг жиноят судида ваколатлари бир неча тарихий босқичларга бўлинган.

◆ В статье рассматривается историческое развитие полномочий прокурора в судах первой инстанции по уголовным делам, их правовая основа, сравнительно-правовой анализ за годы независимости, пробелы в законодательстве данного вопроса, даны предложения по совершенствованию законодательства, полномочия прокурора в суде делятся на несколько исторических этапов.

◆ The article considers the gradual development of prosecutorial power in criminal proceedings in the first instance courts in history, legal basis for these stages of development, comparative legal analysis with a legal basis for years of independence, gaps in the legislation on this issue, proposals for improving legislation, as well as the powers of the prosecutor in a criminal court are divided into several historical stages.

Калит сўзлар: Авесто, мухтасиб, суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокурор, айбловчи, давлат айбловчиси, прокурор назорати, суд, суд мажлиси, жиноят иши, тараф, дастлабки суд эшитуви, тарихий босқич.

Ключевые слова: Авеста, мухтасиб, судебно-правовая реформа, прокурор, обвинитель, государственный обвинитель, прокурорский надзор, суд, судебное заседание, уголовное дело, сторона, предварительное слушание, исторический этап.

Key words: Avesto, muhtasib, judicial reform, prosecutor, accuser, public prosecutor, procuratorial oversight, court, court trial, criminal case, side, preliminary hearing, historical stages.

Ҳар қандай давлат органининг шаклланиши ва ривожланишини яхшироқ тушуниш учун унинг тарихига эътибор қаратиш лозим. Прокурор фаолияти ёки прокуратура органининг ўз тарихи ва ривожланиш тенденциялари мавжуд бўлиб, у ушбу органининг тарихий мақсади, юкланган функцияларни амалга ошириш учун тарихий эҳтиёж, унинг бошқа давлат органлари тизимидаги ўрнини кўрсатади.

Маълумки, ўзбек давлати ва ҳуқуқи тарихи қадимги даврларга бориб тақалади. Масалан, “Авесто” Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари қадимий маданиятининг бебаҳо тарихий ёдгорлиги бўлиб, у жаҳон тарихига диний, ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий ва бошқа дунёқараш тасаввурларини англашнинг битмас-туганмас манбаи сифатида кирган¹.

Авестода суд ишларини кўриш элементлари мавжудлигини қайд этиш мумкин. Хусусан, “Авесто”да суд ва судда ишларни кўриш масалалари-

га ҳам эътибор берилган. Судда ишни кўриш мунозаралашув тусида бўлган. Ишни ҳал этишдан олдин қоида бузувчининг айби қатор масалаларни, айбдорлик шаклини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайлими, қаттиқ ҳаяжон ҳолатида, биринчи марта такроран қоидани бузганлик, айбдор ўз айбини тан оладими, айбдорнинг диний мансублиги ва бошқалар аниқланади².

Кўринадики, қадимда бундан 3000 йил аввал «Авесто»да одил судловни олиб бориш учун махсус мўлжалланган шахслар ва суд жараёни тартиби шакллانган.

Тарихий жиҳатдан прокуратура органларининг пайдо бўлиши ва шаклланиши, уларнинг асосий вазифалари турли минтақаларда турлича баҳоланган.

Дунё тарихига мурожаат қиладиган бўлсак «қадимги Рим давлатида прокуратура органининг дастлабки ташкил қилинишининг ўзи айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, давлат ман-

фаатларини ҳамда энг аввало қонуннинг устуворлигини ҳимоя қилиш учун тузилган. Лотинчада прокурор - деган сўз, "ғамхўрлик қиламан", "таъминлайман", "ҳимоя қиламан" деган мазмунни билдиради³.

Грудинин таъкидлашича, прокурор фаолиятининг дастлабки босқичлари XIII асрда Францияга бориб тақалади⁴.

Биринчи бор прокуратура XIV асрда Францияда шаклланган деб ҳисобланади. Қирол Филипп IV (Чиройли)нинг 1302 йил 25 мартдаги буйруғи билан прокуратура монархнинг вакили бўлган орган сифатида ташкил этилган.

Дастлаб, прокурорнинг вазифаси тож (қироллик) манфаатларини ҳимоя қилиш бўлган. Жиноят ишларини юритиш жараёни қоидаларига биноан прокурорнинг роли терговни бошлаш ва судлар ишини кузатиб боришдан иборат бўлган. У қирол ҳокимияти ва суд ўртасидаги воситачи вазифасини бажарган.

Францияда ташкил этилган ушбу институтни Англия, Германия, Шотландия ва бошқа мамлакатлар дарҳол ўзлаштирганлар.

Ислом қонунчилигида шариат нормаларининг бажарилиши устидан назорат қилувчи махсус орган бўлмаса-да, шариат қонунларини бажарилишини назорат қилиб турувчи махсус мансаб ва ушбу вазифани амалга оширувчи шахслар бўлган.

Ислом тарихи гувоҳлик беришича, VII асрдаёқ инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга асосланган тизим вужудга келган. Ҳалифа Умар (р.а.) томонидан шикоятларни кўриб чиқиш ва низоларни ҳал қилиш учун "Муҳтасиб" мансабининг ташкил этилиши фикримиз далилидир⁵.

«Муҳтасиб» сўзи араб тилидаги асли «ҳасаб» феъли ўзагидан ясалган. Унинг исм шакли «ҳисба» ҳисоб-китоб, ажр, эваз, мукофот, ўлчов ва оғирлик ўлчовларини назорат қилувчи мансабдор маъносини англатади. Муҳтасибнинг ҳаракат номи шакли «ихтисоб» сўзи ҳисоб, ҳисоблаш, мамнунлик, итоаткорлик маъноларини билдирса, Муҳтасиб ўлчам ва оғирлик ўлчовларини назорат қилувчи мансабдор, инспектор маъносида фойдаланилган⁶.

Ғаззолий ўзининг «Ихё улум уд-дин» асарида⁷, муҳтасибнинг гумондорни Қозига топшириш ваколати бўлганлиги ҳамда Ибн Ҳалдун ўзининг «ал-Муқаддима» асарида⁸ муҳтасиб ёмон ишларга яраша жазо бериш (адолатлилик, қонунийликни таъминлаш борасида судларда прокурор иштирокини таъминлаш, судларга асослантирилган қарорларни қабул қилишда кўмаклашиш фаолияти принципи) вазифаларини бажарганлиги ёритилган.

Кўриниб турибдики, давлат ва жамият, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминловчи қонунлар ижроси устидан назорат вазифаси бун-

дан қарийб 1200 йил аввал махсус шахслар томонидан амалга оширилган. Ушбу даврларда "прокурор", "прокуратура" деган терминологиялардан фойдаланилмаган бўлсада, албатта ўз даврига яраша жамиятдаги қонунларнинг ижросини назорат қилиб турувчи идора бўлган.

Шу билан бирга, исломда қонун нормаларига риоя этишни таъминлашда қози судлари асосий ўрин тутган. Улар жиноий ва фуқаролик ишларини кўришда, шариат нормаларига риоя қилиниши устидан назоратни ҳам юритганлар⁹.

Марказий Осиё жиноят процессида прокурорнинг ўрни Россия империяси, шунингдек РСФСР ва собиқ СССР қонунчилигининг кучли таъсири остида шаклланганлигини эътироф этишга тўғри келади¹⁰.

Россияда прокуратура органлари ва прокурорлик назоратининг асосчиси Пётр I ҳисобланади. У 1722 йилда Франция прокуратураси фаолиятини асос қилиб олган ҳолда ўз фармони билан Бош прокурор бошчилигида прокуратурани таъсис этган¹¹.

Туркистон ўлкасида 1867 йилдан 1886 йилга қадар прокуратура мустақил орган сифатида фаолият олиб бормаган. Прокурор назорат функциясининг маъмурий аппаратни бошқарган Генерал-губернатор амалга оширган¹².

Туркистонда прокуратура органлари Россия Олий ҳокимияти подшо Александр II тасдиқлаган Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги "Низом" билан ўз фаолиятини бошлаган ва бу "Низом" 1886 йил 12 июнда қабул қилиниб¹³, 1887 йил 1 январда кучга кирган¹⁴.

Мазкур "Низом"да Туркистон ўлкасида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш билан шуғулланувчи махсус орган — прокуратура органини тузиш ва бунда ишлаш учун прокурор, унинг ёрдамчиси ва терговчиси лавозимлари жорий қилинган. Прокурорлик лавозимида ишлаш учун 17 та штат (яъни ўрин) берилган¹⁵.

1899 йилга келиб Туркистон ўлкасида икки кўринишдаги прокуратура органи фаолият олиб борган:

- Суд палатаси қошидаги прокуратура;
- Туман судлари қошидаги прокуратура.

Ҳакамлик судлари қошида прокуратура мавжуд бўлмаган. Туман прокурори суд палатаси прокурорига, у эса бевосита Адлия вазирига бўйсунган. Адлия вазири Бош прокурор барча прокурорларга бошчилик қилган¹⁶. Кўринадики, прокуратура дастлаб судлар қошида ташкил этилган бўлсада, судга бўйсунмаган ва уларда суд ҳукмига протест келтириш, судлар устидан назорат қилиш ваколатлари бўлган.

Октябрь инқилобига қадар Туркистонда прокурорлик фаолияти юқорида қайд этилган "Низом" асосида, жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш "Жиноий иш юри-

тиш тўғрисида”ги Низом асосида тартибга солинган¹⁷ ва жиноят иши бўйича судда прокурор иштироки шу даврдан бошланган.

Суд палатаси ва туман судларида кўрилган барча тоифадаги жиноят ишларида прокурор иштироки мажбурий бўлган. Суд процессида прокурор ҳимоя билан тенг ҳуқуқли бўлмаган. Судга гувоҳ, экспертни чақириш ҳақидаги мурожаати “талаб” даражасига эга бўлган. Прокурорнинг талаби учун муддат белгиланмаган ва асослантириш шарт бўлмаган. Суд учун прокурорнинг талаби мажбурий бўлиб, у муҳокама қилинмаган. Ҳимоя учун эса бу каби илтимосномалар учун етти кунлик муддат белгиланиб, суд уни рад этиши мумкин бўлган¹⁸.

Прокурор суд ҳукмларига протест келтириш ваколатига эга бўлган. 1905-1907 йилда Туркистон ўлкасининг туман суди ҳукми ва қарорларига жами 1101 та протест келтирилган бўлиб, ундан 948 таси қаноатлантирилган¹⁹.

Собиқ социалистик мамлакатларида замонавий давлатлардаги прокуратура органларининг мазмуни ва мақсади давлатнинг сиёсий манфаатларини кўзлаб кўлланган.

1917 йилги Октябрь инқилоби воқеаларидан сўнг, 1917 йил 24 ноябрдаги 1-рақамли Декрет билан прокуратура органлари фаолияти тугатилди²⁰.

1918 йилда Туркистон ўлкасида жамоат айбловчиси судда ишларни юритишда янги субъект сифатида кириб келган бўлиб, айбловни ҳар қандай шахс қувватлаши мумкин бўлган. Жамоат айбловчиси дастлаб ўзини оқлаган бўлсада, кейинчалик бир қатор муаммоларни келтириб чиқарган. Суд процессида аниқ процессуал ваколатга эга бўлмаган, жиноят ишидан манфаатдор бўлган шахслар томонидан айблов қувватланган.

Шу сабабли, жамоат айблови институтини бошқа давлат айблови институти билан ўзгартириш зарурати юзага келган. 1918 йил 7 мартда 2-сонли Суд ҳақидаги Декрет билан айбловчилар коллегияси қайта ташкил этилган. Унда суд давлат вакили айбловчилар коллегиясидан, айбловни қувватлашни истаган фуқаро жамоат айбловчиси сифатида иштирок этиши мумкинлиги белгиланган²¹.

1918 йил 15 ноябрда Туркистон республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси қабул қилган “Туркистон ўлкасини халқ судлари сайланиши ҳақидаги кўрсатмалар”да қайд этилишича, айблов ҳайъати прокурор назорати тугатилиши муносабати билан ташкил этилган. Айблов ҳайъатининг аъзоси асосан давлат айбловини қувватлаган.

Ушбу даврларда айблов институти икки хил шаклда бўлган: умумий суд тизимига оммавий айблов, трибунал судлари давлат айблови²².

Кейинчалик янги кўрсатмалар қабул қилиниб, суд ишларини юритишда айбловчи процессуал

субъект сифатида сақланган бўлсада, номланиши адвокатлар коллегиясига ўзгартирилган. Бироқ у ўзини оқламаган²³.

Россия Марказий Ижроия Қўмитасининг 1920 йил 21 октябрдаги²⁴ Декрети билан тасдиқланган “Халқ судлари ҳақида”ги Низомда, судда айбловни амалга ошириш учун мустақил институт Совет томонидан тайинланадиган ва чақириб олинadиган алоҳида айблов ҳайъати ташкил этилган.

1920 йил 23 ноябрда “Судда айблов ва ҳимоя ташкилоти тўғрисида”ги кўрсатма қабул қилинган²⁵. Унга кўра, фуқароларнинг руйхати йилда 2 марта шакллантирилиб, судларга берилган, улар судда иштирок этган вақтда асосий иш жойидаги иш ҳақи сақланган. Ушбу институт ҳам бир неча шаклга ўзгартирилган.

Марказий Комитет Сиёсий Бюросининг таклифи билан IX чақириқ Бутун Россия Марказий Ижроия Қўмитаси (ВЦИК)нинг III сессияси 1922 йил 26 майдаги қарори билан прокурорлик назорати тўғрисидаги низом тасдиқланган²⁶ ва 28 май кунни имзоланиб, қонунга айланган²⁷. Ушбу Низомда бир қанча прокурор ваколатлари жумладан, 1-қисм “в” бандида судда айбловни қувватлаш ваколати²⁸ ҳам бўлган бўлсада, унда жиддий бошқа камчиликлар бўлган²⁹.

Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси 1922 йил 31 октябрда “Прокурор назорати тўғрисида”ги янги низомни тасдиқлади. Ушбу низомга мувофиқ, прокуратурага судда айбловни қувватлаш вазифаси юклатилган ва такомиллаштирилган³⁰. Судда иштирок этаётган прокурор суднинг тайёрлов мажлисида иштирок этиш, судда айбловни қўллаб-қувватлаш, суд ҳукми ва қарорларига эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Ушбу даврда прокуратура дастлабки эътиборни судда давлат айбловини қувватлаш, суд қарорлари ва ҳукмларининг қонунийлигини назорат қилишга қаратиб, ўзининг мавжудлигини билдирган. Мисол учун, 1922 йилнинг 6 ойида маъмурий (бошқарув) суд мажлисида 438 та, суд мажлислаарида 479 та ишда иштирок этиб, 470 та бўйича айблов нутқи билан музокара қилган³¹.

Тарихий манбалар прокурорни суд устидан назорат олиб борганлигини ҳамда суд жараёнининг босқичларида прокурор фикри муҳим аҳамият касб этиб, мажбурий характерга эга бўлганлигини кўрсатмоқда. Қайд этилган даврда прокуратуранинг тизими шаклланиб, кун сайин қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда унинг ваколатлари такомиллашиб борган.

Туркистон МИК (Марказий Ижроия Қўмитаси)нинг IV сессияси 1922 йил 1 августдан Туркистон АССР ҳудудида РСФСР (Россия Совет Федератив Социалистик Республика) Жиноят-процессуал Кодексини жорий этди. Бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар билан мазкур кодекс 1923 йил

15 февралда янги тахрирда тасдиқланди ҳамда бутун Туркистон АССР ҳудудида амал қила бошлади³².

Марказий Осиё республикаларида миллий-давлат чегараланиши муносабати билан Ўзбекистон Инқилобий қўмитасининг 1924 йил 27 ноябрдаги қарори асосида Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР ҳудудларида амал қилувчи қонунлар мос равишда тилга олинган республикалар ҳудудларида Ўзбекистон қонунлари чиқарилгунга қадар ўз қучини сақлаши белгилаб берилди³³.

1923 йилдаги ЖПКнинг 49-моддасига мувофиқ, судда иштирок этаётган прокурорни рад қилиш асослари ва тартиби амалдаги ЖПКда белгилангани каби баён этилган бўлиб, бироқ эски Кодексда кўрилатган иш бўйича прокурор суриштирув ёки терговда иштирок этган ёхуд айбловни қувватлаган бўлса, уни рад қилиш учун асос бўлмаслиги баён этилган.

Мазкур ЖПКнинг 50-моддасига кўра, ишда прокуратура ходимлари, қонун ҳуқуқ берган жабрланувчи, қасаба уюшмаларининг вакиллари, меҳнат инспекторлари, ишчи-деҳқон, техник-санитария ва бошқа инспекцияларнинг вакиллари айбловчи сифатида қатнашишлари мумкин бўлган. Бошқа шахслар эса маъмурий бошқарув ёки суд мажлисида суднинг иш бўйича чиқарган махсус ажримига кўра ишда айбловчи сифатида иштирок этишга йўл қўйилган³⁴.

Юқорида қайд этилган манбаларда кўринишича, тарихда Қонунларда судда иштирок этаётган прокуратура ходимларига нисбатан “Прокурор” ибораси қўлланилган, бироқ 1923 йилдаги ЖПК нормаларидан кўринадики, судда айбловни фақат прокурор эмас бошқа процесс иштирокчилари ҳам қувватлаши мумкин бўлганлиги сабабли кодексга “айбловчи” ибораси кириб келган.

ЖПКнинг 248-моддасига мувофиқ, прокуратура суднинг маъмурий (бошқарув) йиғилишида ўз хошига кўра иштирок этган.

Б.Х.Пўлатов ушбу норма замирида прокурор эмас, балки давлат органи сифатидаги прокуратура хусусида гап бориши, шунингдек, бошқарув мажлисида иштирок этиш ёки иштирок этмаслик масаласини прокуратуранинг ўзи ҳал этганлигини, яъни бу ҳолатда у суддан юқори қўйилганлиги ҳақида фикр билдирган³⁵.

Ушбу Кодекснинг 231-моддасида, прокурор айбланувчини судга тақдим этиш билан бир вақтда шахсан ёки прокуратуранинг бошқа аъзолари орқали судда айбловни қўллаб-қувватлаш зарурлиги тўғрисида судга хабар берган, бироқ суднинг прокуратура томонидан айбловни қувватлаш ҳақидаги ажрими мажбурий характерга эга бўлган.

Шу каби, кодекснинг 232-моддасида, агар прокурор зарур деб ҳисобласа, маъмурий (бошқарув) суд мажлисларида айбловни қўллаб-қувватлаши мумкинлиги қайд этилган. Бу эса, дастлабки

терговни олиб борган прокурор ҳам судда айбловни қувватлаганлигини кўрсатади.

Суд жараёнида прокурорнинг суд мажлисларидаги ҳаракатларини баҳолаш ҳуқуқи судга берилган. Чунончи суд мажлиси буйруғи прокурор томонидан бажарилмаса, интизомий чора кўриш учун прокуратурага хабар берган. Прокурор шундан сўнг ҳам раиснинг буйруғига итоат этмаса, (агар ишга зиён етказмаган ҳолда прокурорни бошқа прокуратура ходими билан алмаштиришни имконияти мавжуд бўлмаса), суд прокурорга чора кўриш масаласини муҳокама қилиш учун жиноят ишини кўришни бошқа кунга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарган.

Шу каби, судга айбловчи узрли сабабларсиз келмаган тақдирда, интизомий чора кўриш учун прокуратура органига хабар берилган. Демак, барча тоифадаги ишларда прокурор иштироки мажбурий бўлмасида, прокурор таклифи ёки суднинг ажримига мувофиқ, иштироки мажбурий бўлган ишларда қатнашмаган айбловчига интизомий чора кўришгача қатъий муносабат билдирилган.

Ушбу кодексга мувофиқ, суд мажлиси жиноят иши бўйича айблов ҳулосасини, прокурор қарорини ўқиш билан бошланган (279-модда). Бироқ айнан қайси процесс иштирокчиси томонидан ўқиб берилиши белгиланмаган.

Тарафлар музокараси айбловчи музокараси билан бошланган (304-модда), айбловчи айблов тўпланган далиллар билан тасдиқланмаган деган ҳулосага келса, айбловдан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлган. Бироқ бу ишни давом эттириш ва қўйилган айбнинг тўғрилиги ҳамда судланувчининг жавобгарлиги масаласини умумий асосда ҳал этиш мажбуриятдан озод қилмаган (306-модда).

Айбловчи музокарада суд терговидида текширилмаган янги далилларни келтиришга ҳақли эмас, янги далиллар аниқланганда суд терговини тиклаб, текшириш юзасидан илтимоснома киритиши мумкин бўлган (305-модда). Айбловчи музокара якунлангач, суд маслаҳатхонага киргунга қадар музокара нутқини судга ёзма равишда тақдим қилиши белгиланган.

Мазкур ЖПКнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, прокурорнинг кассация ёки хусусий тартибда протест келтириш ваколати бўлиб, прокурор ушбу жараёнда иштирок этган барча тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганда кассация тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган. Бироқ, прокурорнинг ушбу ваколатини унинг мазкур кодексдаги процессуал мақоми, яъни айбловчи ибораси билан буткул қарама-қарши ҳисобланади.

Фикримизча, ушбу қондан амалдаги Жиноят-процессуал кодексига киритиш зарур бўлиб, мазкур ваколат прокурорнинг қонунларни аниқ ва бир хилда, тўғри татбиқ қилиниши таъминлашига

қўмаклашиш функциясига мувофиқ келади. Ваҳоланки, ҳукм Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади ва унда инсон тақдири ётади, шу жиҳатдан у Ўзбекистон Республикаси қонунларига монанд бўлиши шарт.

Олий судлар (губерня судлари) ва трибуналларида (вилоят судлари) биринчи инстанцияларида иш кўрилганда, айбловчи иштироки мажбурий бўлмай, фақат жиноят ишининг мураккаблиги, ишотланганлиги ва сиёсий, жамият манфаатларидан келиб чиқиб суд жараёнларида иштирок этган. Ушбу судларда айбловчи иштирок этган тақдирда ҳимоячини иштироки таъминланиши шарт эканлиги белгиланган (381-модда).

Вилоят судида биринчи инстанцияда иш кўрилиши тарафлар музокарасининг ўзига хос жиҳати бўлиб, айбловчи суд терговиди текширилмаган далилларни ҳам музокара нутқида келтириш мумкин бўлган. Шу билан бирга прокурор томонидан кассация протести ҳукм эълон қилингандан сўнг 72 соат ичида келтирилган³⁶.

Олий судда биринчи инстанцияда алоҳида тоифадаги мазкур ЖПКда назарда тутилган ишлар кўрилиб, прокурор иштирок мажбурий ҳисобланмаган. Бироқ, Олий суднинг биринчи инстанция ҳукмлари устидан шикоят келтириш мумкин бўлмаган, фақат Бош прокурор, Олий суд прокурори, хайъат прокурори ва уларнинг ёрдамчилари ишда иштирок этган бўлсагина протест келтириш ваколатига эга бўлган³⁷.

1923 йил 23 ноябрда Олий суд прокурори ташкил этилган ва унга катта ваколатлар берилиб, СССР Олий суди устидан назорат қилиш ваколати юклатилган, жумладан СССР Олий суди Пленуми Олий суд прокурорисиз ўтказилмаган, Олий судда биринчи инстанцияда кўрилиши лозим бўлган жиноят ишларини қўзғатган, унинг терговини назорат қилган ва кўрсатмалар берган, шунингдек, суд мажлисида прокурор ваколатини таъминлаган.

Ушбу даврда Олий суд прокурорига суд идораларида қонунларни аниқ ва бир хилда ижро қилинишини (ҳукм, ажрим ва қарор қонун талаблари асосида чиқарилишини) назорат қилиш ва бошқа ваколатлар берилган.

1933 йил 20 июнь Марказий Ижройи Қўмитаси ва халқ комиссарлари Кенгашининг “СССР прокуратурасини ташкил этиш тўғриси”ги қарори билан барча прокуратура тизими ягона раҳбарий тизимга бирлаштирилди. Олий суд Прокуратураси фаолияти тугатилди.

Ушбу қарорнинг “б” бандига асосан прокуратурага барча Собик СССР Республикаларида судлар томонидан қонунларни тўғри ва бир хилда қўллаш, барча тоифадаги ишларни суд жараёнининг исталган босқичида талаб қилиб олиш, юқори турувчи судга ҳукм ва қарор устидан протест келтириш, протест келтирилган суд қарорларини иж-

росини вақтинча тўхтатиш, “в” бандига кўра, жиноят ишларини қўзғатиш ва барча суд инстанцияларда Союз ССР ҳудудида айбловни қувватлаш белгиланган³⁸.

Республика МИҚ (Марказий Ижройи Қўмитаси) раёсатининг 1926 йил 16 июндаги қарори билан Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодекси тасдиқланиб, шу йили 1 июлдан амалга киритилган. Шу вақтдан бошлаб, РСФСР, Бухоро ХСР ва Хоразм ХСР Жиноят-процессуал кодексларининг Ўзбекистон ҳудудида амал қилиши бекор қилинган. Прокурорнинг суддаги фаолияти республиканинг дастлабки Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солина бошлади. Мазкур кодекс билан судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор назоратига асос солинди³⁹.

Республика МИҚ (Марказий Ижройи Қўмитаси) раёсатининг 1929 йил 29 июндаги қарори билан янги таҳрирда қабул қилиниб, шу йили 1 августдан кучга кирган Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринда ЖПК деб юритилади) 1929 йил 7 октябрь куни II сессиясида тасдиқланган⁴⁰.

ЖПКнинг 67-моддасига мувофиқ, прокурор томонидан айблов ҳулосаси тасдиқланиб, жиноят иши билан судга юборилган, агар прокурор ёки терговчи судда айбловни қўллаб-қувватлаш зарур деб ҳисобласа, бу ҳақда судга хабар берган⁴¹. Кўринадикки, эски таҳрирдаги суднинг прокуратура томонидан айбловни қувватлаш ҳақидаги ажрими мажбурийлиги ҳақидаги норма бекор бўлган. Бу эса, прокурорнинг судда иштирок этиши унинг хоҳишига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Эски таҳрирдаги кодексдан фарқли ўлароқ, судда айбловни нафақат прокурор балки терговчи, жамоат айбловчиси қувватлаши ҳам мумкин бўлган. Бундан ташқари, агар жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича прокурор ёки терговчи иштирок этмаса, унда айбловни жабрланувчи қувватлаши мумкинлиги белгиланган.

Фикримизча, “айбловни жабрланувчи қувватлаши мумкинлиги” ҳақидаги хусусий айблов институтини амалдаги ЖПКга ҳам татбиқ қилиш керак, гарчи прокурор айбловдан воз кечган тақдирда агар жабрланувчи норози бўлса, айбловни жабрланувчи томонидан қувватлаш ҳақидаги норма киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Суд жараёни бир неча қисмдан: суд эшитуви, тайёрлов мажлиси, суд тергови, музокараси ва ҳукм чиқаришдан иборат бўлган. Суд эшитувида прокурор ёки терговчи иштироки шарт бўлмасда, бироқ суднинг тайёрлов мажлиси бўлиб ўтиш вақти ҳақида прокурор ёки терговчига хабар берилиши шарт ҳисобланган (94-модда)⁴². Ушбу мажлис қарори юзасидан шикоят берилиши тақиқланган, бироқ прокурор ёки терговчи протест келтириши мумкин бўлган.

Суд муҳокамасига айбловчи узрли сабабларсиз келмаган тақдирда суд мажлисни давом эттириши мумкинлиги хусусида тарафларнинг фикрини эшитган. Кўринадики, тарафлар эътироз билдирмаса, суд мажлиси давом этган.

Суд музокара учун сўзни дастлаб айбловчига бериши мумкинлиги, у ўз нутқида текширилмаган далилларни келтиришга ҳақли эмаслиги белгиланган. Суд мажлисида баённома юритилиши ва унда айбловчи фикри қайд этилиши шарт бўлган. Айбловчи фикрини судга ёзма тақдим этиши тўғрисида норма мавжуд бўлмаган.

Бироқ, суд тарафларни музокарасини маълум бир муддат билан чеклаб қўйишга ҳақли бўлган (124-модда).

Агар суд тергови асосида айбланувчининг айбсизлигига ишонч ҳосил қилса, айбловчи айбловдан воз кечиши шарт бўлган. Демак, бу мажбурият сифатида белгиланган бўлсада, унинг амалга ошириш механизми мавжуд бўлмаган (125-модда).

Прокурор кассация тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган ва шу билан бирга вилоят прокурори барча округ судларида исталган жиноят ишни талаб қилиб олиши ва суд қарорлари ижросини тўхтатиб қўйиш ваколатига эга бўлган. Бироқ, вилоят прокурори ёрдамчиси факатгина шу ҳудудда жойлашган халқ суди жиноят ишларини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлган. Назорат тартибида жиноят ишини талаб қилиб олишга муддат белгиланмаган (160-модда).

Вилоят прокурори суд қарорларига кассация протести келтирган тақдирда, жиноят ишини тўғридан-тўғри судга ёки Олий суд Пленумига Бош прокурор орқали юборишга ҳақли бўлган. Бироқ, вилоят прокурори ёрдамчисининг келтирган протести вилоят суди орқали юборилган.

Бош прокурор Республикадаги исталган суддан жиноят ишини талаб қилиб олиш ва ҳукмнинг ижросини тўхтатиш, мазкур суд қарорларига протест келтирган тақдирда уни тўғридан тўғри Олий судга юбориш ваколатига эга бўлган. Бу тоифадаги ишлар ёпиқ тарзда тарафлар иштирокисиз кўрилган (160-163-моддалар)⁴³.

Ушбу кодексда биринчи инстанцияда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари юзасидан алоҳида норма белгиланмаган. Прокурорнинг судлар устидан назорати алоҳида қайд этилган.

Фикримизча, 1929 йилда қабул қилинган ЖПК унга қадар амалда бўлган 1923 йил ва 1926 йилдаги ЖПК билан маълум жиҳатларидагина фарқ қилиб, аксарият ваколатлар ўхшаш бўлган. Ушбу даврдаги ЖПКда назарда тутилган нормалардан хулоса қилиш мумкинки, прокурорнинг суд тайёрлов қисмида ва оғир тоифадаги ишларда иштирок этиб, суд жараёнидаги иштироки деярли таъминланмаган.

Хусусан, суднинг тайёрлов қисмида прокурор

иштироки 1946 йилда 95,8%, 1947 йилда 97,7%, 1948 йилда 96,3% ни, судда оғир тоифадаги ишларни кўрилишида прокурор иштироки 1946 йилда 76,6%, 1947 йилда 81,1%, 1948 йилда 80,8% ни, прокурор протестига асосан бекор бўлган ҳукмлар эса 1946 йилда 31,1%, 1947 йилда 42,6%, 1948 йилда 44,9%ни ташкил қилган. Ушбу даврда прокурор биринчи инстанция судлари жиноят ишларини кўрилишида жами 13.647 та ишда айбловни қувватлаб, 13.454 та иш юзасидан судга хулоса берган⁴⁴.

1929 йилги ЖПКда жиноят процессининг кўплаб муҳим масалалари ҳал қилинмаган. Шу сабабли тергов ва суд органлари бир қатор процессуал масалаларни Россия ЖПК нормаларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилишга мажбур бўлишган, пайдо бўлган муаммолар Иттифок Олий суди ва Бош прокурорнинг бир талай йўналтирувчи хатлари ва тушунтиришлари билан ҳал қилинарди. Бироқ, бу ҳам у ёки бу масалани қонунчилик орқали тартибга солиш заруратини бартараф эта олмаган⁴⁵.

Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, янги муносабатларни вужудга келиши, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг ошиши ҳамда бошқа бир қатор сабаблар қабул қилинган қонунларни ва қонун ости ҳужжатларини тақомиллаштиришни тақозо қилган.

Шу сабабли, кейинчалик прокурор ваколатларини тақомиллаштириш юзасидан бир қатор Низом ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Жумладан, СССРда “Прокурор назорати тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринда Низом деб юритилади) СССР Олий Совети Президиумининг 1955 йил 24 майдаги фармони билан “Прокурор назорати тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

Шу билан бирга, СССР Олий Советининг 1958 йил 25 декабрдаги Қонуни билан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят-судлов ишларини юргизиш Асослари (кейинги ўринда Асослар деб юритилади) тасдиқланган ва жиний ишларни судда кўриш тартиби ушбу Асослар билан ҳамда ССР Иттифоқининг шу Асосларга мувофиқ равишда чиқариладиган бошқа қонунлари ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят-процессуал кодекслари билан белгиланган⁴⁶.

Юқорида келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қонуни билан “Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси” 1959 йил 21 майда тасдиқланиб, 1960 йил 1 январдан кучга кириши кўрсатилган⁴⁷.

Янги таҳрирдаги ЖПКда эски таҳрирдаги кодексларда назарда тутилган айрим қоидалар белгиланиши билан бирга, улар тақомиллаштирилган ва кўплаб масалаларни қамраб олган.

Низом ва Асослар янги таҳрирдаги ЖПКнинг

қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилган. Хусусан, Низомнинг 4-боби ва Асосларни 20-моддасида қатъий белгилаб қўйилган прокурорнинг суд устидан назорати ЖПКнинг 17-моддада ўзининг ифодасини топган. Худди шу каби ЖПКнинг бошқа нормаларида қайд этилган ҳужжатларда белгиланган умумий қоидаларни амалга ошириш механизми кўрсатилган.

ЖПКнинг 35-моддасида, судда айбловчи сифатида иштирок этадиган субъектлар доираси қисқариб, давлат айблови прокурор, жамоат айбловини жамоат айбловчиси, жабрланувчининг мужоаатига асосан қўзғатилган ишлар бўйича ёки ишда прокурор иштирок этмаётган бўлса айбловни жабрланувчи қувватлаши белгиланган.

Кўринадики, дастлабки 1923, 1926 ва 1929 йиллардаги кодексларда биринчи инстанция судида иштирок этаётган прокурорга “айбловчи”, 1960 йилдаги кодексда эса “давлат айбловчиси” процессуал мақоми берилган. Бу мақомнинг берилиши прокурорнинг суд устидан назорат қилиш функцияси билан боғлиқ бўлиб, бироқ бугунги кунга қадар ушбу процессуал мақом Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ўзининг ифодасини топиб келмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда назарда тутилган биринчи инстанция судида прокурор ваколатини таъминлаш билан боғлиқ нормалардаги прокурорнинг процессуал мақомини бугунги кундаги функция ва вазифалардан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш ҳамда ягона “Прокурор” ибораси қўлланилиши лозим. Чунки, прокурор фақат айбловчи ёки давлат айбловчиси эмас, у қонун ҳимоячиси, халқ прокурори бўлиб бу асосида қонунда назарда тутилган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини таъминлайди.

Бош прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 11.05.2020 йилда бўлиб ўтган тўртинчи ялпи мажлисида берган ҳисоботида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўрсатмалари асосида прокуратура органларини коррупциядан ҳоли, чинакам халқ прокуратурасига айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусидаги ҳисоботида, прокурорларнинг судлардаги иштироки, бекор қилинган суд қарорларида прокурор протестининг салмоғи, шу жумладан, прокурор ташаббуси билан 115 нафар шахсларга оқлов ҳукми чиқарилганлиги таъкидлаган⁴⁸.

Бу эса, бугунги кундаги прокуратуранинг асосий вазифаси қонун устуворилигини таъминлаш йўлида халқ прокуратурасини шакллантиришдир.

Шу билан бирга, айбловчи ва процесснинг бошқа иштирокчилари суд муҳокамасида далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш ва илтимоснома киритиш масалаларида тенг

ҳуқуқли эканлиги мустаҳкамланган (ЖПК 224-модда).

Биринчи инстанция судида иш юритиш деб номланган бўлимнинг суд муҳокамасининг умумий шартларида прокурор иштирокига бағишланган янги алоҳида модда белгиланиб, унинг ваколатлари ва уларни амалга ошириш механизми қайд этилган (ЖПК 227-модда).

Унга кўра, прокурор суд олдида давлат томонидан айбловни қувватлайди, далилларни текширишда иштирок этади, суд муҳокамаси вақтида келиб чиққан масалалар бўйича ўз фикрини айтилади, судланувчига нисбатан жиноят қонунини ва жазо чорасини қўллаш юзасидан ўз фикрини билдиради.

Прокурор айбловни қувватлаётганда, қонун талабларига ва ишдаги текширилган барча ҳолатларга асосланган ўз ички ишончига амал қилади.

Агар прокурор суд терговининг материаллари асосида судланувчига қўйилган айбни ўзгартириш зарур деган хулосага келса, бу ҳақда у судга асослантирилган баёнот бериши керак.

Агар прокурор суд муҳокамаси натижасида суд тергови материаллари судланувчига қўйилган айбни тасдиқламайди деган хулосага келса, у айбловдан воз кечишга ва унинг сабабларини судга баён қилишга мажбурдир.

Прокурорнинг айбловдан воз кечиши ишни кўришни давом эттириш ва судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги ҳақидаги масалани умумий асосларда ҳал этиш вазифасидан суд озод қилинмаган⁴⁹.

Прокурор суд мажлисига келмаса, уни алмаштириш имконияти бўлмаса, иш кўриш кейинга қолдирилган. Ишга янги киришган прокурорга ёки химоячига иш юзасидан суд муҳокамасида иштирок этишга тайёргарлик кўриш учун зарур бўлган вақт берилиши лозим бўлган. Узрсиз сабаблар билан судга келмаганлиги тўғрисида суд тегишли юқори турувчи прокурорга хабар берган (248-модда)⁵⁰.

Фикримизча, тарихда прокурорнинг суд жараёнида алмаштиришга йўл қўйилиши ҳақидаги норма белгиланган. Бироқ, бугунги кундаги ЖПКда прокурорни алмаштиришга йўл қўйилиши, бунда суд муҳокамасида олдинги прокурор иштироки ўтказилган ҳаракатлар такрор ўтказилиши ёки ўтказилмаслиги масалалари қонунчиликда тартибга солинмаган.

Шунга кўра, ЖПКнинг 412-моддаси 2-қисмини “Агар суд муҳокамаси давомида прокурорнинг иштирок этишини истисно қилувчи ҳолатлар ёки бошқа сабаблар аниқланганида у алмаштирилиши мумкин”лиги ҳақидаги жумла билан тўлдириш тақлиф этилади.

Шунингдек, ушбу модданинг 4-қисмига “суд ишга янги киришган прокурорнинг илтимосномасига асосан гувоҳ, жабрланувчи ва экспертларни

сўроқ қилиши ёки бошқа ҳаракатларни такрор амалга ошириши мумкин”лиги ҳақидаги нормани киритиш таклиф этилади.

Суд мажлисида прокурор иш бўйича вужудга келган барча масалалар юзасидан илтимоснома қўзғатишга ҳақли бўлиб, илтимоснома рад этилиши ва кейинчалик яна шундай илтимоснома билан чиқиш ҳуқуқи чекланмаган (258-модда).

Далилларни текшириш тартиби юзасидан фикр дастлаб прокурордан, кейин бошқа процесс иштирокчиларидан сўралган (260-модда).

Суд терговиди судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар ва экспертларни суддан кейин прокурор сўроқ қилган (261,263,267, 270-моддалар).

Шунингдек, мазкур 1959 йилдаги кодексда “прокурор хулосаси” ибораси ишлатилган бўлиб, суд жараёнида экспертга ёзма тарзда берилган саволлар ўқиб эшиттирилиб, у юзасидан процесс иштирокчиларининг фикри ва прокурорнинг хулосаси эшитилиши лозим бўлган (269-модда).

Суд музокараси айбловчининг нутқи билан бошланган, суд уни чеклаб қўйишга, айбловчи суд терговиди текширилмаган далилларни келтиришга ҳақли бўлмаган (276-модда). Музокара нутқи суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилган.

Прокурорда қонунсиз ёки асоссиз чиқарилган ҳар бир ҳукм устидан кассация тартибида про-

тест бериш мажбурияти (302-модда) бўлиб, суд ажримлари устидан хусусий протест келтириш ҳуқуқи белгиланган (331-модда).

Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, 1959 йилги ЖПК давлат айбловчиларининг суддаги фаолиятини батафсил тартибга солди. Улар назорат функциясини бажаришар ва анча кенгрок ҳуқуқларга эга эдилар. Ушбу кодексда суд ва прокуратура ўртасида мувозанат тенденцияси кўзга ташланади. Прокурор ходимлари катта ваколатга эга бўлиб, суд буни ҳисобга олишга мажбур эди⁵¹.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда юқорида келтирилган манбалардаги асосларга кўра, ҳақиқатдан ҳам 1959 йилдаги ЖПК унга қадар қабул қилинган бошқа кодексларга нисбатан такомиллаштирилган бўлиб, унда биринчи инстанция судида прокурор иштироки билан боғлиқ алоҳида моддалар қайд қилинганлиги ва суд устидан прокурор назорати белгиланганлиги билан характерланади.

Биргина 1961 йилда судда кўрилган 17020 та жиноят ишидан фақатгина 7654 таси ёки 44,9%да давлат айблови қувватланган. Прокурор кўпроқ уларнинг иштирокисиз кўрилган жиноят ишлари бўйича ноқонуний суд қарорларини аниқлашга ҳаракат қилган. Шу сабабли 1961 йилда суд қарорларига протест келтириш ҳолати кўтарил-



¹ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Тошкент: “Адолат” 2001. 220 б.

² Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Тошкент: “Адолат” 2001. 238-239 б.

³ Прокурор назорати. Дарслик (Умумий қисм): О.М.Мадалиев (Иноғомжонов З.Ф.нинг умумий таҳрири остида.). Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 73 Б.

⁴ Грудинин Н.С. История становления и развития института прокуратуры Российской Федерации // Законность. 2016. № 8. С. 48.

⁵ Дин Готтер. Омбудсман ҳамда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, №1. 1999. 27-28 б

⁶ Лисон ал-Араб, 3-китоб, Байрут-1997. 164-6.

⁷ www. Islam uz.@ Islamik. Wolrd.Net. В.Зухайлий. Ал-фиад ал-ислабий ва адиллатуҳу, 8/ 6263

⁸ Ибн Халдун, Ал-Муқаддима -201-6

⁹ М.Махбубов Ўзбекистонда прокуратура органларининг тузилиши ва ривожланиши. Т.: 1991 й. 224 б.

¹⁰ М.Махбубов Ўзбекистонда прокуратура органларининг тузилиши ва ривожланиши. Т.: 1991 й. 224 б.

¹¹ Давлетов А.Д. Прокурорский надзор. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. Нукус., Билим, 1999. С.14

¹² М.Махбубов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Т. 1993 г. Ст. 16.

¹³ Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма Т., 2004 й., 8 б.

¹⁴ Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом. 1886 й. 17 Б. Т 2.

¹⁵ М.Махбубов. Адолат йўлида 70 йил. Т.: “Ўзбекистон”. 1992 й. 23 б.

¹⁶ М.Махбубов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Т. 1993 г. Ст. 19.

¹⁷ Положения об управлении Туркестанского края том 2, 1892 йил. Санктпетербург

¹⁸ Горшенин К.П. Советская прокуратура. М.: МЮ СССР., 1947. С. 16.

¹⁹ Отчет по ревизии Туркестанского края сенатором графом К.К.Паленом. СПб. Сенатская типография, 1909. С.95.

²⁰ Наша газета. 1917, 12 декабрь

ган. Бирок, 1964 йилдан биринчи инстанция судида жиноят ишларини ва муҳим тоифадаги ишларни кўрилишида прокурор иштироки салмоғи ошиб борган⁵².

Шу билан бирга, қонун устуворлигини таъминлашда прокуратуранинг роли 1978 йилда Ўзбекистон ССР Конституциясини қабул қилиниши билан такомиллаштирилиб, унда алоҳида бобда қайд этилган. Шу Конституция асосида 1979 йил 30 ноябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг СССР прокуратура тўғрисидаги Қонуни қабул қилинган. Мазкур Қонунда прокурорнинг судларда жиноят ишларини кўрилишини ва суд қарорларининг қонунга мувофиқлигини назорат қилиш функцияси мустақамлаб қўйилган⁵³.

Шу билан бирга, судда давлат айбловчисининг ролини кучайтиришга қаратилган Ўзбекистон прокуратураси чора-тадбирлар дастури 3 ноябрь 1988 йилда республика мажлисида муҳокама қилиниб, унда давлат айбловчини қувватлашдаги ижобий тажрибани ўрганиш ва тарқатиш, прокурорнинг энг яхши нутқини нашр қилиш топширилган⁵⁴.

Собиқ иттифоқдош республикаларнинг жиноят судлов ишларини юритиш асослари ва янги ЖПКлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши

сабаби, амалдаги жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги давлат тараққиётининг турли даврларида қабул қилинган бир қатор ҳужжатлардан иборат бўлиб, уларда ана шу даврларнинг ижтимоий-сиёсий тизими ўз меросини қолдирган эди⁵⁵.

Дарҳақиқат ҳар бир давлатда қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлар бу унинг ўша даврдаги сиёсий муҳитини кўрсатади.

Мустақилликка қадар биринчи инстанция судларида жиноят ишларини кўрилишида прокурор жиноят процессининг субъекти сифатида вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланиш тарихини даврийлаштириш бир неча босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич 1722–1917 йиллар Россия прокуратурасининг таъсис этилиши ва Марказий Осиёни босиб олгандан сўнг Туркистонга кўчирилиши, муайян вақт ўтиб прокуратура органлари тугатилгунга қадар бўлган давр бўлиб, ушбу даврда жиноят судида прокурор иштироки таъминлана бошлаган бўлсада, прокурор давлат сиёсатини амалга оширувчи жазоловчи субъект сифатида намоён бўлган;

Иккинчи босқич 1922-1925 йиллар “Прокурор назорати тўғрисида”ги янги низомни ва Туркистон АССР ҳудудида РСФСР (Россия Совет Федератив



²¹ М.Маҳбубов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Т. 1993 г. С. 62.

²² М.Маҳбубов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Т. 1993 г. С. 66.

²³ Адвокатлар коллегияси ўзини оқламаганлиги сабабли Туркистон республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси 06.05.1919 йилдаги қарори билан фаолияти тугатилган.// ЦГА Республики Узбекистан. Ф.17. Оп. I. Д.206.

²⁴ СУ РСФСР, 1920, №83. С.407.

²⁵ СУ РСФСР., 1920, №83. Ст. 407.

²⁶ М.Маҳбубов. Адолат йўлида 70 йил. Т.: “Ўзбекистон”. 1992 й. 26-28 б

²⁷ Советская прокуратура. Москва. Юридическая литература. 1982 г. С. 24.

²⁸ Советская прокуратура. Москва. Юридическая литература. 1982 г. С. 24.

²⁹ Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма Т., 2004 й., 10-11 б.

³⁰ М.Маҳбубов. Адолат йўлида 70 йил. Т.: “Ўзбекистон”. 1992 й. 28 б

³¹ М.Маҳбубов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Т. 1993 г. С. 66.

³² Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Дарслик. Т., 2009 й., 386 б.

³³ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Ф.Р. -39. Оп. 7,17-б.

³⁴ <https://ru.wikisource.org/wiki>

³⁵ Б.Х.Пўлатов. Ўша ўқув қўлланма Т., 2004 й., 10-18 б.

³⁶ <https://ru.wikisource.org/wiki>

³⁷ <https://ru.wikisource.org/wiki>

³⁸ Советская прокуратура. Москва. Юридическая литература. 1982 г. С. 24.

³⁹ Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Дарслик Т., 2009 й., 386 б.

⁴⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики в редакции на 1-е января 1930 года. Самарканд. Издание Управления Делами Совета Народных Комиссаров УзССР

⁴¹ Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики в редакции на 1-е января 1930 года. Самарканд. Издание Управления Делами Совета Народных Комиссаров УзССР. С. 19.

Социалистик Республика) ЖПКни жорий этилиши билан характерланади, ушбу ҳужжатларда прокуратура ваколатларида судда айбловни қувватлаш вазифаси юклатилган ва такомиллаштирилган, судда иштирок этаётган прокурор суднинг тайёрлов мажлисида иштирок этиш, судда айбловни қўллаб-қувватлаш, суд ҳукми ва қарорларига эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлганлар ҳамда прокурорни рад этиш, барча тоифадаги ишларда прокурор иштироки мажбурий бўлмасада, прокурор таклифи ёки суднинг ажримига мувофиқ, иштироки мажбурий бўлган ишларда қатнашмаган айбловчига интизомий чора кўришгача қатъий муносабат билдириш талаблари белгиланганлиги билан характерланади.

Учинчи босқич 1926–1958 йиллар мазкур босқичда янги таҳрирдаги Ўзбекистон ЖПКлари қабул қилинган бўлиб, уларда прокурор жиноят ишда иштироки зарур деб ҳисобласагина иштирок этган, у суд жараёнидаги иштироки деярли таъминланмаган, жабрланувчининг шикоят асосида кўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича прокурор ёки терговчи иштирок этмаса, унда айбловни жабрланувчи қувватлаши мумкин бўлган (хусусий айблов), прокурор протест келтириш ва исталган жиноят ишини талаб қилиб олиш, ижро-

сини тўхтатиш ваколатига эга бўлганлиги билан характерланади. Ушбу даврда суд устидан прокурор назорати вужудга келган давр ҳисобланади.

Тўртинчи босқич 1959–1991 йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврда СССРда “Прокурор назорати тўғрисида”ги Низом, СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят-судлов ишларини юргизиш Асослари ҳамда янги таҳрирдаги ЖПК қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатларда биринчи инстанция судида жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштироки, унинг ваколатлари ва суд фаолияти устидан прокурор назорати ҳақидаги алоҳида нормалар белгиланди. Бу эса, прокурор ваколатини янада кучайганлигини кўрсатди. Судга юборилган ҳар бир иш прокурор диққат-эътиборида бўлиши учун судларда қонунийликка амал қилиниши устидан тўлақонли назорат қилувчи органга айлантирилди⁵⁶.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир даврда олиб борилган давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотлари унинг Қонунларида намоён бўлади. Шу сабабли, бир соҳанинг келиб чиқиш асосларини, олиб борилган ўзгаришларни, тарихини билмай туриб, унинг фаолиятини такомиллаштириб бўлмайди.



⁴² Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики в редакции на 1-е января 1930 года. Самарканд. Издание Управления Делами Совета Народных Комиссаров УзССР. С.25.

⁴³ Уголовно-ахпроцессуальный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики в редакции на 1-е января 1930 года. Самарканд. Издание Управления Делами Совета Народных Комиссаров УзССР. С.36-37.

⁴⁴ М.Махбузов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Т. 1993 г. С. 179-180.

⁴⁵ Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. Т., 1974., С.83.

⁴⁶ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. Тошкент. 1959 й. 140 Б.

⁴⁷ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. Тошкент. 1959 й.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Халқ прокуратурасини шакллантириш йўлида” номли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 11.05.2020 йилда бўлиб ўтган тўртинчи ялпи мажлисида прокуратура органларининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи. Ниқуқ газетаси. 14.05.2020 й №19-сон. 1-2 Б.

⁴⁹ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. Тошкент. 1959 й.

⁵⁰ Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма Т., 2004 й., 10-30-31 б.

⁵¹ Б.Х.Пўлатов. Ўша ўқув қўлланма. Т., 2004 й., 10-34 б.

⁵² М.Махбузов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Т. 1993 г. Ст. 202-203.

⁵³ М.Махбузов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Т. 1993 г. Ст. 211-216.

⁵⁴ М.Махбузов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Т. 1993 г. Ст. 211-216

⁵⁵ Галкин Б.А. Уголовно-процессуальный закон. М. 1962., С. 145-146.

⁵⁶ Прокурорский надзор. М., 1969. С.269.

Турдиев Бобир Собирович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси катта ўқитувчиси

«ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ»НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ

- ✦ Мақолада «яширин иқтисодиёт», унинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллар таҳлил қилинган ҳамда «яширин иқтисодиёт»га қарши самарали курашиш йўллари баён қилинган.
- ✦ В статье проанализированы основные факторы, влияющие на формирование и развитие «теневой экономики» и описываются пути эффективной борьбы с «теневой экономикой».
- ✦ The article analyzes main factors influencing the formation and development of the «shadow economy» and describes ways to effectively combat the «shadow economy».

Таянч сўзлар: «яширин иқтисодиёт», нақд пуллик тўловлар, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари, жавобгарлик, олдини олиш чоралари.

Ключевые слова: «теневая экономика», наличные выплаты, меры наказания и другие правовые меры, ответственность, меры пресечения.

Keywords: «shadow economy», cash payments, penalties and other legal measures, liability, preventive measures.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ташаббуслари ва бево-сита раҳнамолигида иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони билан тасдиқланган 2021–2027 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида «яширин иқтисодиёт»нинг улушини қисқартириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ва ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар билан танишиш «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш ва унга қарши самарали курашишда ижобий самара беради.

Авваламбор, шуни қайд этиб ўтиш лозимки «яширин иқтисодиёт»нинг халқаро эътироф этилган ягона тарифи ҳамда унинг кўламини аниқлашнинг аниқ усуллари мавжуд эмас¹. «Яширин иқтисодиёт» атамаси адабиётларда «норасмий иқтисодиёт», «хуфиёна иқтисодиёт», «соядаги иқтисодиёт» ва бошқа турли атамалар билан ҳам юритилади.

Яширин иқтисодий фаолият асосан латент,

яъни яширин хусусиятга эга бўлиб, уни амалга ошириш усуллари доимий ўзгарувчанлик, мураккаблашиб бориш, турли схемалар орқали содир этилиши каби хусусиятларга эга. Бу эса уларни аниқлаш ва фош этиш мураккаб эканлигини англатади.

Бу борада олиб борилган тадқиқотларга кўра коррупция ва хуфиёна иқтисодиёт иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи асосий кучлар бўлиб, коррупция ва хуфиёна иқтисодиёт ўртасида чамбарчас алоқа мавжуд, улар маъмурий тўсиқлардан иборат умумий илдизларга эга².

Мамлакатда «хуфиёна иқтисодиёт» даражасининг юқорилиги порахўрлик даражасининг ҳам юқори даражада бўлишига замин яратади³. Паст даромадли давлатларда «хуфиёна иқтисодиёт» кўлами ошиши билан коррупция даражаси ҳам ошиши аниқланган⁴.

Шунингдек, «яширин иқтисодиёт» ва инфляция бир-бири билан мусбат боғлиқ, солиқ юки билан эса манфий боғлиқлик мавжуд⁵. «Яширин иқтисодиёт» билан норасмий бандлик таҳлили ривожланаётган давлатларда норасмий банд фуқаролар сони расмий меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар сонидан катта эканлигини кўрсатади⁶.

Норасмий иқтисодий фаолият кўлами кенгайиши билан ўз домига ҳалол фаолият кўрсатаётган иқтисодий субъектларни ҳам тортиши⁷ шахсининг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланади⁸.

Айрим тадқиқотчилар яширин иқтисодий фаолиятнинг баъзи жиҳатлари (бозор иқтисодиётига ўтишга кўмаклашиши, яширин иқтисодиётда олинган даромадларнинг камида учдан икки қисми расмий иқтисодиётда сарфланиши ва бошқ.) билвосита бошқа секторларга ижобий таъсир қилишини эътироф этишади⁹.

Шу каби, “хуфиёна иқтисодиёт” ўтиш давлатлари учун табиий ҳолат бўлиб, уларда расмий сектор фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиши, бироқ узоқ муддат давомида яширин иқтисодиётнинг мавжуд бўлиши мамлакат тараққиётига салбий таъсир қилиши таъкидланиб, ўтиш мамлакатлари учун яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича тегишли чора-тадбирлар таклиф этилган¹⁰.

Экспертлар ҳисоб-китобига кўра, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотда яширин иқтисодиётнинг улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этади¹¹. Бу кўрсаткичлар 2017 йил ҳолатида жаҳон миқёсида 22.5 фоизни, Озарбайжонда 66.12 фоиз, Украинада 46.12 фоиз, Россияда 39.29 фоиз, Туркияда 24.95 фоиз, Ҳиндистонда 16.55 фоиз, Хитойда 10.17 фоиз, АҚШда 7.69 фоизни ташкил этади. Айни пайтда, жаҳон миқёсида мазкур кўрсаткичлар 2025 йилга бориб пасайиб 21 фоизни ташкил этиши башорат қилинган.¹²

“Норасмий иқтисодиёт” шаклланиши ва ривожланишига мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа бир қатор омиллар таъсир қилади.

Булардан иқтисодий омилларга ҳисоб-китобларнинг нақд пулда амалга оширилиши, солиқ ставкаларининг юқорилиги, иқтисодий инқироз, тадбиркорлик субъектлари ўртасида носоглом рақобат мисол бўлади.

Мамлакатдаги ишсизлик даражасининг юқорилиги, аҳоли даромадларининг пастлиги ижтимоий омиллар қаторига киради.

Ҳуқуқий омиллар сифатида мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда турли маъмурий бюрократик тўсиқлар мавжудлиги ёхуд қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар норасмий сектор ривожланишига имконият яратади.

Давлат бошқаруви органлари фаолияти ва назорат функцияларининг ташкил этилиши, маъмурий тартиб-таомиллар ва коррупция ҳолатлари “яширин иқтисодиёт” шаклланишига билвосита таъсир кўрсатади.

Бу соҳада етакчи тадқиқотчи олимлар томонидан “яширин иқтисодиёт”га таъсир қилувчи 10 та энг асосий омил сифатида солиқ юки, самарали бошқарув ва коррупция, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат хизматлари, солиқ тўловчиларнинг хулқи, превентив чоралар, расмий иқтисодиёт ривожланиш даражаси, яқка бандлик, ишсизлик ва иқтисодиётда аграр секторнинг улуши каби омиллар санаб ўтилган¹³.

Умуман олганда, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш, уни расмий секторга ўтказиш ва унга қарши самарали курашишнинг бир неча йўллари мавжуд.

Мамлакат иқтисодий тараққиёти “хуфиёна иқтисодиёт”нинг қисқаришига олиб келса,¹⁴ электрон тўловлар устунлик қилувчи мамлакатларда “хуфиёна иқтисодиёт” улуши кичик бўлади,¹⁵ айни пайтда рақамли иқтисод “хуфиёна иқтисод” муаммосини ҳал қилиши мумкин¹⁶. Бошқа бир тадқиқотда коррупцияга қарши курашиш “яширин иқтисодиёт”га қарши курашишнинг энг самарали усули сифатида қайд этилган.¹⁷

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкilotи томонидан яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш учун 3 та асосий йўналишлар солиқ тўловчиларни ўқитиш ва қонунга итоаткорликни соддалаштириш, яширин фаолият билан шуғулланиш имкониятларини камайтириш ва фoш этиш имкониятларини ошириш, ижтимоий нормаларни мустаҳкамлаш тавсия этилган.¹⁸

Шуни инобатга олиб, мазкур мақола доирасида “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ва бар-тараф этишнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб ўтилади.

Биринчи йўналиш, нақд пуллик тўловлар билан боғлиқ бўлиб, бу энг катта хавфлардан бири ҳисобланади. Марказий банк маълумотига кўра, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра миллий валютадаги пул массаси 62.785,8 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 24.246,0 млрд. сўми ёки 38.62 фоизи муомаладаги нақд пуллар (бунда Марказий банк ҳамда тижорат банклари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди) ҳисобланади¹⁹. Мамлакатимизда нақд пул айланмаси миқдорининг катталиги эса хуфиёна иқтисодий фаолият янада ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Айниқса катта деноминациядаги купюралар, шу жумладан хорижий валютадаги купюралар жинoий даромадларни легаллаштириш ёки активларни мамлакатдан ноқонуний олиб чиқиш учун қулай восита сифатида фойдаланилиши мумкин. Замонавий технологияларнинг кириб келиши, янги криптовалюталар, блокчейн технологиялари ва sharing economy платформалари орқали амалга ошириладиган янги ва номарказлашган товар ва хизматларни айирбошлаш эса бундай хавфни янада оширади.

Бу каби хавфларни камайтириш учун Россия Федерациясида 2017 йилдан нақд пуллик тўловларни мажбурий онлайн рўйхатга олиш жорий этилган бўлиб, нақд пул шаклида тўловни амалга оширган шахс берилган QR-кодди тўлов чеки орқали амалга оширилган транзакциянинг қонунийлигини текшириш имкониятига эга. Данияда эса 2013 йилдан қиймати 10.000 Дания кронаси (1.445 АҚШ доллари)дан ошган барча тўлов-

лар электрон амалга оширилиши, компаниялар эса 50.000 Дания кронасидан (7.228 АҚШ доллари) ортиқ бўлган нақд пулни қабул қилмаслиги ёки бундай маблағни нақд тўламаслиги талаб этилади.²⁰

Францияда 2015 йилда фуқаролар ва тадбиркорлар ўртасида, шунингдек тадбиркорларнинг бир-бири билан нақд пул шаклидаги 1000 ЕВРОдан ошадиган тўловларга чеклов жорий этилган. Австрияда эса қурилиш соҳасида 500 ЕВРОдан ошган нақд пуллик харажатлар (шу жумладан иш-ҳақи) солиқ мақсадлари учун чегириб ташланмайди. Шунингдек, қурилиш соҳасида ойлик маошларни нақд пул шаклида тўланиши (узрли сабаблар бундан мустасно) тақиқланган. Кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида Швецияда 2015 йилда барча тўлов транзакциялари умумий қийматининг атиги 2 фоизи нақд пул шаклида амалга оширилганини²¹ ижобий ҳолат сифатида қайд этиб ўтиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда нақд пуллик тўловларни қисқартириш ва электрон ёки масофавий тўловларни амалга оширишни кенгайтириш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи йўналиш, айрим иқтисодий қилмишлар учун миллий қонунчилигимизда бевосита, яъни тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик назарда тутилмаганлиги ва у билан боғлиқ хавфлар мавжуд.

Жорий йилдан амалга киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ ортиқча тўланган ва ортиқча ундирилган солиқларни ҳисобга олиш ҳамда қайтариш, шунингдек ортиқча ундирилган солиқ суммасига фоизлар тўлаш механизмлари жорий этилмоқда. Бу эса айрим шахслар томонидан мазкур механизмни суистеъмол қилиш орқали *солиққа оид фирибгарликлар* содир этилишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли, аксар хорижий давлатларда (Словения, Франция, Германия) ғайриқонуний равишда солиқлар ортиқча тўланганлиги ёки ундирилганлиги тўғрисида муурожаат қилиб, уларни қайтариб олиш билан боғлиқ фирибгарликлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, АҚШ, Германия, Канада, Сингапур, Япония, Филиппин, Тайланд ва бошқа кўплаб давлатларда барча ғайриқонуний қилмишлар (пора олиш, фирибгарлик, молиявий пирамида ва ҳ.к.) натижасидан олинган *ноқонуний даромадлар* мусодара қилиниши билан бирга уларга қўшимча равишда солиқ ҳисобланиб, солиқ тўловлари белгиланган муддатда амалга оширилмаганлиги ёки солиқ тўлашдан бўйин товланганлиги учун шахслар тегишлича маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Мазкур амалиётни Ўзбекистонда ҳам жорий

этиш юзасидан ҳуқуқий жиҳатдан чеклов мавжуд эмас. Хусусан, Солиқ кодексининг 13-бўлимида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи базасини аниқлашда солиқ тўловчининг ҳам пул шаклида, ҳам натура шаклида олган даромадлари ёки даромадларни тасарруф этиш учун юзага келган ҳуқуқлари, шунингдек моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобга олинади ҳамда жисмоний шахснинг даромадларига тегишли солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади. Бунда жисмоний шахснинг даромадларига солиқ агентидан солиқ солинмаган бўлса, декларация асосида солиқ солиниши белгиланган.

Шунга асосан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ғайриқонуний қилмишлар (пора олиш, фирибгарлик, молиявий пирамида ва ҳ.к.) натижасида олинган ноқонуний даромадларни мусодара қилиш билан чекланмасдан уларга қўшимча равишда солиқ ҳисобланиб, солиқ тўловларини ундириш ёки солиқларни тўлашдан бўйин товланганлиги учун жавобгарликка тортиш лозим.

Хорижий давлатларда рўйхатдан ўтмасдан ноқонуний равишда молиявий операцияларни (пул ўтказмалари, қарз, кредит, лизинг ва ҳ.к.) амалга ошириш учун жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Туркияда фойда олиш мақсадида ноқонуний равишда қарз берганлик учун жиноий жавобгарлик мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фойда олиш мақсадида ноқонуний равишда молиявий хизматларни (қарз, кредит, лизинг, пул ўтказмалари) тақдим этганлик учун жавобгарликни белгилаш тақлиф қилинади.

Ҳозирги пайтда хавфни бошқариш тизими ёрдамида инсофли тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароит, имтиёз ва афзалликлар бериш, улар билан боғлиқ операциялар ва тартиб-таомилларни соддалаштириш амалга оширилади шароитда айрим жиноятчилар ғаразли мақсадларда инсофли тадбиркорларнинг номи, идентификацияси рақамларидан фойдаланиб иш юритиши ва турли операцияларни амалга ошириши мумкин. Бу уларнинг ноқонуний фаолиятини яширишга имкон бериш билан бирга *бошқа шахснинг шахсий маълумотларини ўғирлаш* (фойдаланиш) ёки *"Identity theft"* жиноятининг таркибини ташкил этади.

Глобал миқёсда яширин иқтисодий фаолият юритиш хавфи юқори бўлган *ташқи иқтисодий фаолият* билан боғлиқ айрим қилмишлар, хусусан ноқонуний импорт қилинганлиги шахсга аён бўлган ҳолда мазкур товарларни яшириш, ўтказиш, реализация қилиш учун Финляндияда жиноий жавобгарлик белгиланган. Бирок, мамлакатимизда бу каби ҳуқуқбузарлик учун тўғридан-тўғри жавобгарлик мавжуд эмас.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида келтириб ўтилган айрим қилмишлар учун жиноий жавобгарликни киритиш нафақат замон талаби,

балки Ўзбекистон иштирокчиси бўлган халқаро шартномалар доирасида давлат ўз зиммасига олган мажбуриятлардан ҳисобланади.

Хусусан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1617-сонли резолюциясига мувофиқ (2005) ФАТФ тавсиялари БМТга аъзо давлатлар учун ижро этилиши мажбурий бўлган халқаро стандартлардан ҳисобланади. ФАТФ ташкилотининг стандартларига кўра (3-тавсия) жиноий даромадларни легаллаштириш жинояти тушунчаси билан барча жиддий жиноятларни, шу жумладан кенг доирадаги предикат жиноятларни қамраб олиш лозимлиги таъкидланган²².

Юқоридагиларга асосан, Жиноят кодексида айрим иқтисодий қилмишлар (солиқ, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ фирибгарликлар, ноқонуний молиявий хизматлар, бошқа шахснинг шахсий маълумотларини ўғирлаш (*"Identity theft"*)) учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни киритиш таклиф қилинади.

Учинчи йўналиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш бўйича жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг самарадорлиги масаласига бориб тақалади. Шахс ҳуқуқбузарликнинг аниқланиши эҳтимолига қараб ҳуқуқбузарлик содир этиши, бунда жазо санкцияси миқдорининг аҳамиятсизлиги, шу сабабли санкцияларни кучайтириш эмас, балки шахснинг ҳуқуқбузарлик учун албатта жавобгарликка тортилиши муқаррарлигини таъминлаш муҳим эканлиги аниқланган²³.

Буни хорижий давлатларда иқтисодий ҳуқуқбузарликлар учун кенг турдаги жазо чораларининг самарали қўлланилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги, жавобгарликка тортишда дифференциация (табақалаштириш), жазо сифатида мол-мулкни мусодара қилиш, оммавий ахборот воситалари орқали шахсларни шарманда қилиш ҳуқуқий таъсир чораларининг белгиланганлиги яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ирландияда иқтисодий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тизими шахснинг ҳуқуқбузарликни ихтиёрий бартараф этишига қаратилган. Айти бир ҳуқуқбузарлик учун санкциялар назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилганлик, ҳуқуқбузарлик оқибатларини ихтиёрий бартараф этганлик ва ҳуқуқбузарлик такрорланиши даражасига қараб дифференциация қилинади²⁴.

Шу сабабли, иқтисодий ҳуқуқбузарликларни фош этиш ва бартараф этишда шахснинг иштироки даражасига (ҳамкорлик) қараб жавобгарлик чораларини дифференциация қилиш ҳамда янада либераллаштириш лозим. Бу ҳар икки томон ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва самарали мулоқот ўрнатиш учун ҳуқуқий замин ярата-

ди.

Сингапур ва Ирландияда жазо чораси сифатида солиқ тўлашдан бўйин товлаган ёки солиқларни тўламаганлар рўйхати ҳар чоракда эълон қилиб борилади, шунингдек Сингапурда солиқларни тўламаган шахсларни мамлакатдан чиқшига чекловлар қўйиш, АҚШда солиқдан жиддий қарзи бор (51.000 АҚШ долларидан юқори) шахсларнинг фуқаролик паспорти бекор қилиниши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодий ҳуқуқбузарликлар учун ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини жорий этиш таклиф қилинади. Бунда юридик шахслар учун жиноий жавобгарликни белгилаш, жиноий таъсир чора сифатида мусодара қилишни киритиш таклиф қилинади.

Шунингдек, айрим ҳуқуқбузар шахслар ёки инсофсиз тадбиркорлик субъектларини обрўсизлантириш мақсадида уларнинг рўйхатини эълон қилиш (чоп этиш) амалиётини жорий этиш таклиф қилинади.

Тўртинчи йўналиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш ва олдини олишда жамоатчилик назорати механизмлари имкониятларидан унумли фойдаланишни талаб этади.

Олиб борилган тадқиқотлар яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш ва олдини олишда назоратни кучайтириш ва текширувлар сонини кўпайтириш молиявий харажатлар ва ресурсларни (инсон, вақт, технологик ва ҳ.к.) сафарбар этишни талаб этиши, барча ресурсларни иқтисодий ҳуқуқбузарликларни аниқлашга сафарбар этишнинг имкони йўқлиги ва назоратни кучайтиришнинг самарадорлиги пастлигини эътироф этади.

Мазкур муаммоларни кам харажат талаб этадиган бошқа чора-тадбирлар, хусусан қонунга итоаткорлик маданиятини ошириш, комплаенс институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ихтиёрий хабар берилишига эришиш, ҳуқуқбузарликларга жамоатчилик назорати механизмлари орқали қарши курашишга устуворлик берилади.

Жумладан, Ирландияда хуфиёна иқтисодиётга қарши курашишда назорат қилувчи органлар жамоатчилик назорати механизмлари ва инсофли солиқ тўловчилар ёрдамига таяниши эътирофга лойиқ. Бунда солиқдан қочиш ва носоғлом рақобат ҳоллари ҳақида фуқаролар, тадбиркорлар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмаларига турли воситалар орқали электрон, оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан аноним тарзда хабар бериш имконияти берилган ва мурожаатчиларнинг шахси ошкор қилинмайди²⁵.

Сингапурда эса информаторларнинг шахси-

ни сир сақлаган ҳолда берган маълумоти бўйича аниқланган ва ундириб олинган сумманинг 15 фоизи, бироқ 100.000 Сингапур долларидан кўп бўлмаган мукофот берилади²⁶.

Бироқ, миллий қонунчилигимизда *аноним муурожаатларнинг* кўриб чиқилмаслигига оид норманинг²⁷ мавжудлиги, айрим шахсларнинг эса шахси ошқор бўлиб қолишидан чўчиши натижасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида тегишли идораларга хабар бермаслиги иқтисодий ҳуқуқбузарликларга қарши самарали курашишда салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридагиларга кўра, коррупция, иқтисодий ҳуқуқбузарликлар ва хуфиёна фаолият юритаётган шахслар тўғрисида аноним тарзда ёхуд

аризачининг шахси сир сақланишини таъминлаган ҳолда турли воситалар ёрдамида электрон, оғзаки ёки ёзма шаклда муурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, бунда нодавлат нотижорат ташкилолари, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш орқали жамоатчилик назорати механизмларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш зарур.

Мазкур чора-тадбирлар иқтисодий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ва таъсир чораларини янада такомиллаштириш, инсофли тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳамкорлик ва жамоатчилик назоратини рағбатлантириш орқали яширин иқтисодиётни қискартириш ва олдини олишга хизмат қилади.



¹ Schneider, F. and Buehn, A., 2018. Shadow economy: Estimation methods, problems, results and open questions. *Open Economics*, 1(1), pp.1-29.

² Қобилов Ш. Р., Абдуллажонов Н. Б. Коррупция ва хавфсизлик. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. - 43 б.

³ Тагаев Б.А., “Хуфиёна иқтисодиёт” иқтисодий хавфсизликка таҳдид сифатида, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2015 йил

⁴ Dreher, A. and Schneider, F., 2010. Corruption and the shadow economy: an empirical analysis. *Public Choice*, 144(1-2), pp.215-238.

⁵ Mazhar, U. and Mion, P.G., 2017. Taxing the unobservable: The impact of the shadow economy on inflation and taxation. *World Development*, 90, pp.89-103.

⁶ Schneider, F., 2011. The shadow economy and shadow economy labor force: what do we (not) know?.

⁷ biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/49558~xufiyona-iqtisodiyotning-davlat-va-jamiyat-taraqqiyotiga-tasiri?tmpl=component&print=1&page=

⁸ Абулқосимов М.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўллари, Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2017, 5. 46-53 бетлар.

⁹ Matthew H. Fleming, John Roman and Graham Farrell, *Journal of International Affairs*, Vol. 53, No. 2, Shadow Economies: Promoting Prosperity or Undermining Stability? (Spring 2000), pp. 387-409. URL: <http://www.jstor.org/stable/24357758>

¹⁰ Eilat, Y. and Zinnes, C., 2002. The shadow economy in transition countries: Friend or foe? A policy perspective. *World Development*, 30(7), pp.1233-1254.

¹¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/12/yashirin-iqtisodiyot/>

¹² Faye, C., 2017. Emerging from the Shadow: The Shadow Economy to 2025. ACCA. 1, 36.

¹³ Schneider, F. and Buehn, A., 2018. Shadow economy: Estimation methods, problems, results and open questions. *Open Economics*, 1(1), pp.1-29.

¹⁴ Berdiev, A.N. and Saunoris, J.W., 2016. Financial development and the shadow economy: A panel VAR analysis. *Economic Modelling*, 57, pp.197-207.

¹⁵ Schneider, F., 2009. The Shadow Economy in Europe. Using Payment Systems to Combat the Shadow Economy.

¹⁶ <https://sputniknews-uz.com/analytics/20200127/13314801/Raamli-itisod-nima-Zhamshid-chorov-zhavob-beradi.html>

¹⁷ Faye, C., 2017. Emerging from the Shadow: The Shadow Economy to 2025. ACCA. 1, 36.

¹⁸ OECD, 2017. Shining Light On The Shadow Economy: Opportunities And Threats. [online] p.60. URL: <https://www.oecd.org/tax/crime/shining-light-on-the-shadow-economy-opportunities-and-threats.pdf>.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Статистик бюллетени, 2.4-жадвал (Пул агрегатлари). 2020 йил. <https://cbu.uz/upload/medialibrary/171/Markaziy-bankning-Statistik-byulleteni--2019-yil.pdf>

²⁰ OECD, 2017. Shining Light On The Shadow Economy: Opportunities And Threats. [online] p.60. URL: <https://www.oecd.org/tax/crime/shining-light-on-the-shadow-economy-opportunities-and-threats.pdf>.

²¹ OECD, 2017. Shining Light On The Shadow Economy: Opportunities And Threats. [online] p.60. URL: <https://www.oecd.org/tax/crime/shining-light-on-the-shadow-economy-opportunities-and-threats.pdf>.

²² FATF (2012-2018), International Standards on Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism & Proliferation, FATF, Paris, France, www.fatf-gafi.org/recommendations.html.

²³ Kimberly N. Varma and Anthony N. Doob, Detering economic crimes: The case of tax. *Centre of Criminology University of Toronto. Toronto, Ontario Canadian Journal of Criminology*, pp. 165-184 (April/1998).

²⁴ Ирландия Солиқ ва божхона даромадлари идорасининг расмий сайти: www.revenue.ie маълумотларидан фойдаланилди.

²⁵ Ирландия Солиқ ва божхона даромадлари идорасининг расмий сайти: www.revenue.ie маълумотларидан фойдаланилди.

²⁶ Сингапур Ички даромадлар органининг расмий сайти: <https://www.iras.gov.sg> маълумотларидан фойдаланилди.

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни 29-модда. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Расмий манба нашри №37, 977-модда, 2017 йил.

**Зуфарова Шахноза Марсовна,
прокурор центра Академии Генеральной
прокуратуры Республики Узбекистан**

ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ СИСТЕМЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

✦ В статье рассматриваются этапы становления и развития института защиты прав на объекты интеллектуальной собственности в Республике Узбекистан. Автор характеризует три основных этапа формирования национального законодательства в исследуемой сфере.

✦ Мақолада Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк объектлариغا бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари кўриб чиқилмоқда. Муаллиф тадқиқ этилаётган соҳадаги миллий қонунчилик шаклланишининг 3 та асосий босқичларини тавсифламоқда.

✦ The article examines the stages of formation and development of the institute of protection of rights for objects of intellectual property in Uzbekistan. The author describes three stages of formation of national legislation in the researched area.

Ключевые слова: институциональная система, защита прав на объекты интеллектуальной собственности, ВТО, ТРИПС, Торговое представительство США, Special 301

Калит сўзлар: институционал тизим, интеллектуал мулк объектлариغا бўлган ҳуқуқ ҳимояси, БСТ, ТРИПС, АҚШ Савдо ваколатхонаси, Special 301

Key words: institutional system, protection of rights for objects of intellectual property, WTO, TRIPS, US Trade Representative (USTR), Special 301

Институт защиты прав на объекты интеллектуальной собственности является основополагающим в системе современного гражданского права, характеризующийся многогранностью и сложностью.

С обретением независимости в Узбекистане идет активный процесс формирования национального законодательства в сфере защиты прав интеллектуальной собственности, которое на сегодняшний день образуют порядка 10 законодательных актов, свыше 10 Указов и Постановлений Президента страны, 20 постановлений правительства и более чем 50 ведомственных актов.

Стратегическим приоритетом развития правовой базы в указанной сфере является адаптация её к основополагающим международным стандартам защиты прав на объекты интеллектуальной собственности, предусматривающим обеспечение системности, эффективности, динамичности, рациональности и др.

По результатам исследования законодательства Узбекистана в указанной сфере можно предполагать, что данный институт развивался на протяжении трех основных этапов.

На первом этапе (1991-2015 гг.) происходит становление национального законодательства, определение приоритетов защиты прав на объекты интеллектуальной собственности, на конституционном

уровне закрепляются основополагающие нормы, гарантирующие свободу научного и технического творчества.

В своей основе принцип охраны и защиты прав интеллектуальной собственности прежде всего обеспечивается Конституцией Республики Узбекистан, а также право на пользование достижениями культуры¹.

В целях обеспечения охраны объектов промышленной собственности, эффективного использования научно-технического, интеллектуального потенциала республики, а также совершенствования патентно-лицензионной деятельности с 1 октября 1992 г. было введено в действие Временное положение о промышленной собственности Республики Узбекистан², хотя срок его действия ограничивался до принятия соответствующих законодательных актов по объектам промышленной собственности.

С принятием в 1996 году Гражданского кодекса Республики Узбекистан³, закрепляющего принципиальные гражданско-правовые основы защиты интеллектуальной собственности (Раздел IV «Интеллектуальная собственность»), института охраны и защиты интеллектуальной собственности, предпринимаются усилия по кодификации норм в указанной сфере. Благодаря этому, были исключены устаревшие нормы, унифицированы правовые катего-

рии, а также обеспечено соответствие международным стандартам.

В 2001 году принят Закон «О правовой охране топологий интегральных микросхем». Правовая охрана согласно данному закону распространяется только на оригинальную топологию. Объектом же охраны является лишь сама топологическая система. Заявление подается в соответствии с требованиями к топологии, устанавливаемые Агентством по интеллектуальной собственности при Министерстве юстиции Республики Узбекистан (ранее Государственное патентное ведомство Республики Узбекистан).

На данном этапе происходит присоединение Узбекистана к международным договорам Всемирной организации интеллектуальной собственности. Одним из таких договоров является Бернская конвенция «Об охране литературных и художественных произведений»⁴, целью которой служит обеспечение охраны произведений национальных авторов за рубежом и наоборот. В связи с чем появилась необходимость принять новую редакцию Законов «О правовой охране программ для электронных вычислительных машин и баз данных» от 6 мая 1994 г., «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» от 30 августа 2001 г., «Об изобретениях, полезных моделях и промышленных образцах» от 29 августа 2002 г., «Об авторском праве и смежных правах» от 20 июля 2006 г., «О конкуренции и ограничении монополистической деятельности на товарных рынках», «О защите прав потребителей», «О фирменных наименованиях» от 18 сентября 2006 г. и другие нормативно-правовые акты.

В рамках присоединения 27 сентября 2006 г. Республики Узбекистан к Протоколу Мадридского соглашения⁵, Кабинетом Министров утверждено постановление «Об установлении ставок индивидуальных пошлин, взимаемых при международной регистрации знаков в соответствии с Протоколом к Мадридскому соглашению о международной регистрации знаков (Мадрид, 27 июня 1989 года)».

В целях совершенствования правового регулирования в отношении отдельных объектов интеллектуальной собственности, принимаются специальные законы и подзаконные акты. Например, Закон «О правовой охране программ для электронных вычислительных машин и баз данных», «Об изобретениях, полезных моделях и промышленных образцах» (в первой редакции), принятые 6 мая 1994 г. Закон «Об авторском праве и смежных правах» для более эффективной реализации дополняется нормативными документами, в частности постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении ставок авторского и иных видов вознаграждения» (08.01.2007 г. №8) и «О минимальных ставках авторского вознаграждения за некоторые виды использования произведений

литературы и искусства» (от 19.01.2008 года №10).

На втором этапе развития института защиты прав на объекты интеллектуальной собственности в Республике Узбекистан (2008-2019 г.) происходит дальнейшее развитие законодательства в указанной сфере, а именно расширяется круг защиты объектов интеллектуальной собственности, совершенствуется национальная институциональная система, расширяются возможности доступа к сети Интернет с соответствующим развитием правовых основ в данной сфере и др.

На данном этапе возникают новые средства индивидуализации объектов защиты интеллектуальной собственности, одним из которых можно выделить «доменные имена». Несмотря на то, что до сих пор существует полемика по поводу отнесения доменных наименований к новым средствам индивидуализации, в соответствии с международными договорами отдельные авторы считают, что доменное имя не может быть отнесено к средствам индивидуализации. Доменные имена с точки зрения Гражданского кодекса Республики Узбекистан не являются объектами интеллектуальных прав, но в то же время и не являются и товарными знаками, поскольку имеется различие по сущности между ними, хотя и выполняют схожие функции⁶.

В этот период в Узбекистане защита данного объекта интеллектуальной собственности устанавливается правилами взаимоотношения лиц, деятельность которых связана с регистрацией и использованием доменными именами в домене «UZ», которые регулируются специальным Положением о порядке регистрации и пользования доменными именами в домене «UZ»⁷. Впоследствии принятия указанного акта, Постановлением Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан⁸ внесены изменения и дополнения в данное Положение (№1830, 05.02.2015).

На сегодняшний день (август 2020 г.) мы можем наблюдать активность регистрации доменных имен в Узбекистане. Так, согласно графику, количество активных доменов выросло на 25% с начала 2019 года.



источник: Администрация доменной зоны UZ,
<https://cctld.uz/>

В связи с тем, что Интернет становится всё более влиятельной сферой для различных видов преступлений, защита доменных имен может потребовать дополнительных способов защиты как в Республике Узбекистан, так и в мире.

В целях усиления стимулирования широкого внедрения инновационных технологий и научно-технических разработок в процесс модернизации, технического и технологического перевооружения отраслей экономики, а также обеспечения надежной защиты прав на объекты интеллектуальной собственности на базе Государственного патентного ведомства Республики Узбекистан и Узбекского республиканского агентства по авторским правам, образовано Агентство по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан⁹. Вновь созданный орган становится их правопреемником, а также уполномоченным органом для представления Республики Узбекистан во Всемирной организации интеллектуальной собственности, а также в других международных и региональных организациях в сфере интеллектуальной собственности.

Однако на данном этапе выявились такие недостатки, как невыполнение должным образом работы по своевременному выявлению и пресечению правонарушений в сфере интеллектуальной собственности, неэффективная система оказания государственных услуг, отсутствие тесного межведомственного взаимодействия, нехватка квалифицированных кадров в области интеллектуальной собственности, а также высокие ставки патентных пошлин.

На третьем этапе (2019 - по наст.вр.) предпринимаются меры по усилению эффективности защиты прав на объекты интеллектуальной собственности, совершенствуется институциональная система обеспечения и защиты объектов интеллектуальной собственности, по совершенствованию государственного управления в сфере интеллектуальной собственности, формируется эффективная система оказания государственных услуг, происходит усиление межведомственного взаимодействия, по подготовке квалифицированных кадров в области интеллектуальной собственности, а также значительно снижается ставки патентных пошлин.

Принятие 8 февраля 2019 года Постановления «О мерах по совершенствованию государственного управления в сфере интеллектуальной собственности» способствовало развитию института защиты прав на объекты интеллектуальной собственности. Основными изменениями в развитии системы защиты прав на объекты интеллектуальной собственности в Узбекистане является передача Агентства по интеллектуальной собственности в систему Министерства юстиции Республики Узбекистан¹⁰.

Основными задачами Агентства были определены: обеспечение реализации единой государственной политики в области интеллектуальной собствен-

ности, предоставление правовой охраны изобретениям, полезным моделям, промышленным образцам, товарным знакам и другим объектам интеллектуальной собственности; осуществление комплексного анализа состояния правовой охраны объектов интеллектуальной собственности, выработку конкретных предложений по развитию данной сферы; реализация мер по обеспечению последовательной и единообразной правоприменительной практики в сфере интеллектуальной собственности и другие; налаживание и укрепление международно-правового сотрудничества по вопросам интеллектуальной собственности, в том числе путем заключения международных договоров о взаимной охране прав на объекты интеллектуальной собственности; участие в научно-исследовательских и других работ в сфере интеллектуальной собственности; повышение правовой культуры и формирование в обществе уважительного отношения к интеллектуальной собственности.

20 июля 2019 года утверждено Положение об Агентстве по интеллектуальной собственности при Министерстве юстиции Республики Узбекистан¹¹.

Рассмотрев все этапы развития института интеллектуальной собственности со времен независимости до настоящего времени, необходимо отметить довольно эффективное для Республики Узбекистан реформирование национального законодательства.

Вместе с тем данный процесс не должен стоять на месте, на сегодняшний день совершенствование института защиты прав объектов интеллектуальной собственности носит перманентный характер.

В настоящее время перед Узбекистаном стоит важная задача по вступлению во Всемирную торговую организацию, где приоритетом должно стать принятие эффективных мер по упорядочению вопросов интеллектуальной собственности. В рамках вступления Узбекистана в ВТО перед страной стоит также вопрос подписания базового документа, регулирующего охрану интеллектуальной собственности. Соглашения по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности (ТРИПС) 1994 года, содержащее в себе юридически обязательные стандарты охраны интеллектуальной собственности.

Наряду с положительной тенденцией, остается ряд проблем по реализации мер в защите прав на объекты интеллектуальной собственности в Республике Узбекистан.

Так, Торговое представительство США (US Trade Representative, USTR), отвечающее за внешнюю торговлю Соединенных штатов, публикует ежегодный отчет Специального раздела 301 (Special 301) Закона «О торговле» США, который раскрывает проблемы, связанные с развитием свободной торговли в мире, в том числе относящиеся к защите объектов интеллектуальной собственности.

Согласно опубликованному отчету по состоя-

нию на март 2020 года Узбекистан остается в списке наблюдения в 2020 году¹², что закон и правоприменительная практика республики не дают нужных результатов.

Вместе с тем, в отчете говорится о том, что в последнее время Узбекистан предпринял важные шаги для решения давних проблем, касающихся защиты интеллектуальной собственности. В частности, присоединение к Договору Всемирной организации интеллектуальной собственности по авторскому праву и Договору ВОИС по исполнению и фонограммам, так называемые «Договоры ВОИС в области Интернета», что представляет собой прогресс в улучшении режима авторского права и смежных прав в Узбекистане. Присоединение к этим договорам актуализирует правовые принципы международной авторско-правовой охраны, что должно сказаться на развитии творчества в Интернете и цифровой среде в целом в Республике Узбекистан, а также за ее пределами.

Составители отчета признают возросшее политическое внимание к вопросам защиты интеллектуальной собственности на высоком уровне, включая поддержку и содействие Узбекистана в создании Рабочей группы по Центральной Азии в сфере интеллектуальной собственности. Кроме того, Соединенные Штаты отмечают прогресс в разработке новой национальной стратегии в области интеллектуальной собственности.

Вместе с тем, Узбекистан призывается продол-

жить совершенствование законодательной базы в отношении защиты и обеспечения соблюдения прав на объекты интеллектуальной собственности.

Кроме того, Узбекистану рекомендуется предпринять меры по решению других проблем, поднятых в предыдущих Специальных отчетах 301, в том числе в отношении полномочий «ex officio» по усилению пограничного контроля, выделения ресурсов административным и правоприменительным агентствам интеллектуальной собственности и предписания правительству использовать лицензионное программное обеспечение посредством указа президента, закона или постановления.

Учитывая, что USTR использует отчеты Special 301, куда включаются страны в специальный лист наблюдения, правительство США может инициировать процедуру урегулирования споров или может устранить тарифные преференции в одностороннем порядке стране не являющейся членом Всемирной торговой организации, если страна нарушила торговое соглашение раздела 301, Узбекистану следует продолжить институциональные и правовые реформы в указанной сфере.

Преобразования в данной сфере способствуют вступлению нашей страны в ВТО в соответствии с требованиями ТРИПС, предусматривающими разработку эффективных средств для борьбы с потенциальными нарушениями интеллектуальной собственности, а также обеспечение надлежащей работы правоприменительных органов.

¹«Статья 42. Каждому гарантируется свобода научного и технического творчества, право на пользование достижениями культуры. Государство заботится о культурном, научном и техническом развитии общества.» Конституция Республики Узбекистан от 08.12.1992 г.

²Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 15.09.1992 г. N 432 «О Временном положении о промышленной собственности Республики Узбекистан»

³Гражданский кодекс Республики Узбекистан (часть вторая), утверждена Законом Республики Узбекистан от 29.08.1996 г. №256-I

⁴ Постановление Олий Мажлиса Республики Узбекистан «О присоединении к Бернской конвенции об охране литературных и художественных произведений» № 681-II от 27.08.2004 года

⁵ Закон Республики Узбекистан от 18 июля 2006 г. №ЗРУ-40 «О присоединении Республики Узбекистан к протоколу к Мадридскому соглашению о международной регистрации знаков (Мадрид, 27 июня 1989 года)

⁶ Рустамбеков И.Р., Мусаев С.Ф. Международное авторское и патентное право. Т.: ТГЮУ, 2016. 280 стр.

⁷ Приказ генерального директора узбекского агентства связи и информатизации об утверждении Положения «О порядке регистрации и пользования доменными именами в домене «UZ», (зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан 23.06.2008 г. №1830)

⁸ Согласно Указу Президента от 4.02.2015 г. №УП-4702 на базе Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий создано Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций.

⁹Постановление Президента Республики Узбекистан от 24.05.2011 г. №ПП-1536 «Об образовании Агентства по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан» (акт утратил силу 02.07.2019 г.)

¹⁰Постановление Президента Республики Узбекистан от 01.07.2019 г. №ПП-4380 «О мерах по организации деятельности Агентства по интеллектуальной собственности при Министерстве юстиции Республики Узбекистан».

¹¹ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20.07.2019 г. № 609 «Об утверждении положения об Агентстве по интеллектуальной собственности при Министерстве юстиции Республики Узбекистан»

¹² https://ustr.gov/sites/default/files/2020_Special_301_Report.pdf

Одинаев Адхам Саъдуллоевич,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси мустақил изланувчиси

ТИЖОРАТ МУОМАЛАСИДА НЕУСТОЙКА ҚЎЛЛАШ

◆ Мазкур мақолада тадбиркорлик субъектлари томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг тижорат билан боғлиқ мажбуриятлар ижросини таъминлаш учун неустойка қўллашни такомиллаштириш илмий-назарий таҳлил этилиб, тегишли таклифлар берилган.

◆ В данной статье приведен научный и теоретический анализ невыполнения или ненадлежащего исполнения договорных обязательств субъектами хозяйствования, а также совершенствования применения неустойки для обеспечения выполнения коммерческих обязательств гражданско-правовых отношений и даны соответствующие рекомендации.

◆ This article provides a scientific and theoretical analysis of the non-fulfillment or inadequate fulfillment of contractual obligations by business entities, as well as the improvement of the application of neustoyka to ensure the fulfillment of commercial obligations of civil law relations and makes relevant recommendations.

Калит сўзлар: шартнома, пул мажбурияти, тижорат мажбурияти, тижорат муомаласи, муқобил неустойка, мутлақ неустойка, кредитор, қарздор, компенсация, неустойка тўғрисидаги келишув, бажарилмаган мажбурият, бузилган мажбурият, зарар, зарарни қоплаш, жарима.

Ключевые слова: договор, денежное обязательство, коммерческое обязательство, коммерческая сделка, альтернативная неустойка, абсолютная неустойка, кредитор, должник, компенсация, неустойка, невыполненное обязательство, нарушенное обязательство, убыток, компенсация, штраф.

Key words: contract, monetary obligation, commercial obligation, commercial transaction, alternative neustoyka, absolute neustoyka, creditor, debtor, compensation, neustoyka agreement, unfulfilled obligation, breached obligation, loss, indemnification, fine.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий либераллаштириш, иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатлари ҳимоясини кучайтириш, тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича биринчи даражали мақсад ва вазифалар белгиланган.

Кодификация қилинган қонун ҳисобланадиган ва фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим қоидаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси фуқаролик қонунчилиги ҳужжатлари тизимида марказий ўринни эгаллайди.

Фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий фуқаролик-ҳуқуқий асосларини яратиш учун мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакллари тарихий асосларини таҳлил қилиш лозим.

Бозор муносабатлари шароитида тижорат муомаласи асосан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома мажбуриятлари билан белгиланиб, тадбиркорлар

мажбуриятларда иштирок этар эканлар, уларнинг лозим даражада бажарилишидан манфаатдор бўладилар. Тижорат мажбуриятлари лозим даражада бажарилишининг муайян кафолати уларни таъминлашнинг қонуний усуллари ва жавобгарлик чораларидир. Бу ўринда неустойка тижорат мажбуриятларида уларни таъминлаш усули ҳамда мулкий жавобгарлик шакли сифатида амал қиладди.

Тижорат муомаласида иштирок этувчи тадбиркорлар ўз вазифаларини фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар воситасида ҳал қиладилар. Шартнома мажбуриятларининг тадбиркорлик субъектлари томонидан лозим даражада бажарилишини таъминлаш тижорат муомаласи учун долзарб масала ҳисобланади.

Тижорат амалиётидаги шартнома муносабатларида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакли сифатида неустойкани қўллашда бир қанча муаммолар вужудга келмоқда. Яъни, бир ҳуқуқбузарлик учун кўп ҳолларда қарздордан бир вақтининг ўзида зарар, жарима, мажбурият бажарилишини кечиктирган кунлар учун пеня ундириб олинмоқда. Бу эса неустойканинг асл мазмунини нотўғри талқин этилишига олиб келмоқда.

Тижорат шартнома мажбуриятларини таъминлаш чора-тадбирларининг умумий мақсади қарз-

дор шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажармагани ёки лозим даражада бажармагани туфайли кредитор кўрган зарарни қоплашдан иборат.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг тижорат билан боғлиқ мажбуриятлар ижросини таъминлашга доир қоидалар ҳуқуқнинг континентал ва англосаксон тизимларига кирувчи барча давлатларнинг қонунчилигида мавжуд. Масалан, АҚШнинг Ягона савдо кодекси “Битимларни таъминлаш” деб номланган 9-бўлимнинг умумий қоидаларида “Мазкур бўлим шартнома воситасида яратилган таъминлаш манфаатлари, шу жумладан қўл гарови, цессия, кўчмас мулк ипотекаси, кўчар мулкни ишончли бошқаришга нисбатан қўлланилади”¹, деб кўрсатилган.

Неустойка тижорат шартнома мажбуриятларини таъминлаш ва шартнома бўйича жавобгарлик чораси сифатида иккиёқлама хусусиятга эга.

Тижорат муомаласида неустойкани қўлланиш муаммоларини ўрганишдаги амалий ёндашувлар ҳамда неустойканинг ўрни ва ролига оид илмий мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, неустойка тижорат мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш усули, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакли, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситаси бўлиб, мажбурият бажарилишини таъминлаш усули сифатида шартномани тузиш, уни бажариш босқичида қарздорни рабатлантириш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули сифатида эса мажбуриятнинг бузилишини тўхтатиш ва бартараф этиш, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва кўрилган зарарларни қоплаш вазифасини бажаради.

Иккинчидан, мажбуриятнинг бузилиши босқичида неустойка мажбуриятни бузувчи учун қўшимча жавобгарлик ёки янги ёки қўшимча мажбуриятлар юклашни ўзида ифодалайди.

Учинчидан, бировнинг пул маблағидан фойдаланганлик учун банк фоизларидан фарқли равишда, тарафлар жавобгарлигининг тенглиги неустойкага хос бўлган принциплардан биридир.

Тўртинчидан, неустойкани ундириш тўғрисидаги низоларга оид суд процессларининг аксарияти амалда талабнинг қаноатлантирилиши билан тугайди. Шу сабабли, неустойка ундириш тўғрисидаги низоларни судга қадар ҳал қилиш ёки уларни судда кўришнинг соддалаштирилган тартиби қонунчиликда жорий этилса, судда кўриладиган бундай низолар сонининг қисқаришига, шунингдек суд қарори тезкорлик билан қабул қилинишига замин яратилади.

Тижорат муомаласида неустойка қўллашга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни билдириш мумкин:

1. Неустойка пул мажбурияти бўлибгина қолмай, муомаладан чиқарилмаган ашёлар (мол-мулк) ҳам неустойка предмети бўлиши мақсадга мувофиқ.

Қарздорнинг кредитор олдидаги мажбуриятларининг тез ва осон таъминланиши учун мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш восита сифатида амал қилувчи неустойканинг ҳар қандай тури (жарима ёки пеня) белгиланган миқдордаги пул суммаси кўринишида ёки бўлмаса, шу белгиланган суммага тенг бўлган натура шаклидаги мол-мулкни кредитор ҳисобига ўтказиш йўли билан тўланиши лозим.

Чунки, бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ночор корхоналар ёки молиявий аҳволи ёмон бўлган фуқаролар неустойкани айнан пул (муайян валюта) шаклида тўлай олиш қобилиятига эга бўлмасликлари мумкин. Агар натура шаклида неустойка тўланиши таъминланса, фуқаролик ва хўжалик судларининг неустойкани ундириш билан боғлиқ ҳал қилув қарорлари ижро янада самаралироқ бўлади.

Масалан, Англия ҳуқуқида олдиндан баҳоланадиган зарар ҳам пулда, ҳам мол-мулк сифатида ифодаланиши мумкин².

Рим ҳуқуқида пул ҳам, мол-мулк кўринишидаги бойлик ҳам неустойка сифатида амал қилиши мумкин бўлган.

Ҳозирги вақтда Германия Фуқаролик қонунчилигида неустойкага кредиторга рақамда ифодалаш мумкин бўлмаган ёки умуман ўз моҳиятига кўра номоддий бўлган салбий ҳолатлардан ҳимояланиш имконияти сифатида қаралади. Германия Фуқаролик тузугининг 342-параграфига мувофиқ, неустойка пул суммаси кўринишидагина эмас, балки ўзгача мол-мулк кўринишида ҳам ифодаланади³.

2. Жарима ва пенянинг энг юқори миқдорини кодификацияланган ҳолда Фуқаролик кодексига киритиш лозим.

Амалдаги қонунчиликда жарима ва пенянинг қонун ва қонуности ҳужжатлари билан белгиланган миқдорлари мавжуд бўлсада, Фуқаролик кодексига неустойканинг миқдори аниқ белгиланмаган.

Масалан, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом”да айрим шартномалар бажарилмаганлиги бўйича жарима ва пеняларнинг қонуний миқдорлари кўрсатилган.

Бироқ, айрим тадбиркорлик субъектлари то-

монидан асоссиз равишда юқори миқдорда неустойкани белгилаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу шартноманинг “заиф” томони (якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар ва бошқалар) учун қарамлик шarti ҳисобланади.

Неустойка миқдорининг Фуқаролик кодексида аниқ белгиланиши уларнинг ҳуқуқларини қонун даражасида ҳимоя қилишга хизмат қилади.

3. Тижорат мажбуриятлари бўйича неустойка миқдорини камайтириш шартлари ҳамда неустойканинг минимал чегараси аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Масалан, Германия фуқаролик ҳуқуқида суд неустойкани камайтиришни фақат муайян шароитлардагина амалга ошириши мумкин. Яъни:

биринчидан, неустойка тўлашга мажбур қарздор бундай илтимос билан судга тўғридан-тўғри муурожаат этганда;

иккинчидан, неустойка миқдори кредиторнинг мулкий эмас, балки эътиборга лойиқ бўлган бошқа барча манфаатларини ҳам ҳисобга олганда ҳаддан ташқари катта бўлганда (бунда шартнома тузиш ва неустойкани келишиш вақтигина эмас, балки шартноманинг бузилиши юз берган вақт ҳам эътиборга олиниши лозим).

Эътиборли томони шуки, неустойка тўланганидан кейин унинг миқдорини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Неустойка билан таъминланаётган мажбурият савдо, тижорат фаолиятдан келиб чиқса, неустойка миқдори камайтирилиши мумкин эмас (Германия Фуқаролик тузугининг 348-параграфи). Мазкур қоида немис доктринасида кенг талқин қилинган ва суд амалиёти ҳам шунга мос равишда шаклланган.

Хулоса шуки, сифат жиҳатидан изчиллик билан ўзгараётган бугунги кунда тадбиркорлар ва хусусий мулкдорлар, потенциал хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш учун янги таҳрирда ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида иқтисодиётда давлатнинг иштирокини қисқартириш, мулк нима, мулкдор ким, мулкдорнинг титул ҳуқуқлари, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари, самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланиши керак.

Энг асосийси, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтини тубдан такомиллаштириш, тижорат муомаласида зарарни қоплашнинг адолатли тартибини белгилаш зарур.



¹ Комаров А.С. Понятие и содержание договорной ответственности в праве Англии и США. М.: 1994. С. 96.

² Treitel G.H. The Law of Contract. L., 2003. P. 1003.

³ Памятники римского права / Под ред. И.Б. Новицкого. М.: 1997. С. 149; Германия Фуқаролик тузугининг 339-345-параграфлари; Нам К.В. Убытки и неустойка //Актуальные проблемы гражданского права. Вып. 1. М.: 1999. С.365; Германское право / Под ред. В.В. Залесского. М.: 1996. С. 77.

Шайзаков Шодиёр Ибрагимович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура
Академияси ўқитувчиси, мустақил изланувчи

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА СУДЬЯ ВА ТАРАФЛАР ИШТИРОКИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР

- ◆ Маъмурий суд ишларини юритишда рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) институтининг илмий ва амалий жиҳатлари қонунчилик асосида ўрганилиб, таҳлил қилинган.
- ◆ В статье проанализированы механизмы разрешения уголовных дел внесудебном порядке и его теоретико-правовые основы.
- ◆ The article analyzes mechanisms of non-trial resolution of criminal cases and their theoretical-legal basis.

Калит сўзлар: маъмурий суд, рад қилиш, ўзини-ўзи рад қилиш.

Ключевые слова: административный суд, отказ, самоотказ.

Keys words: administrative court, refusal, self-refusal.

Суд ишларини юритишда процесс иштирокчиларини рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) институти Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда (кейинги ўринларда МСИЮтК деб юритилади) акс эттирилиши суд ишларини адолатли ҳал этилишида муҳим ўрин тутди.

Бу институтнинг пайдо бўлиши қадимги Римга бориб тақалади. Машҳур рим ҳуқуқшуноси Цицероннинг сўзларига кўра, римликлар рақиблари билан ўзаро келишган ҳолда низони ҳал этувчи судьяларни сайлаганлигини ва уларни рад этиш ҳуқуқи мавжудлигини кўрсатиб ўтган.¹

Шу ўринда суд ишларини юритишнинг мустақил тармоғи сифатида иштирокчиларни рад қилиш институти ҳақида бир қатор олимларнинг илмий қарашлари эътиборга молик.

Жумладан, Р.О.Куйбида ва В.И.Шишкин бу институт тузилиш жиҳатидан содда эмаслигини, чунки, бу тарафлар ва судьялар ўртасида ноаниқликлар борасида тортишувнинг бир кўриниши эканлигини таъкидлайди.²Ю.С.Шумченко ва В.Б.Аверьянов эса судья ва маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларини рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) институтини қонун устуворлиги принципи ва уни алоҳида маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида амалга ошириш хусусиятлари нўқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозимли-

гини, шунингдек, суд процесси иштирокчиларини ўзаро муносабатларини чуқур таҳлил қилиши, шу билан бирга судьяга нисбатан қонун устуворлигини таъминлаш, “барча иштирокчиларга нисбатан ахлоқий қоидаларга риоя қилиш” лозимлигини таъкидлаб ўтади.³

Ҳуқуқ аналогияси юзасидан процессуалист олим М.Мамасиддиқов “фуқаролик процессида судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш институти фуқаролик суд ишларини юритишда одил судловни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Мазкур институт муҳим процессуал қарорларни ўз ичига олиб, фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш, иш бўйича қонуний, асосли ва адолатли суд қарорларининг чиқарилишига хизмат қилади. Қонунда фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ваколатлари доираси аниқ белгиланган. Судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш институти ушбу ваколат, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг одилона амалга оширилишини қарор қилади. Рад қилиш институтининг мақсади фуқаролик процессининг иштирокчилари, шунингдек суд мажлисида ҳозир бўлган фуқароларга ишнинг тўғри, адолатли, қонуний кўриб чиқилиши ва ҳал қилинишига ишонтириш ҳамда иш юзасидан чиқарилган суд қарорларининг тарбиявий аҳамиятини кучайтиришдан

иборат⁴ эканлигини таъкидлайди.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларини рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш, ишнинг адолатли ҳал этилишига ва қонуний қарор қабул қилишга таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Баъзи юридик луғатларда “рад қилиш” тушунчасини — “бирон-бир ишда қатнашишни тўхта-тиш ҳақидаги ариза” эканлигини кўрсатади. Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида бу борада турли хил мунозаралар мавжуд. Масалан, Т.О.Коломец ва Н.П.Никитенконинг фикрича, “рад қилиш” тушунчасини суд мажлиси котиби, таржимон ва мутахассисга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, улар иш бўйича қарор қабул қилишда етакчи иштирокчи эмас ва ишга жиддий таъсир қилмайди. Бунинг ўрнига уларга нисбатан “иштирок этишни тўхтатиш” тушунчасини қўллаш лозимлигини билдиради.⁵

Бу фикрни қўллаб-қувватлаб бўлмайди. Чунки, маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларига нисбатан процессуал тартиб қоидаларда белгиланган тушунчалар турлича талқин қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда турли қийинчиликларни келтириб чиқаради. Зеро, қонуннинг асосий мақсади фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

К.Кристина ҳам юқоридаги олимлар: Т.О.Коломец ва Н.П.Никитенконинг фикрига қарши бўлиб, “рад қилиш” ва “иштирок этишни тўхта-тиш” тушунчалари деярли бир хил бўлиб, суд процесси иштирокчиларига ҳар хил тушунчаларни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, бу тушунчалар мазмуни ва оқибати бўйича бир хил. Бу жараён суд процесси иштирокчиларига нисбатан нотўғри тушунчалар шаклланишига олиб келади, деб кўрсатади.⁶

Шундай экан, маъмурий суд ишларини юритиш институтида рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) тушунчаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

МСИЮТКнинг 21-22-моддаларида судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлис котибини рад қилиш тартиби ва ўзини-ўзи рад қилиш ҳақида қоидалар белгиланган.

Шу ўринда рад қилиш ва ўзини-ўзи рад қилиш тушунчаси мазмунига тўхталаш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, **рад қилиш** — маъмурий суд ишларини юритишда ишнинг кўрилиши натижасида манфаатдор бўлган шахслар томонидан судья, прокурор, бошқа процесс иштирокчиларига нисбатан улар иштирокида ишни кўриб чиқиш имкони мавжуд эмаслиги ҳақидаги арз билдиришдир.

Ўзини-ўзи рад қилиш эса — судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлис котиби маъмурий суд ишларини юритиш жараё-

нида қонунда назарда тутилган асослар бўйича ишни кўришга ёки кўришга қодир эмаслиги ҳақидаги асослантирилган арз ҳисобланади.

Бундан ташқари, ўзини-ўзи рад қилиш институтининг устувор жиҳатлари ҳақида Ф.Н.Багаутдинов ва Р.Ф.Валиахметовнинг фикрлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Уларнинг фикрига кўра, “судьяни рад қилиш тўғрисида ариза суд процессининг бошқа иштирокчилари томонидан эмас, балки судья ўзининг илтимосига асосан асосли ариза билан мурожаат қилиши суд тизимининг обрўси ошишига олиб келади”.⁷

А.И.Нафедиев судья ўзини-ўзи рад этиш ҳуқуқига тўлиқ эга эканлигини билдиради.⁸ Бироқ, айрим олимлар ушбу фикрга қўшилмайди. Хусусан, Т.Ф.Арабова, В.Л.Бурдон, Ю.В.Тайларнинг фикрига кўра, ўзини-ўзи рад қилиш элементлари аниқ ва ишонарли бўлиши лозим. Чунки, мураккаб тоифадаги низоларни кўришда судьялар жавобгарликдан қутилишни хошлашлигини билдиради.⁹

Фикримизча, Ф.Н.Багаутдинов, Р.Ф.Валиахметов, А.И.Нафедиевнинг илмий қарашлари билан келишиб бўлмайди. Чунки, фақатгина бир шахсга рад қилиш ҳуқуқини тўлиқ берилиши процесснинг бошқа иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларининг паймол бўлишига, тортишувлик тамойили талабининг бузилишига ҳамда мураккаб турдаги низоларни ҳал этишда ўзини четга олишга олиб келади.

Шубҳасиз, маъмурий суд ишларини юритишда энг муҳим ҳолатлардан бири судьяни рад қилиш бўлиб, бу орқали манфаатдор шахслар қарорнинг қонуний ва асосли бўлишига ҳалақит бериши, судьяга ташқи омиллар орқали таъсир кўрсатиши оқибатида вақтдан ютиши ёки ишни чалғитиши каби уринишлар учраб туради. Афсуски, амалиётда айрим ҳолатларда судьяларнинг тажрибасизлиги ишда иштирок этувчи шахсларга бундай имкониятларни яратиб беради. Бунинг оқибатида эса процессга ишда этувчи шахслар тўлиқ жалб қилинмаслик ёки асослантирилмаган қарорлар қабул қилиш каби ҳолатлар юз беради.

Шу ўринда судья ва процесс иштирокчиларини рад қилиш билан боғлиқ миллий қонунчиликни хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали ижобий тажрибаларни қонунчиликка имплементация қилиш бўйича айрим мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчимиз.

Таъкидлаш лозимки, хорижий мамлакатлар қонунчилигида судья ўзини-ўзи рад қилиш ва судьяни рад қилиш асослари алоҳида-алоҳида кўрсатилган ҳолатлар ҳам учрайди. Мисол учун, Озарбайжон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 18-моддасида,¹⁰ Финляндия Республикаси Маъмурий процессуал қонунининг 28-моддасида¹¹ судья ўзини рад қилиш асослари

алоҳида кўрсатилган бўлса, Қозоғистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 51-моддасида¹², Қирғизистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 20-моддасида¹³, Украина Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш кодекси 36-моддасида¹⁴ судьяни рад қилиш ва ўзини-ўзи рад қилиш асослари биргаликда кўрсатилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам шу тартибда тизимлаштирилган.

МСИЮТКнинг 21-моддасида судья ишни кўришига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ва уни рад қилиниши ҳолатлари келтирилган бўлиб, унга кўра, маъмурий иш илгари кўрилганда судья сифатида иштирок этган бўлса ва ишни кўришда унинг такрорий иштирок этишига қонун талабларига мувофиқ йўл қўйилмаслиги асослардан бири сифатида қайд қилинган. Судья томонидан кўриб чиқилган маъмурий иш юқори инстанция судида кўриб чиқиладиганда ёки ушбу иш бекор қилиниб, қайта биринчи инстанцияда кўриб чиқиладиганда ёхуд бошқа ҳолатлар аниқланганда судьянинг иштирок этишига йўл қўйилмайди ва бошқа судья томонидан процессуал ҳаракатлар олиб борилиши лозим.

Грузия Республикасининг Маъмурий процессуал кодекси 7-моддасида судья маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этган бўлса, кейинчалик ишни кўришда қатнаша олмаслиги белгиланган.¹⁵

Латвия Республикасининг бу борадаги қонунчилиги алоҳида эътиборни тортади. Латвия “Маъмурий процессуал қонуни”нинг 116-моддасида судьянинг ишни такрорий кўришини чекловчи нормалар белгиланган. Унга кўра, биринчи инстанция судида маъмурий ишни кўрган судья иш апелляция ёки кассация инстанциясида кўрилишида, шунингдек, биринчи инстанция судида янгидан кўриладиган иш бўйича судья иштирокида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса; ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўриб чиқишда иштирок этган судья биринчи инстанция судида ёки апелляция инстанцияси судида янгидан кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас; апелляция инстанцияси судида ишни кўриб чиқишда иштирок этган судья бу ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этмайди, истисно тариқасида маъмурий иш Олий суд Департаментида кўриладиганда иштирок этишга йўл қўйилади.¹⁶

Шунга ўхшаш амалиётни Швейцария¹⁷, Финляндия¹⁸ Россия¹⁹, Украина Республикаси²⁰ давлатлари қонунчилигида учратиш мумкин.

Шу ўринда миллий қонунчилигимизда иш илгари кўрилганда судья сифатида иштирок этган бўлса ва ишни кўришда унинг такрорий иштирок этишига йўл қўйилмаслик ҳолатлари МСИЮТК 20-моддасида акс эттирилган.

Юридик манбаларда ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қоидалар қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тартиб-таомилларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши ҳақида фикрлар билдирилади.²¹ Лекин, ушбу фикр бирмунча мунозарали ҳисобланади. Зеро, суд қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари суд қарорларини апелляция, кассация ва назорат тартибида қайта кўриш асосларидан фарқ қилади. Суд қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асослардан бири суд томонидан йўл қўйилган камчиликлар эмас, балки аризага, шу жумладан ишни кўраётган судьяга ҳам номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, аммо иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ҳисобланади.

Бундан ташқари, МСИЮТКнинг 21-моддасида судьяни рад қилиш асосларидан яна бири сифатида иш илгари кўрилганда унда прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлис котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этганлиги ҳисобланади.

Рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) институти маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида янги институт бўлганлиги боис, бу соҳада деярли изланишлар олиб борилмаган. Ҳуқуқ аналогияси асосида ўрганилганда, ҳуқуқшунос М.Мамасидиков фуқаролик процессуал ҳуқуқи доирасида “иш илгари кўрилган” тушунчасига таъриф бериб ўтган. Хусусан, **иш илгари кўрилган деганда** — айна бир тарафлар ўртасида, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича келиб чиққан низолар юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини тушуниш лозимлигини кўрсатади.²² Бу фикрга тўлиқ қўшилаемиз.

Иш юзасидан муқаддам прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлис котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида қатнашган мазкур шахслар судья бўлиб тайинланган ёки сайланганидан кейин айнан ўша иш бўйича судья сифатида ишни кўриб, низони ҳал этиш ваколатига эга бўлмайди. Бу асос билан судьяни рад қилиш учун энг аввало судья шу иш бўйича илгари маъмурий суд ишларини юритишда прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлис котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида қатнашган бўлиши шарт. Миллий қонунчилигимизда гувоҳни рад қилиш ҳақида нормалар мавжуд бўлмаса-да, бу қонуннинг судьяга нисбатан татбиқ қилиниши ишнинг ҳолислигига ўз таъсирини кўрсатади. Бунда шунга эътибор бериш лозимки, судья иш бўйича гувоҳ сифатида процессга чақирилмаган бўлса-да, лекин шу ҳодисанинг гувоҳи бўлган тақдирда ҳам ушбу қоида татбиқ қилиниши лозим.

Бу каби қоидаларни Қирғизистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 20-модда-

сида ҳам учратиш мумкин.²³

Маъмурий ишни кўраётган судьяга нисбатан рад қилиш асослари фақатгина ушбу судьяга нисбатан тадбиқ қилинади. Амалиётда айрим ҳолатларда манфаатдор тарафлар ишни кўраётган ёки кўрмаётган барча судьяларга нисбатан келажакда ушбу ишни кўриш мумкин деган вазива билан рад қилишни сўрашади. Бундай ҳолатда барча судьяларга нисбатан рад қилиш асослари қўлланилмагани керак.

МСИЮТКнинг 21-22-моддасига кўра, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлиси котиби ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлиши уларни рад қилиш учун асос бўлади. Бирок, маъмурий қонунчилигимизда қариндошлик алоқаларининг даражаси белгилаб берилмаган.

Хорижий давлатлар қонунчилигида, масалан, Украина МСИЮТКнинг 36-моддаси 3-бандида агар ишда иштирок этувчи тарафлар ёки бошқа шахсларнинг оила аъзоси ёки яқин қариндоши (эр, хотин, ота, она, ўғай ота, ўғай она, ўғил, қиз, ўғай ўғил, ўғай қиз, ака, сингил, буви, бува, нева-ра, фарзандликка олувчи, васий, оила аъзоси ёки ушбу шахсларнинг бошқа яқин қариндошлари) бўлиши судьяни рад қилиш учун асос бўлиши²⁴ тўғридан-тўғри кўрсатилган. Бу каби амалиёт Эстония Республикаси қонунчилигида ҳам мустаҳкамланган.²⁵

Хаттоки Озарбайжон Республикасининг маъмурий процессуал кодексининг 18-моддасида яқин қариндош сифатида судьяни тоға ва холаларига алоқаси ҳам белгиланган.²⁶

Қонун чиқарувчи қариндошлик муносабатларининг қай даражада бўлишлигини белгилаш маслиҳати иш жараёнига ўз таъсирини кўрсатиши табиий ҳол. Бошқа бир қонунга ҳавола қилиниши тарафлар учун ишни суъний равишда узайтириш учун шароит яратишга имконият беради холос. Шунинг учун ҳам қариндошлик муносабатларини аниқлашда қатъий ва аниқ ёндашув талаб этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 60-моддасида **жисмоний шахсларнинг яқин қариндошлари** деганда — унинг ота-онаси, туғилган ва ўғай ака-укалари ва опа-сингиллари, эри (хотини), фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболари, бувилари, неваралари, шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси назарда тутилган.²⁷ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 57-моддасида эса, бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланиши ҳамда икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланиши кўрсатилган.²⁸

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги “Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги

нормаларининг суд-лар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 5-сонли қарорининг 6-бандида қариндошлар сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

ота-она, болалар, неваралар, бобо, буви, эваралар, катта бобо, катта буви;

ака-ука, опа-сингиллар, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука, опа-сингиллари, уларнинг болалари, бобо, бувиларнинг ака-ука, опа-сингиллари, уларнинг болалари ва ҳ.к.;

ўғай ака-ука, опа-сингиллар.²⁹

Маъмурий ишни кўриб чиқишда судьяни юқоридан кўрсатилган асослар билан рад этишда судьянинг ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндошлик даражасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқшунос олим М.Мамасиддиқов “Қариндошликнинг ҳар қандай даражаси судьяни рад қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, яқин қариндошлик муносабатлари ҳақида гапирганда, судьянинг турмуш ўртоғининг ота-оналари, қариндошлари, ўғай онаси ва бошқалар ҳам назарда тутилиши лозим”-деб фикр билдирган.

Шу сабабли ҳам МСИЮТКнинг 21-моддаси учинчи қисмида судьянинг ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндошлик даражаси кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлиси котиби ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлиши ёхуд уларнинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжудлиги ҳам мазкур шахсларни рад қилиш учун етарли ҳисобланади. Бундай асосларнинг бартараф этилмаши иш юзасидан ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз қарор чиқарилишига замин яратади. Шунингдек, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлиси котиби ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ҳолисона бажармаслиги, судни чалғитишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириши маъмурий ишларни нотўғри ҳал этилишига олиб келади.

Айниқса, судьяни бу каби асос билан рад қилиш ҳолатлари амалиётда кўп учрайди. Бирок, манфаатдор шахслар судьянинг манфаатдорлигини ва унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи ҳолатларни аниқ далиллар билан исботлаб бериши шарт. Тарафларнинг умумий ёки ноаниқ фикрлар билдириши ишнинг кечиктирилишига олиб келади. МСИЮТКнинг яна бир муаммоларидан бири “шахсан”, “бевосита” ёки “билвосита манфаатдорлик” тушунчалари ҳақида аниқ қоидалар баён қилинмаган.

Ҳуқуқшунос олим С.Холбоев, судьянинг манфаатдорлиги деганда, ишни у ёки бу тарзда ҳал этиш натижасидан унинг моддий ёки бошқа хил манфаати борлигини тушуниш лозимлигини кўрсатади. Олим ўз фикрини давом эттириб, бундай манфаатдорлик ёки судьянинг ҳолислигига шубҳа туғ-

дирувчи бошқа ҳолатларнинг мавжудлиги етарлича исботланмасдан, судьяни рад қилиш ҳақидаги аризани қаноатлантириб бўлмайди. Чунки бундай ариза қаноатлантирилганда судьянинг ноҳолис эканлиги ёки манфаатдорлиги қисман бўлсада, тан олинган ҳисобланади ва бу ҳолат суднинг обрўсига салбий таъсир қилиши мумкинлигини баён қилади.³⁰

Олим ўз фикрида судьянинг манфаатдорлиги сифатида моддий ва бошқа хил манфаатдорлик борлигини умумий шаклда кўрсатиб, аниқ фикр билдирмаган.

Ҳуқуқшунос олим М.Мамасиддиқов эса, судьянинг шахсан манфаатдорлиги деганда, кўрилаётган иш бўйича ва процессда бир томон бўлиб қатнашиши ва ишнинг натижаси унга муайян манфаат келтириши мумкин бўлган ҳолатларни кўрсатади.³¹ Шунингдек, олим судьянинг бевосита манфаатдорлиги моддий-ҳуқуқий низонинг ҳал этилиши натижасидан моддий ёки қонун билан кўриқланадиган бошқача манфаатдор бўлишини аниқлаштириши, бошқача айтганда, судьянинг бевосита манфаатдорлиги бу судьянинг шахсан ўзи иш бўйича тараф ёки учинчи шахс сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши ёхуд ишнинг мақбул ҳал этилиши натижасида бевосита фойда олиши ҳисобланишини баён қилади. Шунингдек, олим билвосита манфаатдорлик масаласи бўйича аниқ фикр келтирмасдан, билвосита манфаатдорликни аниқлаштириш бир-мунча мураккаб эканлигини, уни аниқлаш учун муайян ишга алоқадор бўлган бошқа фактлар ҳам зарур эканли-

гини, уни аниқлаш ёки исботлаш қийин масалалигини билдиради.³²

Ушбу олимларнинг фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Бизнингча, “шахсан”, “бевосита” ёки “билвосита манфаатдорлик” тушунчаларининг аниқ чегарасини белгилаш долзарб масала ҳисобланади. Чунки, ушбу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Бизнинг фикримизча, шахсан манфаатдорлик — бу судьянинг маъмурий ишни бир томонлама кўриши билан боғлиқ процессуал ҳаракатидир. Бевосита манфаатдорлик — моддий ёки бошқа қимматликларга эга бўлиш мақсадида шахсий манфаатни устун қўйган ҳолда маъмурий иш кўрилиши натижасида фойда олишга бўлган ҳаракатдир. Билвосита манфаатдорлик эса — судьянинг ишда иштирок этувчи шахсларга, уларнинг вакилларига хизмат юзасидан муқаддам қарам бўлганлиги ёки шахсий ёхуд дўстона муносабатларнинг мавжудлиги, яқин қариндошлари орқали манфаатдор бўлишидир.

МСИЮТКнинг 21-моддаси 5-бандида ишни кўраётган ҳайъат таркибидаги судьянинг қариндоши бўлса, судьяни рад қилиш асослари ҳам кўрсатилган. Бу асос билан судьяни рад қилиш учун маъмурий иш юқори инстанция судларида кўрилаётган бўлиши муҳим шарт ҳисобланади. Мисол учун, апелляция инстанциясида иш кўрилаётган вақтида тарафларнинг бири ҳайъат таркибида ишни кўраётган судьялардан бирининг қариндоши бўлса, судьяни рад қилиш учун асос бўлади.



¹ Пухта Г.Ф. История Римского права. -М.: Семена., 1864.- 224 с.

² Куйбиди Р.О., Шишкин В.И. Основы административного судочинства та административного права: навч. посібник / -К.: Старий світ, 2006. 275 с.

³ Принцип верховенства права: проблемы теории та практики: у двох книгах / (за аг. ред. Ю.С.Шемчушенка; відпов. ред. В.Б.Авер'янов). - кн. друга: Принципи верховенства права у діяльності держави та в административному праві. - К.: Конус, 2008. - 122 с.

⁴ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси / Фуқаролик ишлари бўйича судьялар учун қўлланма. 2-нашр. -Тошкент, “Ношрлик ёғдуси”. 2017. - 336 б.

⁵ Коломоець Т.О. Нікітенко Н.П. Відвід (самовідвід) в административно-юрисдикційному процесі: питання теорії та практики: монографія / Запоріжжя: Запорізький національний університет. 2011.- с. 75.

⁶ Кристина К. Институт отвода (самоотвода) как гарантия непредвзятости и объективного рассмотрения и решения дел в административном суде. // журнал *Legea si viata*. 11/2. 2013. - с. 115-118.

⁷ Багаутдинов Ф. Н., Валиахметов Р. Х. Отвод судьи в конституционном судопроизводстве // Российская юстиция. 2008. № 8. С. 4.

⁸ Нефедьев А. И. Устранение судей в гражданском процессе. Казань, 1885. С. 111.

⁹ Арабова Т. Ф., Ле Бурдон В., Тай Ю. В. Отвод судей как гарантия независимости суда // Вестник ВАС РФ. 2014. № 8. С. 142.

¹⁰ Сборник законодательных актов по административному судопроизводству / 3-е издание -М.: Инфотропик Медиа, 2018. - 11 с.

¹¹ Сборник законодательных актов по административным процедурам / (GIZ Германское Общество по Международному Сотрудничеству), -Ташкент: “Abu Matbuot Konsalt”, 2013, - 371 с.

¹² <http://www.adilet.gov.kz>

¹³ Сборник законодательных актов по административному судопроизводству / 3-е издание -М.: Инфотропик Медиа, 2018. - 339 с.

¹⁴ <http://search.ligazakon.ua>

¹⁵ Сборник законодательных актов по административному судопроизводству. 3-е издание. - М.: Инфотропик Медиа, 2018. - 280 с.

¹⁶ Қаранг ўша манба. - 494 с.

Шу ўринда савол туғилади, бундай ҳолатда бутун суд таркиби рад қилиниши керакми ёки фақатгина ўша судьянинг ўзи рад қилиниши лозимми? Албатта ушбу ҳолатда фақатгина қариндошлик алоқаси мавжуд бўлган судьяни рад қилиш лозим.

Маъмурий суд ишларини юритиш қонунчилиги эксперт ва мутахассисни рад қилиш учун яна қуйидаги асосларни ҳам назарда тутати:

– унинг ишда иштирок этувчи шахсларга ёки уларнинг вакилларига ишнинг муҳокамаси пайтида ёки ўтмишда хизмат вазифаси юзасидан ёхуд бошқа жиҳатдан тобе бўлганлиги;

– у ўтказган тафтиш материаллари судга муурожаат қилиш учун асос ёки сабаб бўлиб хизмат қилган бўлса ёхуд ишни кўришда улардан фойдаланилаётган бўлса.

Эксперт ва мутахассиснинг ишда иштирок этувчи тарафларга ёки бошқа шахсларга хизмат юзасидан қарам бўлиши уларнинг бевосита қайд этилган шахслар билан бир-галикда хизмат қилиши ва уларга хизмат юзасидан бўйсунуши тушунилади. Бошқача тарзда қарам бўлиши деганда эса шартномавий ёки шартномадан ташқари муносабатлар билан боғлиқ бўлиши тушунилади. Бу каби қарамлик ёки боғлиқликнинг мавжуд бўлиши эксперт хулосасининг ёки мутахассис маслаҳатининг ҳолислиги ҳамда ҳаққонийлигини шубҳа остига қўяди.

Эксперт ва мутахассиснинг тафтиш ўтказган ёки хулоса берганлиги ва уларнинг материаллари муайян маъмурий ишни қўзғатишга асос бўлиб

хизмат қилган бўлса, мазкур иш бўйича уларни рад қилиш мумкин. Маълумки, тафтиш у ёки бу фаолиятни текшириш учун ўтказилади ва унда мазкур фаолиятнинг тўғри ёки нотўғрилиги бўйича мутахассиснинг хулосалари ўз ифодасини топади. Агар тафтиш материаллари ёки бошқа материаллар мазкур маъмурий ишни қўзғатишга асос бўлиб хизмат қилган бўлса ёхуд мазкур маъмурий ишни кўриш жараёнида фойдаланилаётган бўлса, уни ўтказган шахс ушбу процессга эксперт ёки мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин эмас. Сабаби, уларнинг иш жараёнида тақдим этадиган хулоса ёки фикрлари муқаддам унинг томонидан берилган хулосалар билан боғлиқ бўлиб қолади. Бу эса эксперт ёки мутахассиснинг холислигига ўз таъсирини кўрсатади, улар бераётган хулоса ёки фикрларнинг ҳаққонийлигига раҳна солади.³³

Рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар томонидан маъмурий ишни кўриб чиқиш бошланғунига қадар ёки ишни кўриш жараёнида берилганида уни кўриб чиқиб, ҳал этиш тартиби МСИЮТКнинг 23-25-моддалари асосида ҳал этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб рад қилиш (ўзини-ўзи рад қилиш) ҳолатларининг вужудга келишига субъектив ва объектив омиллар таъсир кўрсатади, дейиш мумкин. Мазкур институтнинг холислиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш маъмурий суд ишларини ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда суд процессида ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишга ўз таъсирини кўрсатади.



¹⁷ Сборник законодательных актов по административным процедурам / (GIZ Германское Общество по Международному Сотрудничеству), -Ташкент: "Abu Matbuot Konsalt", 2013, - 405 с

¹⁸ Қаранг ўша манба. - 371 с.

¹⁹ Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 8 марта 2015 г. N 21-ФЗ. Изменен с 1 сентября 2019 г. - Федеральный закон от 29 июля 2018 г. N 265-ФЗ. <http://www.kremlin.ru>

²⁰ <http://search.ligazakon.ua>

²¹ Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Республики Казахстан. Под ред. Председателя Верховного Суда Республики Казахстан, доктора юридических наук Маами К.А. Книга издана при финансовой поддержке немецкого общества по техническому сотрудничеству (GTZ). Астана, 2008. С. 147-148.

²² Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси: ўқув қўлланма Тошкент: Baktria press, 2014. 263 б

²³ Сборник законодательных актов по административному судопроизводству / 3-е издание -М.: Инфотропик Медиа, 2018. - 339 с

²⁴ Сборник законодательных актов по административной юстиции / 2-е издание -Ташкент: "NORMA", 2013, - 528 с

²⁵ Сборник законодательных актов по административным процедурам / (GIZ Германское Общество по Международному Сотрудничеству), -Ташкент: "Abu Matbuot Konsalt", 2013, - 418 с

²⁶ Сборник законодательных актов по административному судопроизводству / 3-е издание -М.: Инфотропик Медиа, 2018. - 11 с

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й. www.lex.uz . Қаралган вақти 21.05.2020 й.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-б-сонга илова. www.lex.uz . Қаралган вақти 21.05.2020 й.

²⁹ www.lex.uz . Қаралган вақти 21.05.2020 й.

³⁰ Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари / Муаллифлар жамоаси. Илмий амалий қўлланма.- Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2020 й. - 64 б.

³¹ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси: ўқув қўлланма Тошкент: Baktria press, 2014. 262 б

³² Қаранг ўша манба.

³³ Қаранг ўша манба.

Абдуллаева Дилфуза Саидазимовна,
Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаштирилган филиали ўқитувчиси

АЙРИМ ТОИФАДАГИ ХОДИМЛАР ИШ ВАҚТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

◆ Мақола айрим тоифадаги ходимларнинг иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиниши масалаларини тадқиқ қилишга қаратилган бўлиб, мазкур тоифадаги ходимлар иш вақтининг бир-биридан фарқли жиҳатлари, иш вақтининг давомийлиги, қисқартирилган иш вақтини тартибга солиш тартиби, иш режими ҳамда иш ҳафтаси таҳлил қилинган.

◆ В статье рассматриваются вопросы правового регулирования рабочего времени отдельных категорий работников, различные аспекты рабочего времени этой категории работников, продолжительность рабочего времени, порядок регулирования сокращенного рабочего времени, рабочего времени и рабочей недели.

◆ The article deals with the legal regulation of working hours of certain categories of workers, various aspects of working hours of this category of workers, the length of working hours, the regulation of reduced working hours, the work schedule and the working week.

Калит сўзлар: Меҳнат қонунчилиги, меҳнат муносабатлари, ходимлар, иш вақти, иш ҳафтаси, иш вақтининг давомийлиги, қисқартирилган иш вақти.

Ключевые слова: Трудовое право, трудовые отношения, работники, категории рабочего времени, рабочая неделя, продолжительность рабочего времени, сокращение рабочего времени.

Key words: Labor law, labor relations, workers, categories of working hours, working week, working hours, reduction of working hours.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналиши саналади. Давлат ва жамият ҳаётида ислохотларни амалга оширишда аниқ мақсадни белгилаб олиш ва ушбу мақсадни амалга оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар, уларнинг ижро муддатларини аниқ белгилаш ҳамда ҳар бир соҳада инсон ҳуқуқларини олий даражага эга эканлигини унутмаслик алоҳида аҳамиятга эгадир.

Инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз кетганда меҳнат қилиш ҳуқуқи ва уни таъминлаш масаласини четда қолдириб бўлмайди. Меҳнат қилиш ҳуқуқи муҳим ижтимоий ҳуқуқ бўлиб, инсонларнинг меҳнат орқали даромад олиб ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган энг муҳим ҳуқуқлардан биридир.

Ҳозирги кундаги фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини рўйбга чиқарилишига давлат томонидан кўмаклашиш ҳамда уларнинг муносиб турмуш кечирishини таъминлашда қонунчилик нормаларини такомиллаштириш билан боғлиқ ислохотларни амалга ошириш долзарб масалалардан биридир.

Шу сабабли бутун жаҳон ҳамжамиятида инсонларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқи алоҳида ҳимоя остига олинган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умум-

жаҳон Декларациясида [1], Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт [2] ва бошқа инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда [3] ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ва қулай меҳнат шaroитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга қўшила борар экан, нафақат иқтисодий алоқаларни, балки ижтимоий, маданий, инсоний алоқаларни ҳам йўлга қўйиш, ривожлантиришга аҳамият бериб келмоқда. Ана шу мақсадда халқаро ташкилотлар билан, энг аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг муассасалари билан ўзаро алоқа ҳамда ҳамкорликни авж олдирмоқда. Мамлакатимизнинг 1992 йил март ойидаёқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилиниши, бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар фаолиятида аъзо сифатида фаол қатнаша бошлаши мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътибори ортанлигидан ҳамда жаҳон миқёсидаги глобал муаммолар ҳал этилишида унинг салмоғи эътироф этилаётганлигидан дарак беради.

Шунингдек, мамлакатимиз халқаро ҳуқуқий нормаларни ҳурмат қилувчи ва тан олувчи давлат сифатида энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга

қўшилди ҳамда уларни ратификация қилди. Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлганлиги ва ушбу халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган бир қанча меҳнат муносабатларига оид бўлган ҳужжатларни ратификация қилиб амалга жорий этаётганлигини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бир қанча конвенцияларга мувофиқлаштирилган, баъзи ҳолларда эса мазкур конвенцияларда назарда тутилган минимал кафолатларга нисбатан ходимлар учун кафолатларнинг юқорироқ даражаси белгиланган.

Жумладан, меҳнат муносабатларида иш вақтини аниқ тартибга солиш жуда муҳимдир. Бу фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқининг муҳим ҳуқуқий кафолатларидан биридир, шунинг учун иш вақти нормалари дам олиш вақтидаги нормалар билан бирлаштирилади. Иш вақти меҳнат ҳолати сифатида ходимларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада белгилайди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг иш вақти соҳасидаги “Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида” ги 47-сонли асосий конвенцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси бу конвенцияга 1995 йили қўшилган ва ушбу халқаро нормалар миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ўрнини топмоқда.

Ўзбекистони Республикаси Меҳнат кодексига ҳам иш вақтининг муддати ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги ҳамда айрим тоифадаги ходимлар (ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар, алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар ва бошқалар) учун эса меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган. Мазкур конвенция ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг “Иш вақтини қисқартириш бўйича” 116-сон тавсиясига мувофиқ иш вақтининг нормал муддатидан ортиқча ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб қаралади ва унга оширилган ҳақ (камида 25 фоиз) тўланиши кераклиги ҳам белгилаб қўйилган.

Меҳнат қонунчилиги иш вақти ва дам олиш вақтини ҳуқуқий тартибга солишнинг бирлиги ва дифференциалланганлиги уйғунлашувига асосланади. Иш вақти ва дам олиш вақтини ҳуқуқий тартибга солишнинг бирлиги ходим шахси ва расмий меҳнат шароитларидан қатъи назар, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган барча ходимларга мазкур соҳада ҳуқуқ ва кафолатларини белгилашда намоён бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир ходим иш вақтининг чегараланган муддати, йиллик меҳнат таътилига чиқиш, ижтимоий таътил ва бошқаларни олиш ҳуқуқига эгадир.

Дифференциаллик айрим тоифадаги ходимларни иш вақти ва дам олиш вақтини ҳуқуқий тартибга

солишнинг ўзига хос хусусиятларига асосланади. Бундай ўзига хос хусусиятлар ҳам субъектив (жинси, ёши, соғлиги ҳолати ва бошқалар), ҳам объектив (меҳнат шароити, ходим томонидан бажариладиган ишнинг ўзига хос хусусиятлари, табиий иқлим шароитлари ва ҳ.к) омиллар ҳисобга олинишига асосланиши мумкин [4].

Меҳнат ҳуқуқининг дифференциацияси меҳнат ҳуқуқи нормаларини унификациялаш, меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишни индивидуаллаштириш категорияларига яқин туради. Меҳнат ҳуқуқи нормаларини унификациялаш меҳнатни тартибга солишда ўзини оқламаган фарқларни бартараф этишни, айрим тоифадаги ходимларнинг ҳолатини ҳуқуқий кафолатларни камайтирмасдан, анча имтиёзлироқ асосда тенглаштиришни билдиради. Индивидуал ҳуқуқий тартибга солишни дифференциация категорияси билан боғланган деб ҳисоблаш мумкин эмас. Меҳнат ҳуқуқининг дифференциацияси қонун чиқарувчининг меҳнат-ҳуқуқий сиёсатини ўзида ифодалайди. Индивидуаллаштириш эса ҳуқуқни қўлловчининг меҳнат-ҳуқуқий сиёсатини меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар даражасида ифодалайди. Шунингдек, дифференциация чегарасиз тарзда бўлмаслиги лозим. Унинг чегаралари объектив асослар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали белгиланиши лозим, бу уни меҳнат шартномаси каби чегарасиз персоналлаштиришдан ажратиб туради [5].

Масалан айрим тоифадаги ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддатини белгилаш бевосита қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Иш берувчи уни ҳатто иш вақтининг нормал муддати доира-сида узайтиришга, шу жумладан ходимнинг розилиги бўлган тақдирда ҳам узайтиришга ҳақли эмаслигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, айрим тоифадаги ходимларнинг соғлиги ёки иш шароити туфайли ижтимоий муҳофаза сифатида алоҳида иш вақти режими жорий этилиши ҳам шулар жумласидандир.

Бу борада иш вақти институтини ўрганган бир неча олимларнинг илмий қарашлари бўлиб, мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги мутахассислар томонидан иш вақти билан боғлиқ махсус илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Мазкур мавзуга оид маълумотлар асосан ўқув адабиётлари яратиш доирасида ёритилган. Хусусан, А.А.Иноятов, М.Ю.Гасанов, М.А.Усманова, Й.Турсунов, Е.А.Соколов, Г.К.Саримсақовалар томонидан яратилган ўқув ва ўқув-услубий адабиётларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Жумладан, ҳуқуқшунос олим А.Иноятовнинг фикрига кўра, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг белгиланадиган хусусиятлари уларнинг қонунчиликда назарда тутилган меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва кафолатларини пасайтириши мумкин эмас. Ходимларнинг тоифасига қараб, ҳуқуқ нормаларини дифференциаллашнинг асосий моҳияти айрим тоифадаги ходим-

лар учун махсус нормалар билан алоҳида қоидалар ўрнатиб қўйилишида намоён бўлади. Масалан, умумий тартибга нисбатан ишга жойлаштириш, меҳнат шартномасини тузиш ва уни бекор қилиш, иш вақти ва дам олиш вақтини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш хусусиятлари, меҳнатга ҳақ тўлаш борасида қўшимча имтиёз ва афзалликлар, интизомий ва моддий жавобгарлик белгиланиши шулар жумласидандир [6].

Рус олими С.Василиадининг фикрига кўра, айрим тоифадаги ходимлар сифатида аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг иш вақтини тартибга солишда аёл танасининг жисмоний ва психологик хусусиятларини инобатга олиб мақбул иш режимини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (кейинги ўринларда Кодекс)нинг 18-моддасида айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг хусусиятлари белгиланган бўлиб, унга кўра ходим билан корхона ўртасидаги меҳнат алоқасининг хусусияти, ходим меҳнатининг шарт-шароитлари ва хусусияти, табиий иқлим шароитлари, ходим меҳнат қилаётган жойнинг алоҳида ҳуқуқий тартиби ва бошқа объектив омиллар билан белгиланиши назарда тутилган. Шунингдек, давлат хизматчиларининг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари қонун билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг белгиланган хусусиятлари кодексда назарда тутилган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларининг даражасини пасайтириши мумкин эмаслиги кўрсатилган [7].

Миллий қонунчилигимизга кўра, айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиги ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидагилар учун белгиланади:

ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар;
I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар;

ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар;

алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар;
уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар [8].

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун Кодекснинг 242-моддасида иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган. Ўқишдан

бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг тегишли ёшдаги шахслар (ўн олтидан ўн саккиз ёшгача) учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.

Ташкилотларда банд бўлган ногиронларга ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ зарур меҳнат шароитлари яратилади.

Жамоа ёки яқка тартибдаги меҳнат шартномасида белгиланадиган меҳнат шароитлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақти режими, йиллик ҳамда қўшимча таътилларнинг муддати норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронларнинг аҳолини ёмонлаштирмаслиги ёки ҳуқуқларини чекламаслиги керак [9].

Бундан ташқари, Кодексга мувофиқ I ва II гуруҳ **ногиронларига** меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланган ҳамда уларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилиши назарда тутилган.

Айрим тоифадаги ходимларга кирувчи яна бир тоифа, яъни ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар назарда тутилган бўлиб, ушбу тоифадаги ходимларнинг иш ўринларидаги меҳнат жараёни оғирлиги ва тифизлигининг ҳамда уларнинг жароҳатланиш жиҳатидан хавфлигининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш, зарарли ишлаб чиқариш омиллини ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллини аниқлаш мақсадида аттестация ўтказилиб турилади [10].

Кодекснинг 117-моддасига кўра, **ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар** учун иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади. Корхонадаги бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати тармоқ (тариф) келишувларида, жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган услубияти асосида белгиланади.

Шунингдек, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддати белгиланган [11].

Бундан ташқари, **алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар учун** иш вақтининг қисқартирилган муддати юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган [12].

Ушбу тоифадаги ходимлар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган “Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги қисқартирилган иш куни белгиланадиган ходимлар рўйхати” (4-илова)да тасдиқланган.

Мазкур рўйхатда педагоглар (халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим ва педагог ходимлари)га иш ҳафтасининг давомийлиги соатларда қилиб белгиланган. Масалан, алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар учун иш вақти ҳафтасига 1-4 синфлар ўқитувчилари, мактаблар, барча тур ва номдаги мактаб-интернатларнинг ўқитувчи-логопедлари, ўқитувчи-дефектологлари; гимназиялар, лицейларнинг ўқитувчилари, логопедлик хоналари мудирлари учун 18 соатни, барча тур ва номдаги мактаблар ва мактаб-интернатларнинг 5-11 синфлари ўқитувчилари, гимназиялар, лицейлар, мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатларининг ўқитувчилари; ўрта ҳунар-техника билим юртларининг умумтаълим фанлари ўқитувчилари учун 20 соатни, Жисмоний ёки ақлий ривожланишда камчилиги бўлган болалар ва ўсмирлар учун махсус ўқув-тарбия муассасаларининг тарбиячилари учун 25 соатни, барча тур ва номдаги болалар ясилари ва мактабгача тарбия муассасалари, болалар уйлари, мактабдан ташқари муассасаларнинг катта тарбиячилари, тарбиячилар учун 36 соат, олий ўқув юртлари ходимларининг профессор-ўқитувчилар таркиби учун 36 соат ва ҳ.к.

Бироқ мазкур рўйхатда истисно сифатида ҳунар-техника таълими ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари, коллежлар, техникумларнинг барча ихтисосликлари ўқитувчилари учун қисқартилган иш вақти муддати йилига 800 соат деб белгиланган.

Бундан ташқари, алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар сифатида телевидение ва радиоэшитириш соҳасидаги айрим ходим (суҳандон, овоз режиссёри)ларга қисқатирилган иш вақти 6 соатдан иборат.

Кодекснинг 228¹-моддасида алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар сифатидаги **уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан** молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва

ташкilotларда ишлаётган аёлларнинг иш вақтининг қисқартирилган муддати ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмаслиги белгиланган. Иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, жамоа келишувлари ва жамоа шартномасида шунингдек, меҳнат шартномаси шартларида меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларга қўшимча равишда қорхонанинг бошқа ходимларига ҳам иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланиши мумкин.

Айрим тоифадаги ходимларнинг иш вақтини ўрғанар эканмиз, мазкур мақолада хориж тажрибасини ҳам таҳлил қилган ҳолда бошқа ривожланган давлатларнинг ҳам қонунчилигини таҳлил қиламиз.

Жумладан, Россия Федерацияси сиёсати инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Россия Федерациясида меҳнат ва одамлар саломатлиги ҳимоя қилинади [13]. Россия Федерациясининг меҳнат қонунчилигида айрим тоифадаги ходимларнинг иш вақти меҳнат кодекси ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 92-моддасига асосан айрим тоифадаги қуйидаги ходимларга иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган:

ўн олти ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига 24 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси;

ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси;

I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар учун ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси;

меҳнат шароитларини махсус баҳолаш [14] натижалари бўйича 3 ёки 4 даражадаги хавfli меҳнат шароитларига тегишли бўлган ходимлар учун ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси белгиланган.

Бундан ташқари мазкур кодексда ва бошқа федерал қонунларда ходимларнинг бошқа тоифалари (педагог, тиббиёт ва бошқа ходимлар) учун ҳам иш вақтининг қисқартирилган муддатини белгилаш мумкинлиги кўрсатилган.

Хусусан, Россия Федерацияси Меҳнат кодексида тиббиёт ходимларининг қисқатирилган иш вақти давомийлиги ҳафтасига 39 соатдан ошмаслиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, тиббиёт ходимларига мазкур давлат қонунчилиги билан турли тиббиёт ташкilotлар ва муассасаларда эгаллаб турган лавозимлари ёки мутахассислигидан келиб чиқиб, уларга мос равишда иш вақтининг давомийлиги бир қанча рўйхатлар билан белгилаб қўйилган [15].

Шунингдек, бошқа махсус федерал қонунлар билан соғлиқни сақлаш ходимларининг айрим тоифалари учун қисқартирилган иш вақтидан фойдаланиш ҳуқуқлари мавжуд.

Масалан, врач-психиаторлар, бошқа мутахассислар, тўғридан-тўғри психиатрия ёрдами билан шуғулланадиган тиббиёт ходимлари учун 36 соатдан иборат бўлган иш ҳафтаси [16], ОИТС инфекцияси билан касалланган беморларга ташхис қўядиган ва даволайдиган ҳамда ўз хизмат вазифаларини бажаришда ушбу касалликни юктириш хавфи даражаси юқори бўлган тиббиёт ходимлари учун 36 соатлик иш ҳафтаси [17], кимёвий модда (курол)лар билан ишлайдиган тиббиёт муассасалари ходимлари учун ҳам 36 соатлик иш ҳафтаси [18] ҳамда сил касаллигини даволашда бевосита иштирок этадиган тиббиёт, ветеринар ва бошқа ходимлар учун 33 соатлик иш ҳафтаси белгиланган [19].

Шунингдек, ходимларнинг айрим тоифалари учун қисқартирилган иш вақтини белгилашда Беларусь Республикаси меҳнат қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур давлат Меҳнат кодексининг 114-моддасида қуйидагилар назарда тутилган:

ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, эвакуация ҳамда радиоактив ифлосланиш зонасида ишлайдиганлар учун ҳафтасига 35 соатдан кўп бўлмаган иш вақти;

ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ходимлар учун иш вақти ҳафтасига 23 соатдан кўп бўлмаган иш вақти белгиланган.

Ходимларнинг айрим тоифалари (ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқалар) учун қисқартирилган иш вақти Беларусь Республикаси ҳукумати ёки ваколатли орган томонидан белгиланади.

Жумладан, тиббиёт ходимлари учун ҳафтасига 38,5 соат қисқартирилган иш вақти белгиланган. Бу тоифадагиларга хавфли меҳнат шароитлари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, тиббий илмий ташкилотлар, санатория-соғломлаштириш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари бўлган тиббий мутахассислар, асосий фаолияти билан бир қаторда тиббий фаолиятни амалга оширадиган, ушбу ташкилотларнинг алоҳида бўлинмалари, бош ҳамширалар ва стоматологлар киритилган [20].

Беларусь Республикаси Таълим вазирлигининг 05.09.2011 йилдаги “Айрим педагоглар ишчиларининг иш вақтини қисқартиришни ташкил этиш тўғрисида”ги 255-сон қарори билан “Қисқартирилган иш вақти белгиланадиган педагог ходимларнинг алоҳида тоифалари” ва “Ўқитиш соатлари белгиланган педагог ходимларнинг алоҳида тоифалари” рўйхатлари тасдиқланган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган таълим муассасасида фаолият олиб бо-

радиган педагогларга ҳафтада 20 соатдан 36 соатгача қисқартирилган иш вақти белгилаб қўйилган.

Шунингдек, айрим тоифадаги ходимлар жумласига маданий ташкилотлар ходимлари ҳам киритилган бўлаб, дирижёрлар, режиссёрлар, хореографлар, хормейстерлар, хореографлар, санъат гуруҳлари, бадиий жамоалари, студиялар, тўгараклар, хаваскорлар уюшмалари, қизиқиш клублари ва бошқа клуб гуруҳлари аъзоларига қисқартирилган иш ҳафтаси ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган [21].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб, айрим тоифадаги ходимларнинг иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишнинг регламенти зарурлиги иш берувчи ва ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасида ўз аксини топиши керак. Шунингдек, умумий қоидаларни қўллашни қисман чеклайдиган ёки айрим тоифадаги ишчилар учун қўшимча қоидаларни таъминлайдиган ҳуқуқий меъёрларнинг ўрнатилиши меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг мослашувчанлигини оширишга, меҳнат шароитларини яхшилашга ва ишчилар, иш берувчилар ва давлат манфаатларининг мақбул балансига эришишга имкон беради.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мақсадларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун иш вақтининг максимал вақтини белгилашдан ташқари, кун, ҳафта ёки бошқа календарь вақти чегараларида иш вақтини тақсимлаш тартиби ва усулларини тартибга солиш керак деб ҳисоблайман.

20172021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси тақдим этилди [22]. Ушбу ҳужжатга биноан меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

Янги таҳрирдаги Кодексда айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишда ходимнинг иш берувчи билан меҳнат муносабатларининг табиати, иш жойи, ходимнинг иш шароитлари ва характери, иш берувчининг ҳолати, айрим соҳалар ва касблардаги ходимларнинг ўзига хос хусусиятларини қатъий инобатга олиниши керак деб ўйлайман.

Хусусан, амалдаги меҳнат қонунчилигида алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар қаторига педагоглар, тиббиёт ходимлари ва бошқалар деб белгилаб қўйилган. Бироқ ҳозирги меҳнат шароитида алоҳида тусга эга бўлган айрим тоифадаги ходимлар (спортчилар, транспорт ходимлари, касаначилик билан шуғулланувчилар, яқка тартибдаги тадбиркорлар)нинг иш вақти тартибга солинмаган.

Бундан ташқари, иш вақтини ҳисобга олиш бўйича иш берувчининг мажбурияти кодексда тартибга солинган бўлиб, бироқ уни ҳисобга олиш механизми ҳақида аниқ қоидалар мавжуд эмас. Амалиётда иш берувчилар томонидан барча ходимларга, шу жумладан айрим тоифадаги ходимларга иш вақтини ҳисобга олиш бўйича турли усуллар қўлланиб келинмоқда.

Шунга қўра, хорижий мамлакатлар тажрибаси ва миллий қонунчиликнинг илмий-назарий таҳлили натижасида амалдаги меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда айрим тоифадаги ходимларнинг иш вақти хусусиятларини тартибга солишда қўйидаги таклифларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

ўриндош ходимлар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, ёлланган шахслар, уй шароитида ва масофадан ишлайдиган ходимлар, шунингдек, сменали ишда ишлайдиган ходимларнинг иш вақти хусусиятларини белгилаш;

транспорт, алоқа, қутқарув ходимлари, шахсий компьютерларда, видео дисплей терминалларида, офис жиҳозларида ишлайдиган шахслар ва ишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлган бошқа ходимларнинг иш вақтини ўрнатиш;

касанагининг иш вақтини тартибга солиш ҳамда касаначи ишлаб чиқариш топшириғи ҳажмидан ҳамда меҳнат шартномасида белгиланган бошқа шартлардан келиб чиққан ҳолда ўзи учун иш вақти муддатини, иш жадвали ва тартибини мустақил равишда белгилаши;

масофадан иш олиб борувчининг иш вақти ва масофадан иш олиб борувчи ўз иш вақтининг давомийлигини мустақил равишда белгилаши мумкин бўлган нормаларни назарда тутиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхона, ташкилот, муассасаларда айрим тоифадаги ходимлар учун иш вақтини ҳисобга олишни ягона тартибини белгиловчи нормаларни қонунчиликка жорий этиш айна муддао бўлар эди.



1. <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.
2. <https://kasaba.uz/wp-content/uploads/pdf>.
3. <https://www.ilo.org/global/research/global-reports/weso/2020/lang-en/index.htm>.
4. М.Гасанов, Г.Саримсакова. Иш вақти ва дам олиш вақтини тартибга солишнинг ҳуқуқий масалалари. Ўқув қўлланма.- Т.:ИПДТ МЖЧ “Фуқаролик жамияти” 2017. С.256. 5-бет.
5. Ш.А.Исмоиловнинг “Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари” номли юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. УДК 349.222.2(043.5)(575.1). Тошкент ш. 2020 йил. 14-бет.
6. А.А.Иноятов “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ҳуқуқи”. Тошкент ш. “Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2002 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон).
8. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон).
9. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг (янги таҳрири) 5-боб. («Ногиронлар меҳнати»). Тошкент ш., 2008 йил 11 июль, ЎРҚ-162-сон.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни. 14-модда. Тошкент ш., 2016 йил 22 сентябрь, ЎРҚ-410-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддати” рўйхати. 8-илова.
12. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон).
13. Россия Федерациясининг Конституцияси. 1993 йил 12 декабрь. 7-модда. <http://constitution.kremlin.ru/>.
14. Россия Федерациясининг “Меҳнат шароитларини махсус баҳолаш тўғрисида”ги қонуни. Москва, Кремль. 2013 йил 28 декабрь, N 421-ФЗ.
15. Россия Федерациясининг “Тиббиёт ходимларининг эгаллаб турган лавозими ёки мутахассислиги бўйича иш вақтининг давомийлиги тўғрисида”ги қарори. 2003 йил 14 февраль. № 101.
16. Россия Федерациясининг “Психиатрия ёрдами ва ёрдам кўрсатадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. 22-модда. 1992 йил 2 июль. № 3185-1., Россия Федерациясининг “Тиббиёт ходимларининг эгаллаган лавозими ва мутахассислиги бўйича иш вақти давомийлиги тўғрисида”ги қарори. 2003 йил 14 март. № 101.
17. Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида сил касаллигини тарқалишининг олдини олиш тўғрисида”ги қонуни. 22-модда. 1995 йил 30 март. № 38-ФЗ.
18. Россия Федерациясининг “Кимёвий модда (курол)лар билан ишлайдиган фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуни. 5-модда. 2000 йил 7 ноябрь. № 136-ФЗ.
19. Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида инсон иммунитетини танқислиги вируси (ОИТС) тарқалишининг олдини олиш тўғрисида”ги қонуни. 15-модда. 2001 йил 18 июнь. № 77-ФЗ.
20. Беларусь Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 23 мартдаги “Тиббий ходимлар учун қисқартирилган иш вақтини ташкил этиш тўғрисида”ги 16-сон буйруғи.
21. Беларусь Республикаси Маданият вазирлигининг 08.02.2010 йилдаги “Рўйхатни тасдиқлаш тўғрисида” ги 4-сон қарори.
22. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон, 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон, 21.05.2019 й., 06/19/5722/3154-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 20.03.2020 й., 06/20/5971/0348-сон).

Исмоилов Бобур Мирзо,
базовый докторант Академии Генеральной
прокуратуры Республики Узбекистан

Мухаммадиева Мохинур Яхшибаевна,
магистр Университета мировой экономики
и дипломатии Узбекистана

ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ КОРРУПЦИИ С ПОМОЩЬЮ ИНСТИТУТА НАДЗОРА: ПРАКТИКА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН И НЕКОТОРЫЕ РЕКОМЕНДАЦИИ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА

✦ В статье проанализированы вопросы противодействия коррупции с помощью прокурорского надзора, а также выработаны предложения по совершенствованию национального законодательства.

✦ Мақолада прокурор назорати ёрдамида коррупцияга қарши курашиш масалалари таҳлил қилинган ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

✦ The article analyzes the problematic issues of the terms of the preliminary investigation, established by article 329 of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, and offers amendments for eliminating procedural juridical gaps in the preliminary investigation process.

Ключевые слова: Генеральная прокуратура, коррупция, надзор, совершенствование, противодействие.

Калит сўзлар: Бош прокуратура, коррупция, назорат, такомиллаштириш, қарши курашиш.

Key words: General Prosecutor's Office, corruption, supervision, improvement, combatting.

Исследования деятельности прокуратуры в зарубежных странах показывает, что в современном мире нет единой системы, определяющей в полной мере организацию, полномочия и задачи прокуратуры. Прокуратура в зарубежных странах строилась в течение длительного периода развития на основе учета исторических условий страны, характера государственного механизма и экономики¹.

В большинстве систем основными функциями прокуроров являются решение о судебном преследовании и обвинение в суде. Основные функции в некоторых юрисдикциях могут также включать расследование преступлений, надзор за соблюдением следователями процессуальных норм, вынесение приговора, перевод правонарушителей на альтернативы судебному преследованию, поддержка потерпевших, надзор за исполнением законодательства. Кроме того, во всех системах квалифицируется стратегическая роль прокуроров: давать рекомендации относительно политики уголовного правосудия².

Международное сообщество признаёт, что коррупция становится глобальной проблемой,

и в этой области начали работать многочисленные региональные и глобальные межправительственные организации. Результатом этой деятельности стало принятие целого свода законодательных актов, как «обязательного» (договоров и конвенций), так и «мягкого» характера (рекомендаций, резолюций, инструкций и деклараций), подготовленных и принятых в рамках таких организаций, как ООН, Совет Европы, ОЭСР, Организации Американских Штатов, Африканского Союза и Европейского Союза.

Основной целью международного сообщества было установить общие стандарты борьбы с коррупцией на национальном уровне путем введения уголовной ответственности за коррупционные преступления, обеспечения соблюдения антикоррупционных законов, а также проведения мер по предупреждению коррупции.

